Муродхон ҲОШИМОВ



СПЕЛЕОТУРИЗМ

Муродхон ХОШИМОВ

СПЕЛЕОТУРИЗМ

“Зарафшон” нашриёти ДК
Самарқанд – 2009

Адабий-публицистик нашр

Муродхон ҲОШИМОВ

СПЕЛЕОТУРИЗМ

«Зарафшон» нашриёти ДК, Самарқанд – 2009, 144 бет.

Туризмни бир бутун социал-иқтисодий жараён сифатида бошқариш ҳамда унинг алоҳида шакл ва формаларидан фойдаланишни ўрганиш мақсадида яратилган ушбу китобга «Спелеотуризм» деб ном қўйилиши бежиз эмас, албатта.

Мазмунан– ғор туризми илмини англатадиган бу қўлланма, сайёҳлар, сайёҳлик гуруҳлари, шу соҳани ўрганувчи кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

БМТ қошидаги умумжаҳон Туристик ташкилоти Самарқанд шаҳри "Буюк Ипак йўли"даги туризм офисининг қисман ҳомийлигида чоп этилди.

ISBN 978-9943-329-66-9

© Муродхон ҲОШИМОВ

ТУРИЗМ ТУРЛАРИ

Ҳозирги замон туризмини турларга бўлиш энг аввал туристик хўжалик ривожини режалаштириш, уни ҳудудий бўлинишини ташкил этиш, туристик ҳаракатни ва бутун туризмни бир бутун социал- иқтисодий жараён сифатида бошқариш мақсадида амалга оширилади. Бундай турларга бўлинган мақсад туризмни алоҳида шакл ва формаларини ҳар ҳил мақсадда фойдаланиш учун гуруҳларга бўлишда ишлатишдир.

Ҳозирги даврга қадар туризм аниқ классификация қилинмаган. Чунки,унинг ҳозирги замон турлари ва шаклларини ажратишнинг иложи йўқ. Лекин уларни айрим усулларини дифференциация этиш ва интеграция қилиш имконияти бор. Туризмни турларга бўлиш зарур, чунки унинг ривожланиш ва территориал ташкил этишнинг бир қатор муаммоларини ечишда турларга бўлиш қўл келади, айрим тур туристик хизматларни, талабни, унинг асосида туризм материал-техник базасини аниқлаш имконини беради.

Туризмни айрим белгилар асосида: мақсади, характери, муддати ва давом этиш вақти, ҳаракат қилиши, жойлашиши, саёҳатдагилар сифат хусусиятларига қараб турларга бўлинади. Ҳал қилувчи сифат, саёҳат мақсади қилиб олинади. Албатта, саёҳат вақтида турист биргина мақсадни олдига қўймайди, лекин ўша мақсадлардан бири турист учун асосий бўлиб колади.

Шакл ва турларидан ташқари, туризмнинг кўриниши ҳам хилма-хилдир. Улар турлича факторларга боғлиқ бўлиб,улар ичида энг муҳимлари:

- эркин вақт мавжудлиги ва муддати;
- ёши, жинси, соғлик даражаси, маънавий ривожланиш даражаси, одамларнинг шахсий эҳтиёжи ва уларнинг иқтисодий аҳволи;
- табиий шароит ҳар хиллиги ва мавсумийлиги;
- ҳаракат воситаларининг борлиги ва ҳоказо.

Ҳозирги туризмнинг мақсади, йўналиши ва ривожланиши масштабини эътиборга олиб, уларни шакл, тўплар ва турларга бўлиш мумкин.

Жамиятдаги функцияси ва ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ равишда уч асосий шаклдаги туризм ажралиб туради; даволовчи, соғломлаштирувчи – спорт ва билим берувчи.

Инсонлар соғлиғини тиклаш ва сақлаш, уларнинг меҳнат қобилиятини ошириш ҳар бир давлатнинг социал сиёсатидаги асосий вазифаси бўлиб, уларни ечишда эса туризм асосий рол ўйнайди. У фаол дам олишни ва даволаш функциясини бажаради. Санатория - курорт даволаш эса одамларнинг соғлиғини тиклаш учун восита бўлиб хизмат қилади. Одамларнинг физик, психологик, ишлаб чиқариш вақтидаги ва ундан ташқаридаги чарчашини туризм ёрдамида соғломлаштириш бу муаммони ечишнинг бир йўлидир. Фаол дам олишни (яёв, велосипедда, қайиқда юришни) кенг қўллаш ва тўғри ташкил қилиш, одамларни жисмоний мустаҳкам қилиб, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитига қаршилик қилиш қобилиятини оширади. Соғломлаштириш – спорт туризмида одамларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўрилиб, уларнинг чарчоғини йўқотишга, организм асосий системасининг фаоллигини оширишга ва меҳнат қобилиятининг ўсишига сабаб бўлади. Бу шароитда меъёрланган саёҳатлар, экскурсиялар, қуёш ва ҳаво ванналари, денгиз ва дарёларда чўмилишлар катта аҳамиятга эга. Туризмнинг социал-иқтисодий аҳамияти жуда катта бўлиб, у миллионлаб одамларнинг соғлиғини сақлашга ва тиклашга қаратилгандир.

Юқорида таърифланган туризм шаклларида унинг классификация қилиниши давом этади ва у класслар, типлар, турлар, кўринишларга бўлинади. Бундай бўлинишлар асоси қилиб турли белгилар ва мезонлар белгилаб олинади.

Туристик оқимларнинг йўналиши ва характерига қараб туризм икки йирик классга ички (миллий) ва халқаро (чет эл) гуруҳларга бўлинади. Ички туризм – бу фуқароларнинг давлат ҳудудидан ташқарига чиқмасдан, халқаро туризм эса фуқароларнинг давлат ташқарисида бир ёки бир неча давлатда саёҳат қилишидир. Чет эл туризми хорижий туристларнинг бошқа мамлакат ичида саёҳатни ташкил этиш билан характерланади. Бу туризм икки турга кириш ва чиқиш туризмига бўлиниб, улар турист гуруҳларининг йўналиши билан фарқ қилади. Бир

туристнинг ўзи, унинг қайси мамлакатга қараб йўналганини эътиборга олиб, кириш ва чиқиш туристи бўлиши мумкин. Бу терминлар чет элга туристик саёҳат бошланган вақти қўлланилади. Турист оркага қайтаётган вақтида, уйга қайтаётган саёҳатчи, термини қўлланилади.

Умумжаҳон туристик ташкилотининг (УТТ) 1993-йилги Оттава конференциясида туризм тушунчаларига қўшимчалар киритилган. Бунда "миллий туризм" ва "мамлакат ичидаги туризм" тушунчаси киритилган. "Миллий туризм" ички ва чиқиш туризмини ўз ичига олади. "Мамлакат ичидаги туризм" эса ички ва кириш туризми тушунчасига тўғри келади.

Ички туризм-одамларнинг доимий яшаш мамлакати бўйлаб миграцион оқимлар ҳосил қилиб юришида ва дам олиш, ўлкани ўрганишга бўлган қизиқишини, спорт билан шуғулланиш ҳамда бошқа мақсадларини қондиришда қўлланилади. Бу туризм, давлат чегарасини кесиб ўтишни талаб этмайди ва табиийки, сайёҳлар чегарадан ўтиш вақтида ҳужжатлар талаб қилинмайди. Ички туризмда миллий пул бирлиги ва яна гид тили ўзгармайди, шу боис уни ташкил этиш осон. Шу сабабли ички туризм, умумий туризм оқимларининг 80-90% ташкил қилади. Унга бўлган сарф-харажатлар деярли 5-10 маротаба кам бўлади.(1. с 134)

Халқаро туризм- сўзи фуқаро ўзининг доимий яшаш жойидан ва мамлакатидан ташқарига саёҳат мақсадида чиқиш маъносида ишлатилади. Чет элга чиқиш туристик ҳужжатларни тўғрилаш, чет эл паспорти ва визасини олиш, божхона (таможня) талабларини бажариш, валюта, медицина назоратидан ўтиш каби талабларни бажаришга тўғри келади. Бу эса Халқаро туризмнинг ўзига хослиги ва ички туризмдан кескин фарқланишини кўрсатади.

Туристик ҳужжатларни соддалашиши ёки мураккаблашиши халқаро туризмни ривожига катта таъсир кўрсатади. Туристик саёҳатларни кенгайишига чет элга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришнинг чўзилиши ва мураккаблиги, уларнинг кўриб чиқиш муддатининг бузилиши ёки қайтарилиши, кўп маблағ талаб қилиниши, валюта назоратида қатъий чегаралар ўрнатилиши ва назоратни кучайтирилгани салбий таъсир этади.

Чегара декларацияси ва назорати ҳамда тил муаммоси ҳам туризм ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Халқаро туризмнинг ўзига хослиги унинг мамлакат тўлов балансига хослигидир. Хорижий сайёҳлар товар ва хизматга тўлов йўли билан қабул этувчи мамлакатга валюта тўлайди ва унинг тўлов балансини фаоллаштиради. Шу сабабли хорижий туристлар келиши давлатнинг валюта заҳирасини кўпайтиради, аксинча, туристларнинг бошқа давлатларга кетиши, улар ўзи билан валютани жойларга олиб кетишига сабаб бўлади. Айни вақтда туризмни тадқиқ этган олимлар уни бир томондан саёҳатни кўнгил хушлиги ва дам олиш гуруҳига ва иккинчи томондан ишбилармон туризм гуруҳларига бўлишади.

Туризмнинг асосий йўналиши кўнгилхушлиги ва дам олиш (рекреацион) туризми ҳисобланади. Унинг ҳисобига дунё туризмининг 70 % тўғри келади. У ўз ичига соғломлаштириш, спорт, билим олиш саёҳатлари ва савдо турларини жамлайди.

Аҳоли ўртасида энг катта талаб қилинадиган чўмилиш-пляж дам олиши ҳисобланиб, у қуёшли, денгизли жойларга саёҳат жисмоний кучлар ва асабни тиклашнинг алоҳида тури ҳисобланади. Лекин баъзи бир мутахассислар фикрига яқин орада рекреацион туризмда ўзгаришлар бўлиб денгиз курортларига удум бўлади ва туризмда ўзини синаб кўриш, хавф-хатарни бошидан ўтказиш билан боғлиқ экстремал туризмга қизиқиш кучаяди.

Ҳар қандай туристик саёҳат борган жойнинг маданий-тарихий ёдгорликларини кўриш, музейларга, галереяларга, театрларга кириш билан боғлиқ. Бошқача айтганда одамларнинг фикрини кенгайтириш, маданиятга, тарихга, санъатга, динга, борган жойлар ва у ердаги яшаётган аҳолининг этнографияси ва географиясини ўрганишга қизиқишини кучайтиради. Маҳаллий аҳоли билан сўзлашган вақтда уларнинг юқоридаги туристик ресурсларини ўрганишга қизиқиши ошади ва туристик саёҳат вақтида у амалга оширилади. Шу сабабли билим олиш туризмига кўпчилик изланувчилар катта аҳамият беришади.

Сўнгги вақтларда хусусий саёҳатлар ва этник туризм ривожланиб – унда қариндош-уруғлар олдига ёки танишлар ва

авлод-аждодлар юртига бориш ривожланган. Бу жаҳон туристик оқимидаги 10% харажатни йиғиб беради.

Ишбилармонлик туризми хизмат юзасидан туризмни ва хизмат сафарига борган жойдан фойда олмаслик шарти билан съездлар, умумий мажлисларга қатнашиш, дипломатик ва бошқа характердаги йиғинларда иштирок этиш (чет мамлакатлар хизмат ўринлари бўлган дипломатларга тааллуқли эмас), илмий конгресслар, конференциялар, симпозиумларда, ишлаб чиқариш семинарлари ва йиғилишларида, ярмаркаларда қатнашиш, кўргазмалар, халқаро салонларга борган одамлар турист, деб аталади ва ҳизмат сафарида ишлаган одамлар вақтинча бўлса (шартномалар тузилади). Ишбилармонлик туризми – юқори рентабелли ва келажаги бор.

Туризмнинг турлари бўйича классификацияси ҳар турли белгилар асосида олиб борилади. Уларнинг баъзи бировлари туристик саёҳатга кириб уни ташкил этилиши, материал- техник таъминоти, саёҳатни давом этиши ва узоқлиги билан олиб борилса, бошқалари социал-демографик ва иқтисод нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Ташкил этиш турлари бўйича туризм:

А) ташкил этилган (режали);

Б) ҳаваскорлик;

В) ташкил этилмаган (ёввойи) турларга бўлинади. Туристлар ўзларининг талабларини ҳар-хил йўллар билан қондирадилар. Улар туристик фирмадан керакли хизматларни сотиб олишлари, барча хизматлар учун олдиндан пул тўлашлари ёки ҳар бир хизматни керакли вақтда олиб боришлари мумкин.

Сайёҳлик фирмалари томонидан қатъий регламент асосида таклиф этилаётган ва олдиндан сотиб олинаётган хизматлар одатда ташкил этилган туризм, деб аталади. Ташкил этилган туристлар турларни олдиндан тузилган йўналишлар шаклида, келиш муддатлари бўйича ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини махсус туристик хизмат кўрсатиш аппаратидан сотиб олади. Уларнинг баъзи бировлари мажмуавий хизмат кўрсатувчи, бошқалари кисман хизмат кўрсатувчи турларни яхши кўради,

масалан, баъзилар фақат овқатланиш учун (бир марталик) курсовка сотиб олишади.

Ташкил этилгандан фарқли равишда ҳаваскор ва ташкил этилмаган сайёҳлар туристик саёҳатни ўз ихтиёрлари билан туристик фирмалар иштирокисиз олиб боришади. Лекин ҳаваскорлик туризми билан ташкил этилмаган туризм ўртасида фарқ бор.

Ҳаваскорлик туризми–туристик ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боради. Бу усул қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, туристик ташкилотлар томонидан саёҳат учун консультациялар ўтказув, туристик жиҳозларни ижарага бериш, гоҳида туристларни йўналиш бўйича керакли жойгача олиб бориб қўйиш ва ҳоказо хизматлар киради. Бундан ташқари ҳаваскорлик туристлар керакли туристик ташкилотларни ўзларининг йўналишлари ва муддатлари тўғрисида хабардор қилиб туради. Бу ташкилотларга туристларни йўналишидан хабардор бўлиб туриш, керак бўлганда аралашиш имкониятини беради. Одатда ҳаваскор туристлар турли ташкилотларда очилган туристик тўгаракда қатнашувчи одамлар ҳисобланади.

Ҳаваскор туризмдан фарқли ташкил этилмаган (ёввойи) туристлар, туристик ташкилотлар билан ҳеч қандай алоқада бўлмайди. Улар тўлиқ мустақил ва ўз-ўзига хизмат асосида саёҳатга чиқишади. Бу туристлар энг ҳаракатчан, ўз ҳаракатларида ва табиатида ҳеч ким билан алоқада бўлмайдилар. Ташкил этилмаган туризм масалан , автостоп -йўл-йўлакай автомашиналардан фойдаланиб саёҳат қилишдир. Бундай дам олиш ғарб мамлакатларида кенг тарқалган. Унинг миқдори туризмнинг учдан икки қисмига тенг.Бундайлар дуч келган жойларда тўхтаганлари учун, уларнинг тунаган жойларида табиатнинг ифлосланиши кузатилмоқда.

Индивидуал ва гуруҳли туризм мавжуд. Бир одамнинг ёки бир алоҳида оиланинг саёҳати (одатда беш кишига қадар) улар ўз режалари билан саёҳат қилишса, бу индивидуал туризм. Бир гуруҳ туристлар саёҳати (олти-етти одам ва кўпроқ) бу гуруҳли туризм. Гуруҳли туризм унинг аъзоларининг қизиқишини бирлиги асосида ташкил этилади. Бу археологияга қизиққан одамлар ёки

тарихчилар тури, чанғи саёҳатига чиққан гуруҳ ёки сафари, ишлаб чиқариш эҳтиёжи билан чиққан гуруҳ бўлиши мумкин.

Туризм ҳаракат тури бўйича стационар ёки кўчманчи турларга бўлинади. Бу бўлиниш шартлидир, чунки туризмнинг ҳамма турлари одамларнинг туриш жойидан, дам олиш жойига ҳаракат билан боғлиқ, иккинчидан туристлар ҳамма вақт дам олиш жойларида катта ҳаракатчанликка эга бўлади. Стационар туризмга маълум бир курорт ҳудудидаги даволаш ва соғломлаштириш жараёни киради.

Кўчманчи туризм, деб доимий ҳаракатда бўлган, жойини ўзгартириб турган туризмга айтилади. Техниканинг ўсиши билан кўчманчи туризм кучайиб бораверади.

Ҳаракатчанлик даражасининг ошиши ва рекреацион фаолият кучайиши туризмнинг материал-техник базаси географиясига боғлиқ бўлади. Ҳаракатчанликнинг ўсиши, айниқса автотуристлар сони ўсиши, туризмни ташкил этишда чизиқли тугунли территориал ташкил этишни келтириб чиқаради. Туризмнинг материал-техник базаси кўпроқ йўлларга боғлиқ бўлади. Индивидуал транспорт воситаларининг кўпайиши натижасида туристларнинг бир неча жойда бўлиши кўпайиб, бир жойга боғлиқлиги камаяди.

Чизиқли туризм кўпинча туризмнинг ўзи деб тушунилади. У спортли (квалификацияли), ёки ҳаваскор, ёки соғломлаштириш характерига эга бўлиши мумкин. Тўсиқлардан ўтиш даражасига қараб у текислик ва тоғ туризми бўлиши мумкин. Бу тур рекреация одамнинг табиий тўсиқлардан ошиб ўтиш, табиат қучоғида яккама-якка қолиш,унга яқинлашиш асосида пайдо бўлади. Чизиқли туризм билимли ўлкашунослик туризми, ва ёшларнинг ватанпарварлик руҳини ошириш билан боғлиқ равишда пиёда юриш ва моторлашган турлари бўлади. Унинг ҳаракат радиуси турли хил бўлиб маҳаллий (атрофда), регионал ва мамлакат миқёсида бўлиши мумкин.

Сув туризми унинг саёҳат ва спорт турлари кучли ривожланган. Сув-мотор спорти, сув чанғи спорти, эшкак эшиш ва каноэ, елканли қайиқда сузиш спорти ва ҳоказоларга бўлинади. Булар сайёҳлик мажмуаларида чўмилиш – пляж туризми билан

уйғунлашиб кетиб, денгиз, кўл ва дарё қирғоқларида ривожланади.

Сув ости спорти турларидан сув ости спорт туризми ва фото, ов, ҳамда денгиз жониворларини сув ости ови ривожланган. Спорт туризмининг сув ости турлари фақатгина спорт элементларини эмас балки сайёҳлар билимини оширади . Билим элементлари сув ости археологияси кўп бўлиб, у ўрта ер денгизи тубидаги антик шаҳарлар – портларни сув остидаги сақланиб қолган қисмлари сув ости туристларини ўзига жалб қилади. Сув ости туризми илиқ сувли бошқа денгизларда ҳам мавжуд.

Балиқ овлаш туризми ҳам кенг тарқалган. Масалан АҚШ да балиқ овлаш ва овчилик жиҳозларини олиш учун рекреацион товарларнинг 26% сарфланади.

Овчилик туризми саёҳат билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий мақсади фақат материал бойиш эмас,балки табиатда дам олишдан иборатдир. Фото ва кино, ов- билим олиш туризмига киради. Ов туризми кўпроқ жониворлар оламини муҳофаза қилиш билан бирга олиб борилиши керак. Айни вақтда у хорижий туризмнинг энг қиммат тури ҳисобланади. Айниқса, Африка сафари энг қимматбаҳодир. Бой чет элликларда Африка, Осиё, АҚШ, Канада, Европа ва Австралиядаги ов ҳудудлари қизиқтиради. Овчи – туристларнинг кўп қисми, аҳоли кўп жойлашган ва ов ресурслари камайиб кетган. Франция, Италия, Бельгия, Швеция, Буюк Британия сингари мамлакатлардан келади. Овчилик туризми чет эл валютаси олиш мақсадида бўлган кўпчилик собиқ социалистик лагер давлатларда ривожланаяпти.

Тоғ чанғи спорти кейинги йилларда кучли ривожланмоқда. Махсус тоғ чанғи курортлари ташкил этилиб, уларга сервис туркумлари ишлаб чиқарилаяпти.

Альпинизм ҳам туризмнинг оммавий турига айланиб бормоқда. Махсус рекреацион-спорт машғулотлари вақтида табиий-ҳудудий мажмуаларга алоҳида талаблар қўйилмоқда. Бу айниқса, спорт меъёрларини бажаришда, унинг тўсиқларини босиб ўтишдаги типлари ва сони, трассанинг характеристикасини белгилашда кўринади.

Туризм муддати ва давом этишига қараб икки гуруҳга қисқа муддатли ("дам олиш куни туризми" ёки "хафта сўнгги туризми" ҳамда "қўшни чегара туризми") ва узоқ муддатли туризм бўлади. Қисқа муддатли туризм, деб одамларнинг туристик саёҳатда уч кундан ошиқ бўлмаган вақтдагиси айтилади. Бу туризм энг оммабоп бўлиб унда аҳолининг кенг табақалари қатнашади. Узоқ муддатли туризм (уч суткадан узокроқ) таътиллар билан боғлиқ бўлади.

Саёҳат вақтида босиб ўтиладиган масофага қараб - яқин ва узоқ масофа туризмига бўлинади. Яқин туризм, деб ўлка чегарасидаги саёҳатга, узоқ туризм деганда эса чегарадан ташқарига чиқадиганига тушунилади.

Туристик ҳаракат интенсивлиги (ритмикаси) бўйича йил бўйи (доимий) ва мавсумийларга бўлинади. Биринчисида, туристик туманларига сайёҳлар йил давомида келиб туриш тушунилса, иккинчи йилнинг маълум вақтларида сайёҳлар келиши тушунилади. Ўз навбатида мавсумли туризм ёзги, қишки ва мавсумлар оралиқларига бўлинади.

Туристик саёҳатнинг структурасини эътиборга олган ҳолда туризмнинг қуйидаги турлари мавжуд. Ёшига қараб туризм иштирокчилари қуйидаги группаларга бўлинади:

А) болалар-ўсмирлар туризми;

Б) ёшлар туризми;

В) ёши катта аҳоли туризми, ҳам ўз навбатида ўрта ёшлилар ва ёши катталар туризмига бўлинади. Ижтимоий таркиби бўйича туризм:

А) шаҳар аҳолиси туризми;

Б) қишлоқ жойи туризми;

В) оилавий туризмга бўлинади.

Сайёҳларни жойлаштириш бўйича туризм қуйидагиларга бўлинади:

А) меҳмонхона типидаги туризм;

Б) меҳмонхона турига кирмайдиган туризм.

Туризмнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда у қуйидаги тўпларга бўлинади:

А) рекреацион туризм;

Б) экскурсион туризм;

В) махсус туризм.

Рекреацион туризм ўз олдига даволаниш ва соғломлашиш саёҳатини мақсад қилиб олади ва курорт соғломлаштириш туризми, деб аталади. Ўз ичига у иқлим даволаниш, касалликни даволаш, шифобахш лой билан даволаш бўлимларига бўлинади. Спорт-соғломлаштириш туризми эса дам олиш уйларида, пансионатларда ва спорт сайрлари гуруҳларига бўлинади. Экскурсион туризм бу мамлакатнинг бошқа жойларига саёҳат бўлиб, мақсади уларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий (антропоген) ҳаёти билан танишишдир. Махсус туризм – бу махсус дастур асосида ва йўналиш бўйича ўтказиладиган саёҳатдир. Бу туризмда бир мақсад ва қизиқиш билан бирлашган одамлар қатнашишади.

Ҳаракат қилиш ва транспорт усулларини қўллашига қараб уч гуруҳ туризм мавжуд:

А) фаол (транспорт усуллари қўлланилмайдиган)

Б) пассив туризм (моторли транспорт қўлланиб, уларнинг бир қисми "туризм транспорти" деб аталади);

В) моторсиз транспорт усулларини қўллаш йўли билан.

Бу белгилар асосида тоифаларга бўлиниши кўпинча шартли бўлиб, туризмнинг бир шакли, иккинчиси билан узвий алоқада бўлади ва бири иккинчисига қўшилиб кетади.

Транспорт хизматидан фойдаланиш бўйича туризм автомобил (индивидуал), автобус, авиация (рейс ёки чартер), темир йўл, кема (денгиз, дарё, кўл) турларига бўлинади.

Автотранспортда саёҳат дунё туризм хизматининг тўртдан уч қисмига тўғри келади. Ғарбий Европада 70% туристлар шахсий автомобилида саёҳат қилади. Ўтган асрнинг 50 йилларида у 25% ташкил этган эди. АҚШда бу кўрсаткич 90% тенг. Туристларни қисқа масофага саёҳат қилишда автобус кўп қўлланилади, жуда узоқ масофага авиация транспорти қўлланилади. Авиация транспортининг ривожи Атлантика океанидан ўтувчи денгиз транспортини инқироз даражасига олиб келганлиги маълум. Ҳозир океандан ўтувчи транс-атлантик йўловчилар умумий йўловчиларнинг атиги 10% ташкил этмоқда.

Ҳозир сайёҳларнинг чартер ташиш усули кенг ривожланган. Бунда самолёт туристлар учун бир ёки бир неча мартага тўлиқ ижарага олинади. Чартер самолётлар ёрдамида инклюзив турлар ташкил этилиб, унда туристлар гуруҳи илгаридан ташкил этилган йўналиш бўйича махсус самолётда транспорт харажати олдиндан тўлиқ тўланган ҳолда саёҳат қилишади.

Темир йўл туризми кичик давлатларда унчалик кенг ривожланмаган. Темир йўл транспорти туристлар учун маҳсус сервис хизмати яратиб, тезлигини 200-250 км соатига етказиш йўли билан рақобатдан енгиб чиқишга ҳаракат қилаяпти. Темир йўлларга инклюзив-турлар киргизилмоқда. Рекреацион туризмни ташкил этишда туристик поездлар катта хизмат қилади. Темир йўл чипталарини арзонлаштириш унинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Денгиз транспорти туризмда асосан паромлар ёрдамида, туристлар автомобилларини ташиш ҳисобига ошмоқда. Сўнгги йилларда круиз туризми оммабоп бўлиб бораяпти. Круиз – бу денгиз саёҳати, доира шаклида бир кеманинг ўзида, қизиқарли жойларда тўхтаб ўтиш йўли билан амалга оширилади. Круиз сузиш ҳозирги йўловчи флотини асосий хизмат шаклидир.

Круизларнинг асосий йўналишлари илиқ денгизлардан ўтади. Айниқса, Ўрта ер денгизи акваториясида, асосан Греция атрофида кенг тарқалган. Ўрта ер денгизидан кейин Кариб тумани бўлиб, унда Багам ороллари круиз туристларининг келиши бўйича олдинги ўринда туради. Скандинавия давлатлари ҳам круиз туризми ривожланган жойлардир. Тинч океани ҳавзасида ҳам круиз рейслар сони ошмоқда.

Круиз кемаларини жўнатиш бўйича дунёда биринчи ўринда Нью-Йорк порти туради. Круиз туризми Англия, Норвегия, Греция, Италия, Франция, АҚШ сингари давлатларда ривожланган.

Бошланғич даврда бутун туристик фаолият коммерция ҳолатида эди. Туристик ташкилотнинг фаолияти натижаси бўлиб ундан тушадиган фойда билан ҳисобланади. Ўзларининг фойдаларини кўпайтириш мақсадида туристик фирмалар ва агентликлар туристик маҳсулотдан тушадиган фойда ва унга

кетадиган сарф харажат ўртасида муносабатни максимум қилиб олишга ҳаракат қилишган. Шу сабабли улар таклиф қилаётган товарлар ва хизматлар асосан турмуш даражаси юқори ва ўрта бўлган одамлар учун бўлиб, улар туристик харжларни тўлиқ оила бюджети ҳисобидан қоплайди.

Коммерциялик туризмга қарама-қарши ижтимоий туризм тушунчаси пайдо бўлди. Унинг концепцияси қуйидаги тамойилларга таянади, жамият ҳар бир аъзосининг дам олишини таъминлаш, туризмга жамиятда паст туризм иштиёқига эга бўлган одамларни жалб этиш, турмуш даражаси паст бўлган одамларга субсидиялар бериш, ишига давлат, муниципал, жамият ва савдо ташкилотларини кенг жалб этиш. Шундай қилиб, ижтимоий туризм, бу - турмуш даражаси паст одамларнинг давлат ва нодавлат тузилмаларидан ёрдам олиб туризмга қатнашишидир.

Ижтимоий туризмнинг ривожидаги алоҳида жойни нафақа жамғармаси махсус фондидаги, касаба уюшмалари, заводлар, маҳаллий ташкилотлар, яна марказлашган манбалардан келадиган дотациялар ўйнайди.

Шу кунлардаги жаҳон туризмининг бир хусусияти унинг оммавийлигидадир. Бутуристик ҳаракатни демократизациялаш ва кенгайишини кўрсатади. Индустриал ривожланган давлатларда аҳолининг ярмидан кўпроғи туристик маҳсулотнинг туристик товар ва хизматнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Оммавий туризм тушунчаси XIX асрда кенг ривожланган олий табақа туризмига қарама-қарши бўлиб, унда туризмнинг айрим қимматбаҳо турлари тор истеъмолчилар гуруҳига хизмат қилган. Ривожланаётган давлатларда ҳам бу тушунча мавжуд бўлиб, у ерларда туристик маҳсулот аҳолининг турмуш даражаси паст бўлганлиги учун кўпчиликка насиб этмайди.

Шу кунларда оммавий туризмга қарама-қарши қилиб элитар туризм қўйилади ва у бой одамлар туризми ҳисобланади. Бу тоифа сайёҳлар учун туризм бозоридаги нархнинг аҳамияти йўқ. Улар туризм товари ва хизматига алоҳида талаблар қўйишади. Туризмнинг бу тури унинг бизнесига алоҳида рол ўйнайди. Элитар туризм барча туризм индустриясига туртки бўлиб, у янги хизмат кўрсатиш стандартлари яратилишига ва охир оқибатда

туризм хизматини яхшилашга сабаб бўлади. Шу сабабли кўпинча элитар туризмни "туризм локомотиви" деб ҳам аташади.

Экологик туризм яқинда ғарбда кенг тарқалган "яшиллар" ҳаракати тўлқинида пайдо бўлиб муттасил ривожланаётган давлатларга хосдир. Махсус адабиётлар экологик туризм (экотуризм) табиий муҳити яхши сақланиб қолган туманларга уларнинг табиий ва маданий этнографик алоҳидалигини тушуниш учун саёҳат қилиш тушунилади. Бунда экотизимлар яхлитлиги бузилмайди ва шундай иқтисодий шароит яратиладики, бунда маҳаллий аҳоли учун табиатни муҳофаза қилиш фойдали бўлиб қолади.

Экотуризмни кўпинча, оммавий туризмга альтернатива сифатида қаралади. Шу сабабли одатдаги туризмдан у қуйидаги белгилар билан фарқ қилади:

- нодир табиат ўзига хослиги билан ва улар экотуризмнинг бош объектлари бўлиб хизмат қилади;
- майдоннинг битмас-туганмас табиат ва маданий потенциали ва уларда туризм индустриясининг режали ривожи билан;
- нисбатан паст капитал, материал ва энергия талаб этиши;
- экологик билим ва экологик фикрлашни шакллаштириш, улар экотуризмнинг асосий вазифаси ҳисобланади;
- бутун давлатлар ва айрим регионларнинг социал иқтисодий кўтарилишига ёрдам бериши билан.

Экологик туризм туристик оқимларда ҳар хил мақсадда, табиатда қиска муддатли дам олишдан то табиат мавзусидаги илмий текшириш олиб боришга қадар ишлар олиб боради. Сўнгги йилларда экотуристлар ва волонтерлар юқори малака талаб этмайдиган дала ишларига жалб этиладиган бўлдилар. Улар ўз таътилларини қушлар, сут эмизувчилар ва жониворлар сонини ошириш ёки кўпайтириш, нодир ўсимликлар уруғларини йиғиш, Лотин Америкасида йўқолиб бораётган тошбақалар тухумларини топиб кўпайтириш, Шарқий Африка ва Осиёдаги йирик йиртқичлар ва туёқлиларни кузатиш каби ишларни бажариш устидан ўтказадилар. Бир қисм экотуристларни нодир ўсимликлар йиғиндиси ва биоценози, масалан тропик экваториал ўрмон, гуллаган тундра ёзда ёки саҳронинг баҳори, бўлмаган табиат

объектлари (ғорлар, коньонлар, қолдиқ тоғлар ва ҳоказолар) ва бошқа антропоген ландшафтлар қизиқтиради.

Экологик туризмнинг кучайиши билан унинг оддий туризм турларига яқинлашиши кучаймоқда. Чунки табиатга интилиш оммавий турмушда ҳам кузатилади. Масалан, ишбилармонлик юришлари ичида миллий ва табиий этнографик боғларга бориш, чўмилиш дам олиши ва табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш кузатилмоқда. Экотуризм чегараси борган сари кенгайиб бошқа тур туризм билан қўшилиб кетмоқда.

Ушбу кунларда маънавий туризм ёки зиёрат туризми диний мақсадларда саёҳатга чиқиш кенг ривожланди. Унинг қуйидаги турлари мавжуд, зиёратга бориш, дин тарихи ва маданиятини ўрганиш учун саёҳат, диндорларнинг чет элларга бориб ундаги дин ҳолати билан танишиш. Булар ичида катта ўринни зиёрат туризми эгаллайди. Бошқа туризм шаклларидан фақат мақсади билан фарқ қилиб маънавий туризм ички ва Халқаро гуруҳларга бўлинади.

Маънавий ёки зиёрат туризми, туризмнинг энг кекса туридир. Унинг пайдо бўлиши оламдаги диний йўналишларнинг шаклланиши билан боғланган. Лекин шунга қарамасдан, маънавий туризм тўғрисида бизда аниқ маълумотлар йўқ. Чет эллик зиёратчиларни Италияга келиш тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, улар ичида 3,1% католик зиёратчилар. АҚШдан 1965 йил чиққан сайёҳларнинг 1% зиёратчилар 1967 йил диний мақсад билан Цейлонга 23,6 минг турист ичидан бир минги келди, Исроилга 268 мингдан 27 минг нафар (2. с 73). Маънавий зиёрат туризмининг кўпчилик давлатлар иқтисодига таъсири кучлидир. Зиёратчи туристлар келган давлатларига анча катта миқдорда маблағ қолдиришади. Масалан, Малайзия 1966-йил кириш туризмидан 20 миллион Малай доллари фойдасини олса, шундан 10 миллион Малай доллари унинг зиёратчилари билан Маккага – Саудия Арабистонига кетиб қолган (2.с73). Бундан ташқари зиёратчиларни қабул этувчи давлат аҳолиси зиёратчилар ҳисобига кун кўриши аниқланган. Масалан, Саудия Арабистони, Маккага борган зиёратчилар у ердаги аҳолини юк ташувчи, қайиқчи, касб-ҳунар эгалари бўлиб хизмат қилиб кунлари ўтишига сабаб бўлган.

Саудия Арабистонининг ялонғоч қояли тоғлари ичида жойлашган, ушбу шаҳарнинг кун кўриши келган зиёратчиларга сувенирлар, озиқ-овқат, хўжалик асбоблари сотиш уйларини ижарага бериш ҳисобига ўтмокда.

Маккага зиёрат қилиш ҳар бир мусулмоннинг орзусидир. Шу сабабли бу шаҳар оламдаги энг машҳур диний марказ ҳисобланади. Маккадан кейинги иккинчи шаҳар Мадина бўлиб, ундан Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с) қазо топган жой устига буюк Эл-Ҳарам масжиди қурилган (3. с 74).

Вафот этган Далай-ламаларни ёд олиш учун буддистлар Тибетнинг маркази Лхасуга бориб олтин томли Поталага сиғинишади. Бу бинода Далай-ламалар дафн этилган. Непал, Ҳиндистон ва бошқа атрофдаги буддистлар Непал ўрта қисмидаги храмлар Сваямбунатх ва Баднахтга пиёда боришади, ва ундан мамлакат шимолидаги Муктинатх храмидаги муққадас булоқдан сув олишади. Минглаб зиёратчи-брахманлар кўҳна Непал храми Пашупатинатхга боришади.

Зиёратга кўп борувчи динлардан ер курасидаги зиёратчилар ичида мусулмончилик – 15%, иудизм 12%, буддизм 12% ва католиклар 18% зиёратчиларни беради. (2 с. 75)

Ҳар бир мамлакатда ўзининг миллий зиёратгоҳлари мавжуд. Жануби-ғарбий Ўзбекистонда унга Ҳаким ал-Термизий ансамбли, Султон Саодат зиёратгоҳи, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий мақбараси (Сурхондарё), Оқсарой, Дорутиловат ансамбллари, Шамсиддин Кулол мақбараси, Дорауссаодат (Қашкадарё), Имом Исмоил ал-Бухорий, Маҳдуми Аъзам, Қусам ибн Аббос, Абу Мансур Муҳаммад ибн Мотурудий, Амир Темур мақбараси (Самарқанд), Рабат-и Малик, Мир Араб, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий, Абдулҳолик Ғиждувоний (Бухоро), Пахлавон Маҳмуд, Маҳмуд аз-Замахшарий (Хоразм), Султон Вайс (Қорақалпоғистон) ва ҳоказо зиёратгоҳлари киради. (4 с. 229-232)

Туризм классификацияси катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. У билимларни тартибга солишга олам туризм ҳаракатининг мазмунини англашга ёрдам беради. Туристик хизматнинг сифати ва ҳажмига қўшимча талаблар қўйилиши билан ва хизматнинг янги шакллари ва турлари пайдо бўлади ва шу сабабли туризм

турлари классификация этиш янгиланиб боради ва мураккаблашади.

СПЕЛЕОТУРИЗМ

Спелеотуризм–ҳаракат қилиш ва транспорт усулларини қўлланилишига қараб фаол туризм турига кириб ундай саёҳат вақтида транспорт деярли қўлланилмайди. Бундай саёҳат вақтида ер ости ғорларида туристлар ўзлари пиёда ва хаттоки эмаклаган ҳолда саёҳат қилишади. Илмий дунёқараш, аниқроғи, карстшунослик деб аталадиган фан асосида вужудга келган. Спелеология фани ғорларнинг пайдо бўлиши ва табиати ҳақидаги саволларга тўғри ва аниқ жавоб беради (5с.3). У юнонча «спелеон» – «ғор» сўзидан келиб чиққан. Ер ости ғорларида саёҳат қилиш туризми ривожланган бўлиб, у икки сўзнинг қўшилишидан спелеотуризм, деб аталади. Ғорларда саёҳат қилиш туристлар учун ғоят қизиқарлидир. Лекин бундай қоронғу ва сеҳрли оламда саёҳат қилиш учун ўша оламнинг ўзига хослиги ва келиб чиқишини билишимиз керак. Шу сабабли турист – спелеолог энг олдин унинг саёҳат манбаи бўлган ғорларнинг пайдо бўлиши турлари ва тузилишини билиши керак. Ғорлар турли табиий жараёнлар натижасида юмшоқ ва қаттиқ тоғ жинсларида, лавада ва ҳаттоки музда ҳам ҳосил бўлади (6 с.512).

ҒОР ТУРЛАРИ

Карст ғорлари. Ўзбекистон ҳудудидаги кўпчилик ғорлар карст ғорларидир. Улар юмшоқ ва қаттиқ, лекин эрувчанлик ҳусусиятига эга бўлган гипс, ангидрит, оҳактош, доломит, тош тузи каби енгил эрувчан тоғ жинсларида ҳосил бўлади. Ер ости қисмларига ер устида ҳар хил ёриқлардан кириб борар экан сувлар ер юзидаги эрувчан тоғ жинсларини эритади ва ўзи билан олиб кетади. Минг ва миллион йиллар давомида сувнинг бу фаолияти натижасида ёриқлар кенгайиб, ғорлар ва вертикал ғорларга айланади.

Эрувчан тоғ жинслари ривожланган жойларда бундай ғор ва вертикал ғорлардан ташқари унинг бошқа шакллари воронка ва чўкмалар, тош тиртиқлари ва чуқур ёриқлар, сув чиқмас далалар ва эриган оҳактошларни кўриш мумкин. Бундай ўзига хос рельеф формалари карст шакллари, деб аталади (кўҳна Югославиянинг шимоли-ғарбидаги Карст тоғи номидан, у ерда бу жараёнлар кучли ривожланган).

Карст ўлкаларида унчалик катта бўлмаган ғорлардан бўлак ўнлаб ва юзлаб километрга чўзилганларини ҳам учратиш мумкин. Масалан АҚШнинг Кентуки штатидаги Мамонт ғорида 225 та ер ости йўлаклари, 47 та баланд гумбазлар, 23 та чуқур ва шахталар, 8 та шаршара, 3 дарё, 2 кўл ва бир "денгиз" бор (6с.513). Мамонт ғорининг умумий узунлиги 250 километрдан кўпроқдир.

Карст вертикал ғорлари чуқур ер остига кириб бориши мумкин. Шарқий Алп тоғларидаги Тантал вертикал ғори ер остига спелеологлар 1000 метрдан ошиқроқ кириб бордилар. Вертикал ғорлар кўпинча қудуқлар ва шахталар ҳам деб аталади. Унчалик чуқур бўлмаган қудуқлар, узунлиги 30 метрдан ошиқ, кенглиги 5 метргача бўлса, шахта дейилади.

Ургут шаҳри юқорисидаги Қирқтоғ платосида элликдан ошиқ шахталар мавжуд бўлиб, уларнинг чуқурлиги 40 дан 200 метргача.Киевская вертикал ғорининг чуқурлиги эса 955 метрга етади (7с.41). Кейинги изланишлар унинг чуқурлигини 1082 метрга етказди.

Карст ғорларида ер ости дарёлари, шаршаралар, кўллар ва хаттоки "денгизлар" учраб, уларнинг сувлари шаффоф ва тоза бўлади. Жануби-ғарбий Ўзбекистоннинг Амир Темур ва Хўжа Гургур ота ғорида ер ости кўллари, Каптархона, Янги ғор, Бойқобил ғорларида ер ости дарёлари учрайди. Юқоридаги таърифланган Киевская вертикал ғорида 103 метрдан бошлаб ер ости сойи, оқар кўл ва шаршаралар жойлашган (8с.11). Ғорлардаги дарёлар ер юзида бирданига йўқолади ва кутилмаганда яна ер остидан чиқади. Жануби-ғарбий Ҳисор тоғларидаги 980 метрлик Каптархона ғори тагида оқаётган ер ости дарёси ер юзига бир неча километр узоқликда бошқа сойдан чиқади.

Ер ости бўшлиқлари музликларда ҳам учраши мумкин. Муз танасига кириб борган илиқроқ сув уни ювиб, танасида қудуқлар ва гротлар ҳосил қилади. Федченко музлигида шу йўл билан ҳосил бўлган музликдаги ғор ичига 1,5 километрга кириб бориш мумкин бўлган.

Денгиз ғорлари ва гротлари. Ғорлар фақат оқувчан чучук сув фаолияти натижасида эмас- денгиз, кўл тўлқинлари натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу тўлқинлар ўзи билан тош, қум бўлакларини олиб келиб қирғоққа уради ва ҳаттоки энг қаттиқ қирғоқларни ҳам емириб ғорлар ва гротлар ҳосил қилади. Бундай ғорларга кириш қисми денгиз сатҳи юзасида бўлади ва уларга кириш қайиқ ёрдамида бўлади.

Денгиз суви таркибидаги туз моддаларининг эритиш хусусиятлари натижасида денгиз карсти бўлиши мумкин. Бу йўл билан ҳосил бўлган денгиз қирғоқларидаги ғор ва гротлар курук бўлади.

Вулқон ғорлари. Кратердан отилиб чиққан лава оқимлари ичида, юза қатлами ички қатламига нисбатан тезроқ совийди ва қотади. Бу вақтда унинг ички қатламлари ҳали иссиқ ва оқувчан бўлади. Қатламлар ичида бўшлиқлар пайдо бўлиб улар устидан қотган лава билан ёпилиб туради.

Бўшлиқлар лава ичида газлар йиғилиб қолиши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Вулқонли ўлкалардаги шу йўл билан пайдо бўлган ғорлар ҳажми катта бўлиши мумкин. Агар лава таркибида эрувчан тоғ жинслари бўлса, унда ҳам вулқоник тоғ жинсларида ғорлар ҳосил бўлади. Зарафшон тоғларидаги машҳур Амир Темур ғори шу йўл билан ҳосил бўлган.

Рудали ғорлар. Отқинди магмали тоғ жинси – пегматитда ғорлар учраб уларнинг пайдо бўлиши ер остидан чиқаётган иссиқ агрессив гидротермал сувларнинг таъсирида кварц хоналарининг эриши натижасида бўлади. Ер ости бўшлиқларига кириб улар кристаллашади ва қимматли фойдали қазилмалар ҳосил қилади. Бундай ғорларнинг деворлари ҳар хил минераллар– кальцит, барит, темирли карбонат, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, топаз, турмалин, аквамарин, аметистларнинг йирик кристаллари билан қопланади. Кўпинча ғор деворларида бир неча

юзлаб килограмга етувчи тоғ биллури пайдо бўлгани учун бундай ғорларни "биллур ертўлалар" деб аталади. Бундай ғорлардан қадимий вақтлардан буён фойдали қазилмалар қазиб олишган. Масалан, шундай ғор Олой тоғларида Катта Барит ғори бўлиб унинг деворларини 10 см қалинликда барит минерали қоплаб олган.

Эол ғорлари. Ғорлар мустаҳкам тоғ жинслари, гранитлар, қумтошлар, траппар ва конгломератларда ҳам учраб нураш натижасида ҳосил бўлади. Улар кўпинча тоғ ёнбағирларида саҳро билан чегара ҳудудларида ҳосил бўлади. Уларнинг пайдо бўлиши шамолнинг емирувчи кучи билан боғлиқ бўлиб, улар эсган вақтида таркибидаги қум ва тошнинг майда бўлакларини қояларга олиб келиб уради ва емириб ғор ва гротлар ҳосил қилади.

Яна ғорлар тоғ жинсларининг чўкиши натижасида ҳосил бўлиб, бунда ёриқ ёрдамида тоғ жинсининг бир қисми асосийсидан ажралади. Бундай ғорлар қиялиги катта ёнбағирларда учрайди.

Сунъий ғорлар. Фойдали қазилмалар, рудалар ва курилиш материалларини қазиб олиш жараёнида одамлар кўп асрлар давомида ер ости заллари, тоннеллар ва штреклар, йўлакларни бирлаштирувчи лабиринт сўқмоқлар куришган. Бундай ер ости йўлакларига тоши олинган кавaклар, катакомбалар, шахталар, конлар киради. Улар ер шарининг ҳамма жойларида мавжуд. Бундай жойларни бориб кўришга ҳам спелеолог – сайёҳларнинг қизиқиши катта.

ҒОР САЁҲАТЛАРИ

Ғорларга саёҳат ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчи ўзига хослиги – кундузги ёриқнинг йўқлиги. Қоронғулик – ер ости саёҳатининг энг биринчи хавфи бўлиб, у ҳаракатда йўналиш белгилашни қийинлаштиради. Ёруғлик йўқ бўлганлиги сабабли чуқурликка тушиб кетиш ёки қудуққа қулаб тушиши мумкин. Шу сабабли ер остида юрганда сайёҳларда ёритиш асбоблари бўлиши керак.

Одатда катта ғорлар мураккаб лабиринтлар ва тармоқланган

йўллардан таркиб топади. Бундай жойларда тажрибали йўл кўрсатувчи ҳам адашиб кетиши мумкин. Бундан ташқари ғор нураган вақтида унинг шифти ва деворларидан оҳактош бўлаклари тушади. Бундай кўчкилар енгил туртки натижасида ва ҳаттоки баланд овозда сўзлашиш натижасида ҳам пайдо бўлади.

Ер ости саёҳати вақтида у жойларда бўғувчи ёки портловчи газлар йиғилиб қолган жой ҳам учраши мумкин. Оҳактошдаги кальций бўлакланиши натижасида ис гази пайдо бўлиб, улар ғорнинг паст қисмида йиғилиб қолади. Кўпинча зарарли газлар олтингугурт водородли булоқлар бор жойда йиғилиб қолган бўлади. Чириш натижасида пайдо бўлган газлар очиқ ҳавзаларда учраб, улар юқорига вертикал қудуқ билан боғланган жойларда йиғилиши мумкин. Юқоридан тушган ҳайвонлар жасадлари чириб олтингугурт водороди ва бошқа газлар чиқаради ва одам бундай муҳитда ҳушини йўқотади.

Ғорлар ўзларига хос микроклиматга эга бўлиб у атрофидаги иқлимдан фарқ қилиши мумкин. Ғор ичидаги ҳаво ташқаридаги ҳавонинг ўртача бир йиллигига тўғри келиб, шу сабабли ёзда ғор ичи совуқроқ бўлади. Сабаби у ерга тушган илиқ ҳаво деворларда конденсация қилади ва ғор деворларида ўтириб қолади. Ғор ичида совуқ ва намлик билан учрашиш мумкинлиги унда саёҳат этиш режаси тузилаётган вақтда амалга оширилиши керак.

Ер ости рельефининг фақат ўзига хос турлари сайёҳлар учун специфик қийинчиликлар келтириб чиқаради, уларнинг йўлларида мураккаб тўсиқлар пайдо бўлиб улар сифонлар[1] билан ажратиб қўйилган йўлаклар, тошқинли оқимлар, "таги йўқ" қудуқлар ва ўйиқлар мавжуд. Қояли деворлар орасидаги тор йўлаклардан фақат эмаклаб ўтиш мумкин. Бунинг устига ушбу тўсиқлардан ёруғлик етишмаган ҳолда ўтишга тўғри келади. Ер қаърига саёҳатни махсус билимлар ва узоқ тайёргарликдан сўнг ўтказиш мумкин.

Энг олдин ҳар бир ер остига тушаётган турист альпинистларнинг қоида ва техникаларини билиши, қояларда юриш усулларини ўзлаштириб олиши, хавфсизликка риоя усуллари, музли ёнбағирлардан ўтиш усулларини билиши керак.

---

[1] Сифон – ер ости йўлаги тагидаги сувли тўсик. Ғор йўлагининг чуқур, сув тўпланиб, ҳовуз бўлган жойи.

Ер ости саёҳати вақтида, спелеотурист жасур, топқир, чидамли, чаққон ва соғлом бўлиши керак.

Ғорларга саёҳат ташкил этишдан олдин унинг иштирокчилари бир неча бор саёҳат олди тайёргарлигидан ўтишлари лозим. Яқин атрофдаги кичик ғорларга бир неча ўқув экспедицияси ўтказиш керак. Ер ости саёҳати билан энг олдин ўз ўлкасида уйга яқин жойларда шуғулланиб юриши керак.

Ер ости саёҳатига тайёргарлик вақтида ва йўналиши ишлаб чиқарилаётган вақтда, борилмоқчи бўлган ғор тўғрисида барча маълумотларни йиғишга ҳаракат қилиш керак. Керакли маслаҳатларни сайёҳлар клубида ёки ўлкашунослик музейида олинади. Ғор тўғрисида маълумотларни йиғиш вақтида маҳаллий аҳоли сўзлаб берган ҳикоялар ёрдам бериши мумкин. Кўпчилик машҳур ғорлар ҳақида маълумотлар, уларнинг йўлаклари, харитаси жамланган адабиёт ҳам мавжуд. Ғорлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотни спелеология ва карстшунослик йиғилиши маълумотларидан ҳам олиш мумкин.

Агар ғорнинг режаси мавжуд бўлса, шунга эътибор бериш керак-ки, унда кўрсатилаган масофа, ҳақиқатдагидан 15-20% кам бўлиб, унинг чизган картографлар ғорнинг ҳақиқий профилини ҳисобга олишмайди. Бундан ташқари саёҳат учун вақтни аниқлаш вақтида шуни ёддан чиқармаслик керак-ки, ёруғлик етишмаганлиги сабабли тўсиқлардан ўтиш вақтида ер устидагидан анча кўп вақт кетади. Ундан ташқари ғорлардаги алоҳида шароит (совуқ, намлик, кўчки хавфи) ни эътиборга олиб ғорда тунаш мумкин эмас. Энг яхшиси, бир кунлик саёҳатларни режалаштириш керак. Ҳаваскор спелеологлар бирор, бир спелеологик экспедицияга қўшилиб олиши керак.

Ғорларга кириш ёзда ва кишда бўлиши керак. Кузда ва баҳорда тупроқ ости сувлари кўчки хавфини кучайтиради, ундан ташқари бу вақтда ғор нам ва лойли бўлади. Ҳеч қачон ғорга бир ўзингиз кирмаслигингиз керак. Янги ўрганилаётган ғорга жуда кўп одамнинг кириши ҳам таклиф этилмайди. Гуруҳ 8-10 нафар одамдан кўп бўлмаслиги керак. Агар унинг ичида тажрибали турист – спелеолог ёки маҳаллий аҳолидан йўл кўрсатуви бўлса саёҳат фақатгина хавфсиз эмас балки қизиқроқ ҳам бўлади.

Ер ости саёҳатига чиқишдан олдин, бир дақиқа ҳам ғорлардаги хавф – хатарни унутмаслик керак. Ер остида бахтсиз воқеа содир бўлса, ташқаридан келадиган ёрдамни келишиб олиш керак. Олдиндан ғордан қайтиш вақти келишиб олинади. Яқин орадаги сайёҳлар клуби ёки бошқа ташкилотга гуруҳ вақтида қайтмаса, қуткарувчилар юборишни келишиб олиш керак. Агар ғор аҳоли пунктидан узоқда жойлашган бўлса қайтиш муддатини маҳаллий аҳоли вакилига айтиб кетиш керак.

ҒОРЛАРНИ ЎРГАНИШДА КЕРАКЛИ АСБОБ-УСКУНАЛАР

Шахсий асбоб- ускуналар. Турист – спелеологнинг кийимлари енгил, ҳаракатга халақит бермайдиган ва иссиқ бўлиши керак. Костюм шундай бўлиши керак-ки, у тор йўлакдан елка билан, кўкрак, ёнбош билан ҳаракат қилганда, ундаги чиқиб турган тошларга илинмаслиги, букланиб йиғилиб қолмаслиги керак. Ғорларда пиджаклар билан кириш тавсия этилмайди, чунки у тор йўлакдан қайтиб чиқаётганда йиғилиб қолиши мумкин. Ғор ичида юрувчиларга пальто ва юбкаларда юриш қатъий таъқиқланади.

Ғорларда юриш учун энг қулай кийим ингичка брезент комбинезон бўлиб у қўл олди ва ёқаси терметик бўлиши керак. Брезент тагидан бир неча қават материядан ғилоф тикилади. Комбинезон тагидан жун свитер кийилади. Тор йўлакларда юришни қийинлаштирмаслик учун чўнтаклардаги кераксиз нарсаларни олиш керак.

Ер ости саёҳати учун қулай кийим –таг чарми қалин бўлган оёқ кийими. Чунки, ғор сатҳидаги ўткир қирра тошлар оёққа ботиши мумкин. Бундан ташқари пойафзалда оёқ совқотади. Поход шароитини ҳисобга олган ҳолда триконлар қоқилган чанғи ботинкаларни фойдаланиш мумкин. Нам ва лой ғорлар ичида яхшиси резина этикда юрган маъқул. Оёқ кийими ичидан албатта, иссиқ жун пайпоқ кийилиши лозим.

Ғорнинг паст шифти ва чиқиб турган жойларига уриб олмаслик учун бошда тери шлем ёки қалпоқ устидан каска кийиш керак. Юқоридан томиб турган томчилардан резина ёки брезент шлем

ҳимоя қилади. Ғорларда кўпинча эмаклаб юришга тўғри келади, шу сабабли мустаҳкам тери ёки юмшоқ брезент қўлқоп олиб юриш керак. Асбоб-ускуналардан айниқса, ёритгичларга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар бир экспедиция аъзоси ўзи билан чўнтакда электр фонари, заҳира лампочка ва батареялар олиб юриши керак. Заҳира батареяларни алоҳида қуруқ жойда сақлаш тавсия этилади. Шуни ёдда сақлаш керак-ки, батареяларни кафолатли сақлов муддати, ғор ҳавоси намлиги боис кучли қисқаради.

Энг қулайи, бош кийимдаги электр лампочкали рефлектор ҳисобланади. Бунда спелеологнинг қўллари бўшайди ва ёриқлик ҳаммавақт у қараб турган томонга йўналади. Динамикли электр фонарлар саёҳатга ноқулай. Ёруғлик учун оддий электр фонарлари ҳам бўлаверади.

Шуни ҳисобга олиш керак-ки энг мукаммал электр фонарлари ҳам бузилиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир иштирокчида гугурт ва шам бўлиши керак. Гугуртлар (беш донадан кам эмас) герметик равишда резина ёки плёнка қопчаларга солинади. Гугурт учлари намланмаслиги учун улар парафин билан қопланади. Ғорда тахминан қанча вақт бўлиш даврини билган ҳолда ва шамларнинг ёниши даврини ҳисоблаб чиқиб (стандарт стеарин шам ўртача икки соат ёнади), саёҳатга керакли миқдорда ҳисоблаб шам олиш керак. Ҳар эҳтимолга қарши шамлар сонини икки баробар кўпроқ олиш керак. Шамни кўпинча, ерга қўйиб ишлашга тўғри келгани сабабли енгил шамдон ҳам олиб юриш лозим.

Ғорлардаги энг қулай ёруғлик манбаи – электр ва шамлар комбинациясидир. Биринчи ва охирда юрадиган одам электр фонарлар билан йўлни ёритса, ўртадагилар шам билан юрса бўлади.

Ёруғлик манбаи сифатида гоҳида "учар кўршапалак" типида керосин фонарлар ва "Дези" типидаги шахтёрлар фонарлари ишлатилади. Чет эллик спелеологлар кўпроқ ацетилен фонарлар қўллашади. Ҳар турли смолали, пластмассали машъаллар ишлатиш тақиқланган, улардан тутун ва курум кўп чиқади.

Ҳар бир спелеологда албатта компас (яхшиси тоғ компаси), сувли фляга, пичоқ, ҳуштак ва соат бўлиши керак, уларсиз ер

остида вақтни аниқлаб бўлмайди. Ўзи билан ғорга фақат энг керакли нарсаларни олиш керак, қолганлари ташқарида қолдирилади.

Гуруҳли асбоб-ускуналарни ва озиқ-овқатларни олиб юриш учун ҳажми катта бўлмаган енгил сафархалта(рюкзак)лар ўртача ҳисобда (бир кунлик сайрда) икки одамга бир рюкзак олинади. Рюкзак қаттиқ бурчаксиз ва деворсиз бўлиши керак, чунки, уни судраб юрган вақтда олдинга итарганда тошларга тиралиб қолмаслиги керак. Рюкзак шундай тахланиши керак-ки, у иложи борича ялпоқ бўлиши керак. Керакли нарсаларни ғор ичида овчилик сумкасида ҳам олиб юриш мумкин. У елкадан ташқари белга ҳам мустаҳкамланиши керак.

Ҳар бир рюкзакда озиқ-овқат заҳираси олиб юрилади, спелеологлар термик ишлаш талаб этмайдиган витаминга бой ва тўйимли озиқ-овқат олиб юрилади (ғорлар ичида гулхан ёқилмайди). Озиқ-овқатдан ташқари ҳар бир рюкзакда маркировка материаллари: қоғоз, стрелкалар, ингичка шнур ва бир неча ғалтак мустаҳкам оқ ип бўлиши керак. Ҳар бир гуруҳда икки ёритгичли фотоаппарат ва медицина аптечкаси бўлиши керак.

Ғорнинг харитасини тузиш учун миллиметр қоғозли, блокнот, оддий қаламлар, рулетка, ўлчов лентаси ёки бўлимларга бўлинган оддий лента, эклиметр ва тоғ компаси бўлиши шарт. Геологик изланишлар ўтказиш керак бўлса, юқоридагилардан ташқари геологик болға қўл бурғиси ва термометр керак. 6-8 кишилик гуруҳ учун узунлиги 30 метр бўлган капрон арқондан 2 дона, 2 дона қўшимча беш метрли арқон, халқалар, карабинлар зарур. Қоя болғаси, сопёр лопаткаси, болтача, кичик кирка ва кичик лом керак. Пишиқ кичик ва енгил капрон арқон (денгиз штормтраплари типидаги) вертикал қудуқларга тушишни анча енгиллаштиради.

Ер ости кўл ва дарёларни текшириш учун йиғма (резина) қайиқ ва гидрокостюм керак бўлади. Сифонлардан ўтиш учун (туннелнинг сувга шўнғийдиган қисмларидан ўтиш учун) махсус аквалонглар ва енгил сувга шўмғиш кийимлари керак бўлади. Агар ғор ичида тунаб қолишга тўғри келса, ухлаш қоплари ва енгил ёпинғичларни олиш лозим. Ухлаш қоплари нам тортиб

қолмаслиги учун тагига ҳаво билан шишириладиган резина матраслар тўшалади.



Лагерда норвоннинг мустаҳкамлигини синаб кўриш

ҒОРЛАРДА ЮРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Агар ғорларда юриш вақтида ҳаракат хавфсизлигига эътибор берилмаса, унда бундай саёҳат хавфли бўлиб қолади.

Ер остида саёҳат қилишнинг муваффақиятли ўтишида қатъий тартиб-интизомга риоя этиш лозим. Ғорда юриш вақтида туристлар гуруҳ раҳбари ёки йўл кўрсатувчининг айтганларини тўлиқ ва қатъий бажаришлари керак. Ғор ичида тартиб билан 2-4 метр интервалда юриш керак. Раҳбарнинг рухсатисиз ён томонларга юриш қатъий таъқиқланади.

Биринчи бўлиб йўл кўрсатувчи ёки тажрибали турист юради.

У гуруҳлар ҳар томонга бўлиниб кетмаслиги учун назорат қилиб боради.

Гуруҳ ортида ҳам тажрибали турист юради. У гуруҳ аъзоларидан бирортаси орқада қолиб кетмаслигини назорат қилиб боради.Шунингдек, унинг зиммасига йўлни маркировка қилиб

бориш вазифаси юклатилади. Йўл бошловчи ва орқадагилар ўртасида алоқа ўрнатилиши керак. Одамлар занжир бўйича бир-бирига хабар бериб туради. Бу информация олдиндан келишилган шартли сигналларга бўйсунади.

Ҳаракат давомида тинчлик сақлаш керак, баланд овозда сўзлаш кўчкига сабаб бўлиши мумкин.

Ер ости саёҳатида адашиб кетиш хавфи ёмон. Чунки, ғорларда томонларни мўлжаллаш қийин ва ер устидан кескин фарқ қилади. Шу сабабли ҳар бир спелеолог турист компасдан яхши фойдалана билувчи, йўналишни аниқлай олиши ва ғорнинг харитасини туза билиши керак.

Ғорда адашиб кетмаслик учун, ўзининг йўлини албатта кириш қисмидан бошлаб маркировка этиши керак. Маркировканинг энг ишончли усули-олдиндан қирқиб тайёрлаб қўйилган қоғоз учбурчак стрелкаларини ғор тагига қўйиб йўл кўрсатувчи сифатида фойдаланишдир. Одатда уни гуруҳ орқасидан келувчи ҳар 10-15 қадамда, айланма йўлларда ҳар 1-2 қадамда қўйиб боради. Агар ғор ичида ҳаво айланиши бўлса, қоғоз стрелкалар кичик тош бўлаклари билан бостириб қўйилади.

Бундай қонуниятни билиш ва унга итоат этиш керак.

Стрелкалар учли томони билан доимо чиқиш томонни кўрсатиб туради. Уларни олдиндан рақамлаб чиқиш керак ва бу рақамларга қараб ер остида юрилган масофалар аниқланади. Маркировка учун қоғоз доналарини ўсиб боруви рақамлар асосида қўйиб чиқиш керак. Бир гротнинг ўзига икки марта кириб юрмаслик учун махсус белгилар ишлатилади. Масалан, грот олдидаги тошлардан тур, тупик, тош бостириб қўйилган иккала стрелка, бўлинувчи йўллар, доира шаклида чизилган стрелка айланама йўлни кўрсатади.

Агар гуруҳ айланама йўл билан юриб, ўзининг қўйган белгисидан яна чиқса, олдин қўйилган стрелкаларни йиғиб олиб кейин йўлни давом эттириши керак.

Йўлни маркировка этишнинг бошқа йўллари ҳам мавжуд бўлиб, улардан туристлар саёҳат шароитига боғлиқ равишда фойдаланишади. Ғор деворига белгилар қўйиш мумкин эмас, бу ғорнинг табиий гўзаллигини бузади ва туризмнинг табиат

муҳофазаси тўғрисидаги асосий қонунига қаршидир. Ғорларда саёҳат вақтида бир қонунни ёдда сақлаш лозим. Ҳеч қачон бегона белгилардан фойдаланиб йўл изламаслик керак, бу албатта адашишга сабаб бўлади.

Мураккаб лабиринтдан йўл топиш унча осон эмас. Энг биринчи бир гротдан иккинчиси шошмасдан юриш керак. Ориентация йўқолган вақтида гуруҳнинг бир қисми жойида қолиши, иккинчи қисми эса йўлни излаб топишга чиқиши керак. Ўзининг стрелкаларини топгандан кейин улар ёрдамида гуруҳнинг қолган қисмини излаб топиб, сўнг ғор оғзига қараб юрилади.

Ғорда ориентация этиш учун ўнг қўл қонунидан фойдаланиш, яъни гор ичида ҳамма вақт ўнг қўл томонга юриб, унда учраган бўлаклар ва гротларга кириб чиқиш керак. Йўл бўлинган вақтда гурух бормайдиган йўлак олдига тошлардан пирамида ясаб, унинг йўлак ўртасига ўрнатиш устидан қоғоз доналари билан белги ясаш керак. Орқага қайтар вақтида барча чукурликлар чапда эканлигини ёдда сақлаш керак. Бу усулнинг ноқулайлиги икки марта (олдинга ва орқага ҳаракат вақтида) ҳар бир гротга киришга тўғри келади. Бу қонуниятдан ҳалқали йўлларда фойдаланилмайди.

Яна қадимий усуллардан бири- арқондан пишиқ оқ ип тортиб бориш ҳақида эслаш керак. Унинг бир учи ғорга кириш жойига боғлаб қўйилади. Ипни гурух орқасидаги одам тортиб боради. Қулай бўлиши учун ипни махсус ғалтакка ўраб қўйиш керак. Бундай ориентировканинг қулай томони шунда-ки, ипни ушлаб олиб ғор оғзига қоронғуда ҳам етиб келиш мумкин. Ипнинг узунлигини билган ҳолда (одатда 200 метр ёки 500 метр), ўтган йўлнинг узунлигини билиб олиш мумкин. Лекин бу усулнинг айрим ноқулайлиги ҳам мавжуд, уни ҳалқали йўлларда қўллаш мумкин эмас, ташқарига чиқиш қайси йўналишда эканлигини билиш қийин, айниқса, ип узилиб кетса, қайта чиқиш қийин бўлади.

Яхши ориентация қилиш учун йўлда маркировка ўтказишдан ташқари ҳаракат давомида ғорнинг харитаси тузилади. Уни тузиш вақтида ўтган йўлни рулетка ўлчов лентаси, ёки тугунлар билан

бўлинган ип ёрдамида ўлчанади. Жинслар қиялиги эклиметр, йўналиши эса тоғ компаси ёрдамида ўлчанади. Агар гуруҳнинг вазифасига унинг тўлиқ режасини тузиш кирмаса, ҳар ким ўз ён дафтарида ғорнинг схематик тузилиши ва характеристи-касини тузади. Ғорнинг харитаси ва характеристика ер ости лабиринтида ориентир қилишга ёрдам беради. Режа тузиш кўз билан ўлчашни ноқулай шароитга мослаштириши мумкин. Саёҳат бошида ғор ичидаги ўн метр юзлаб метр бўлиб кўриниши мумкин.

Йўлни эслаб қолиш учун орқага қараб туриш керак, ғорнинг йўлаклари бир йўналишда иккинчисидан кескин фарқ қилади. Ер ости саёҳати вақтида сайёҳ жуда диққат билан юриши ва ҳаракат хавфсизлигига эътибор бериши керак. Шифтдан қулаб тушган кўпчилик катта тошлар мустаҳкам ўрнашмасдан турган бўлиши мумкин. Шу сабабли бундай жойларда тез, товушсиз ва эҳтиёт билан ўтиш керак. Шифтдан осилиб турган тош харсангларга ҳам эҳтиёт бўлиш, уларга тегинмаслик керак. Чунки, улар тушиши орқасидан бошқалари ҳам ҳаракатга келиши ва ҳаттоки кўчки келтириб чиқариши мумкин (9с.12).

Алоҳида хавфли ҳудудлардан ўтаётганда ҳимоя қилиб туриш керак. Гуруҳ йўлида чуқур қудуқлар, ёриқлар, вертикал шахталар учраши мумкин. Вертикал чуқур жойларни ўрганиш арқонга боғланган фонар ёрдамида ёки қояга мустаҳкамланган арқон ёрдамида амалга оширилади. Бу нарвондан тушаётган қўшимча арқон билан боғланиб ҳимояланиши керак. Арқон нарвондан тушиш ва чиқиш маълум чаққонлик талаб қилади ва олдиндан тажриба қилиб кўрилган бўлиши керак (10 с.52).

Мустаҳкам темирдан ясалган пиллапоялари бор, арқон нарвон энг қулай ҳисобланади. Ғор дарёси ва кўлларини текшириш вақтида сифонлардан ўтиш анча қийин. Ундан ўтиш бир қатор хавф - хатар билан боғлиқ бўлиб, уларга тоннелни ҳаддан ташқари узун бўлиши, унинг шифти ҳамма вақт сувга тегиб туриши, тоннел ўтиб бўлмас қисм билан тугаши, хавфли газлар билан тўлиб қолган чўнтаклар мавжуд бўлиши, сифон тагида чуқур қудуқ яшириниб ётган бўлиши, ҳаракатчан қумлар билан тўлиб колиши ва ер ости дарёси юқоридан оқизиб олиб келинган шоҳ-шабба билан тўлиб қолган бўлиб, уларга осон илашиб қолиш

мумкин. Сифондан ўтишнинг яна бир муаммоси шуки, унинг орқа томонида керакли асбоб-ускуналарни олиб ўтказиш керак, улардан кўпи намликдан ишдан чиқади (фонар, гугурт, шам, фотоаппарат, шунингдек соатлар). Бу нарсаларни сувда транспортировка этиш учун махсус резина воситалар қўлланилади.

Юқорида таърифлаганимиздек, ғорларда заҳарли ва портловчи газлар учрайди. Уларнинг борлигини шам шўласи ёрдамида аниқланади. Агар шам хира ва қизғиш рангли аланга бериб ёнса, ундан қурум кўп чиқа бошласа ғорда ис гази йиғилиб қолганидан дарак беради, узун ва ёркин аланга портловчи газлар борлигига ишора бўлади. Тош кўмир қатламлари ва нефт бор жойдаги ғорларда, портлаш хавфи бўлгани учун гугурт чақиш ҳам таъқиқланади.

Гуруҳнинг ҳаракат йўналишини аниқлашдан олдин гоҳида разведка қўлланилади. Одатда разведкага икки нафардан кам бўлмаган тажрибалилар чиқади. Улар гуруҳ йиғилган жойдан бошлаб ўз йўлларини маркировка қилиб кетишади.

Узоқ давом этувчи йўналишларда дам олиш ҳар бир, бир ярим соатда давом эттирилади. Бу мақсадда энг чиройли гротлар, ер ости дарёлари ва кўллари танлаб олинади. Ҳеч қачон ғорларнинг ички тузилишини бузиб бўлмайди. Сталактитлар, сталагмитлар ва бошқа ғор ички безакларини синдириш мумкин эмас. Бундан ташқари ғор ичидан синган сталактитларни ҳам олиб чиқиш мумкин эмас.

ЖАНУБИ- ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҒОРЛАРИ

"Ер ости изланишлари олиб бораётган спелеологларга шу нарса яхши маълумки, ер остидаги ихтиролар вазифа бўйича ва кўрсатилган жойда очилмайди".

Норбер Кастере.

Жануби-ғарбий Ўзбекистондаги ғорларни ўрганишни Самарқанд вилоятидан бошлаймиз. Бу вилоят икки чегара-Зарафшон ва Нурота тоғлари жойлашган ҳамда қўшни Навоий вилоятига туташиб кетади.

Зарафшон тоғ тизмаси Самарқанд вилояти территориясига Чақилкалон, Қоратепа ва Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғлари билан кириб келади. Карст ғорлари бу тоғларнинг силур ва девон даври оҳактошларидан ҳосил бўлган.

Чақилкалоннинг ўткир қиррали "ўркачи" жанубида кенг ясси тоғлик ястаниб ётади. Карталарда у "Қирқтоғ платоси" деб ёзилган. Бу платони текширган машҳур карстшунос олим Н.А.Гвоздецкий уни Қрим яйлаларига ўхшатади ва юза карстнинг классик мисоли сифатида таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам плато юзаси кўплаб йирик карст воронкалари билан ўйдим – чуқур бўлиб кетган. Бу ерда 3 мингдан ортиқ воронка бор. Киевлик ғоршунослар бу воронкаларни 1972-1976 йилларда ўрганиб, уларнинг кўпчилиги карст шахталарининг оғзи эканлигини исботладилар. Текширишлар натижасида бу ерда чуқурлиги жиҳатидан Ўрта Осиёдагина эмас, балки Собиқ Иттифоқда биринчи бўлган Киев шахтаси аниқланди. Шахта 1082 метр чуқурликдаги кўлгача ўрганилди. У 103 метр чуқурлигидан бошлаб ер ости сойи, оқар кўл ва шаршаралар ҳосил қилади. Шахта деворлари сталактит, сталагмит ва бошқа томма шакллар билан безалган. Унда ҳаво ҳарорати +4 градус атрофида. Платода бундан ташқари чуқурлиги 137 метрли Абдужабборов номидаги, 100 метрли "Шпунтик" 86 метрли "Томск" ва 83 метрли В. Соколов номидаги шахталар ҳам бор.

Муринак довони орқали Чақилкалоннинг шимолига ошиб тушилса, Муринак деб аталадиган ғорга дуч келинади. Ғорнинг оғзи баҳайбат арк шаклида бўлиб, кенглиги ва баландлиги 14 метр. Ғорнинг шакли балиқчи тўрини эслатади. У ичкарида кенглиги 2 метр, баландлиги 1,2 метрли кавак билан тугайди. Ғор саҳни кўршапалак ва турли қушларнинг қалин гўнги билан қопланган. Шифти гумбазсимон кўринишга эга бўлиб, унда бир нечта найсимон тешиклар бор. Тешиклардан сув томиб туради. Бундан ташқари, шифтнинг пасайган, карнизсимон бўртиб турган жойида ғорнинг юқори қават йўлагининг оғзи осилиб туради. Унга нарвон билан чиқилади. Ғорнинг узунлиги 26 метр (юқори қаватдан ташқари). Ғўссой водийсида Муринакдан ташқари кўплаб кичик ғорлар ҳам бор. Улардан баъзиларининг деворлари

кальцит минералининг ярим шаффоф, йирик кристаллари билан қопланган. Ғўссойнинг чап ирмоғи бўлган Тупроқлисой водийсида шу номдаги узунлиги 20 метр бўлган туннелсимон тешик ғор жойлашган.

Чақилкалоннинг янада ғарброғида, Зинак қишлоғи яқинида бир неча кичик ғорлар борлиги аниқланди.

Халқ орасида бу ердаги Қирққулоқ ғори билан боғлиқ афсона тарқалган. Унда айтилишича, ғорнинг ичкарисида тиллага тўла қирқ қулоқли қозон бўлиб, уни аждарҳо қўриқлар эмиш. Одамлар бир замонлар аждарҳони ўлдириб, тиллаларни олишмоқчи ҳам бўлишган. Лекин ғорнинг оғзи баландда, даранинг тик ва силлиқ деворида жойлашганлиги учун унинг уддасидан чиқа олишмаган эмиш. Ниҳоят, бир довюрак одам ғорга дара тепасидан осилиб тушишга журъат этган. Одамлар довюракнинг белига арқон боғлаб ғор оғзига туширишган. Аммо,у ғор оғзига яқинлашганда додлаб юборган. Уни юқорига тортиб олишиб нима бўлганини сўрашганда, маънили ҳеч гап айтмаган. Сабаби у ақлдан озган экан. Шундан сўнг ғорга тушишга ҳеч кимнинг юраги дов бермаган эмиш. Бу – шунчаки бир афсона, албатта. Бу ривоятнинг фақат битта тўғри томони бор-ки, у ҳам бўлса горга тушишнинг ғоят даражада машаққатлигидир.

Биз, бир гуруҳ геологлар, ғорни текширгани борганимизда, афсонадаги ақлдан озган кишининг ғорга бориш учун танлаган йўлнинг энг мақбул йўллигига ишонч ҳосил қилдик. Белларимизга капрон арқон боғлаб, 18 метр келадиган тик девордан осилиб минг машаққат билан ғорнинг оғзига тушдик. Қарасак, бу ғор эмас, балки узунлиги атиги 2 – 3 метр бўлган оддий картс каваги экан. Аммо ғорни кўрамиз, деб тортган машаққатларимизга ачинмадик. Сабаби- маҳаллий аҳоли ўртасида ғор тўғрисида неча замонлардан бери юрган миш-мишларга барҳам бердик.

Чақилкалонга қилинган саёҳат Республикамизнинг ғарбий ҳудудидаги энг сўлим ва гўзал оромгоҳлардан бири ҳисобланувчи Омонқўтон қишлоғи билан тугалланади. Бу ерда карст воронкалари, шахталари ва ғорларини учратиш мумкин. Булар ичида Булбулзорсой водийсидаги Омонқўтон ғори диққатга сазовор. Бутун дунёдан келувчи туристлар Самарқанднинг ўрта

аср обидаларини томоша қилишдан олган таассуротларини палеолит даври кишисининг "тош қасрини" кўздан кечириш билан янада бойитадилар. Тадқиқотчилар бу ердан мустье даври ибтидоий одамларининг иш қуроллари ва суяк қолдиқларини топишган.

Ғор оғзи шимоли – ғарбга қараган бўлиб, кенглиги 2,2, баландлиги 2,3 метр. Мураккаб тузилишга эга бўлган бу ғор бир неча тармоқлардан иборат. Унда қатор йўлаклар алоҳида бўлинмалар – гротлар билан алмашиниб келади. Уларнинг умумий узунлиги 81 метр. Ғорга кирувчилар унинг саҳнида оқувчи кичик ер ости дарёчасини кечиб, қизиқарли саёҳат қилишлари мумкин. Дарёчанинг бошланишига қараб борилса, йўлда бир неча кичик оқар кўлчалардан ўтилади. Уларнинг энг чуқури ғор оғзига яқин жойлашган бўлиб, ундан ўтиб олиш учун белгача сувга тушишга тўғри келади. 16 метрда ғор туби остонасимон тик кўтарилган бўлиб, бу ерда кичик ер ости шаршараси бор. 21-метрда иккита саёз кўлча учрайди. Янада ичкарирокда ғор деворлари торайиб, шифт пастлашади. Иккинчи кўлгача одам бемалол қаддини ростлаб юрса бўлади, ундан нарёғига энгашиб боришга тўғри келади. 32-метрда ярим сифон пайдо бўлади. Бу ерда киши дарёча тубига ётиб эмаклашга мажбур бўлади. Уч метрча масофада сув сатҳи билан шифт орасидаги ҳаво бўшлиғига одам бошининг сиғиши амри маҳол. Шунинг учун сувга шўнғиб олға интилиш керак бўлади. Ярим сифон ортида эркин нафас олиш мумкин. Ғор бу ерда кенгаяди, шифти баландлашиб, гумбаз шаклини олади. Саҳнини учта оқар кўлча эгаллаган. Дарёча мана шу кўлчанинг жанубий-шарқий бурчагидаги ғор саҳнига яқинроқ жойдан оқиб чиқади. Дарёчанинг оқар кўлчалар билан бирга умумий узунлиги 41 метр. Унинг суви ниҳоятда тиниқ ва совуқ.

Ғорнинг тармоқлари унинг дарёчали қисмига нисбатан юқорироқ жойлашган. Уларнинг девор ва шифтларида кальцит томма шакллари сақланиб қолган. Булар орасида турли кўринишдаги сталактитлар, сталагмитлар ва томма қатламлар бор. Ғор асосий йўлагининг кок белидан шимолга ажралган тармоқни бирлаштириб турувчи қудуқсимон йўлакнинг деворида ажойиб

томма шакл ҳосил бўлган. Чўнтак фонарининг нури бу шаклга ён томондан тушганда, гўё қоронғулик қаъридан чиқиб турган баҳайбат шер калласи пайдо бўлади. Шунинг учун ғор ишқибозлари ва туристлар бу ғорни - "шер ғори" дейишади.

Омонқўтондаги иккинчи ғор - Юткалама ғори деб аталади. У Омонқўтон ғоридан машҳурлиги жиҳатдан бир мунча орқарокдадир. Ғор Юткаламасойнинг чап қояли қисмида 1100 метр абсолют баландликда жойлашган. Кириш қисми баландлиги 1,5 метр эни 2,5 метр ичида жайра ини ва учар кўршапалаклар кўп. Узунлиги атиги 11 метр (7 с. 45).

Тахти Қорача довонидан ғарбдан Қоратепа тоғлари ястаниб ётади. Бу ерда оҳактош жинслари ҳар жойда ер бетига чиққани учун ғорлар кам учрайди. Совуқбулоқ қишлоғи яқинида Еттиқиз ва Каттаопа ғорлари бор. Еттиқиз ғорининг умумий узунлиги 82 метр бўлиб, учта гроти бор. Томма шакллар ҳам учрайди. Иккинчисининг узунлиги 30 метрдан ортиқроқ.

Қоратепанинг шимолий ёнбағрида, Оқсой қишлоғи яқинида Ҳазрати Довуд ғори бор. Ғор тектоник ёриқнинг карст сувлари таъсирида кенгайиши натижасида вужудга келган. Шунинг учун ғорнинг кўндаланг кесими тирқишсимон кўринишда бўлиб, мураккаб тузилишга эга. У 2 та зал, ҳамда бир неча йўлак ва йўлкалардан иборат. Ғорнинг узунлиги 48 метр, кенглиги эса 0,4 дан 4 метргача, баландлиги 1,5 дан 16-17 метргача. Биринчи зал ёруғ бўлиб, ғор оғзига яқин жойлашган ва ҳужра кўринишига эга. Унинг узунлиги 6 метр, кенглиги 2-4, баландлиги 5-6 метр. Тор йўлак бу зални иккинчи катта зал билан боғлаб туради. Йўлаксимон шаклдаги катта залнинг узунлиги 29, эни 3-4, баландлиги эса 16-17 метр. Унинг саҳни қалин қизғиш рангдаги "ғор гили" ва кўршапалак гўнги билан қопланган. Деворлари кўп жойидан дарз кетган, шимолий девори эса кальцит томмалари билан қопланган. Уларнинг кўпчилиги тош қотган шаршарани эслатади. Афсуски, ғорга кирган кўп кишилар ёритгич сифатида машъалалардан фойдаланишган. Натижада, синдириб олиб кетилгандан қолган томма шакллар қалин қоракуя билан қопланган.

Одатда ғорларни зулмат ва сукунат маскани, дейишади. Ҳақиқатан ҳам атроф зим-зиё. Сокинлик ҳам шу даражада-ки,

ҳатто юрак уриши ғор гумбазида акс-садо бераётгандек. Нафас олмасдан бир пас қулоқ солсангиз, ниманингдир бир маромда чақилаб томиб турганини эшитасиз. Бу томаётган нарса ер ости карст сувидир. Ғорлардаги ажойиб томма шакллар – ложуард қандиллар ва шамдонлар, тош қотган нафис гулдаста ва дарпардалар, фусункор равоқ ва устунларни ана шу томчилар бунёдга келтирган. Бундай ажойиб ва нодир ҳосилалар Қоратепа тоғларидаги машҳур Амир Темур ғорида ҳам кўплаб учрайди. Бу ғор қўшни Қашқадарё вилоятида. Ғор Тарағай ва Ғовхона сойларининг сув айирғичида жойлашган. Асосий ғорга кириш учун 25 метрли табиий туннел ичидан ўтиш керак. Ғорни жуда кўп картшунос, спелеолог ва ғор ишқибозлари ўрганган. Улар ичида Ю.Б.Виноградов тузган харита кўндаланг кесим ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ғор мураккаб йўлак, йўлка ва гротлар тузилмасидан иборат. Улар бир хил йўналишда чўзилган. Бунга сабаб гранитлар орасида сиқилиб қолган юпқа оҳактош қатламлари карст жараёни натижасида ювиб кетилган ва улар ўрнида ер ости бўшлиқлари қолган. Шунинг учун ғор деворлари кўп жойда карстланмайдиган гранит жинслардан тузилган. Ғорнинг текширилган қисми 3 қаватда жойлашган ва ўзаро карст қудуқлари билан боғланган. Юқори қаватнинг энг баланд нуқтаси билан қуйи қаватнинг энг паст нуқтаси ўртасидаги фарқ 45 метрни ташкил этади. Ғорнинг умумий узунлиги 350 метрдан зиёд. Унинг қуйи икки қаватига кириш камдан-кам кишига насиб этгани учун табиий ҳолда сақланган. Ғор девор ва шифтларининг томма шакллар билан безалганлиги жиҳатидан Республикамиз территориясидаги энг гўзал ер ости бўшлиқларидан ҳисобланади. Айниқса, энг қуйи қаватга тушган киши олдида ер ости қасри ўзининг бутун борлиғи билан намоён бўлади. Бу ерда тошни гулга айлантирган бунёдкор томчининг қудратига тан бермасдан илож йўқ. Қордек оппоқ ва нафис арагонит гуллари, сумалаксимон ва қиличсимон сталактитлар, сталагмитлар ва колонналар, тош қотган шаршара ва пардалар электр чироғи ёруғида ажойиб жилваланади.

Тим ва Қўчқорли қишлоқлари атрофидаги ғорлар ҳам катта қизиқиш уйғотади. Қўчқорли ғорлари айтарли узун бўлмаса ҳам,

лекин уларнинг ўзига хос тузилиши ва томма шакллари кишини ўзига жалб қилади. Бу ерда 1-Қўчқорли ва 2- Қўчқорли ғорларидан ташқари, топилиши қийин бўлган Қуруқсой ғорини ҳам кўриб чиқиш мумкин. Бу ғорни қишлоқдан 2 километр шарқдан, Қўчқорлисойнинг ўнг ёнбағридан қидириш керак. Ғор оғзининг эни 1,6 метр баландлиги 1,3 метр. Ичкарига кирган сари ғорнинг шакли тез-тез ўзгариб туради. 3 метрли йўлакдан сўнг ғор шифти 4 метрга кўтарилиб тор грот ҳосил қилади. Грот шифтидан горизонтал ва вертикал йўналишда 2 та мўрисимон тармоқ ажралади. Тик мўри 3 метрдан сўнг ер бетига чиқади. Грот саҳнида ўркачсимон бўлиб турган кўндаланг ҳарсангдан ошиб ўтиб, кейинги 3,5 метрли йўлкага кирилади. Йўлка охирида унинг қарама-қарши деворларидаги нотекисликлар йўлакка ажойиб шакл беради. Унинг кўндаланг кесими керосин лампани эслатади. Йўлкадан сўнг ғор шифти 10 метр баландликкача кескин кўтарилиб, навбатдаги иккинчи гротни ҳосил қилади. Грот ортида ғор шифти кескин пасайиб кетади.

Ғорнинг иккинчи ярми ғоят қизиқарли бўлиб, уни энг моҳир "эмакловчилар"гина забт эта олади. Бу ерда жойлашган 3, 4 ва 5-гротлар ўзаро гулкосабарг шаклида боғланган. Учинчи гротнинг жанубидаги шифтда гумбазсимон кавак бор. Бу гротни шу кавакка эмаклаб кела олган кишигина кўриши мумкин. Кавак шифти оҳактош саҳнидан 2,2 метр баландда жойлашган бўлиб, кристаллашган кальцит минерали билан қопланган. Учинчи гротнинг жанубидан ғор иккига тўртинчи ва бешинчи гротларга ажралади. Кираверишда, чапга ажралган тўртинчи гротнинг узунлиги 5,5 метр, эни 3 метр. Унинг шарқий деворида иккита понор бор. Грот саҳнида ўнга яқин сталагмитларни санаш мумкин, улардан айримларининг тепасида конуссимон кичик (5-7 сантиметр) сталактитлар осилиб туради. Деворлари кордек оппоқ, бодроқсимон томмалар билан қопланган. Гротнинг жанубидан 3 метргача ўтишли бўлган тор мўрисимон йўлка юқорига кўтарилиб кетади. Охирги, 5-грот билан завқланмоқчи бўлган киши жуда уста ва ихчам бўлиши керак. Акс ҳолда гротга олиб кирувчи, спелеологлар "ечинтиргич" деб атайдиган тор, эни 0,7 метр

баландлиги 0,3 метр бўлган туйнук кишини "ечинтириб" олиши ҳеч гап эмас.

Бешинчи грот узунлиги 6, эни 3, баландлиги 0,4 метр бўлган "тош қути"дан иборат. Шифт ва саҳн юпқа оппоқ кальцит пўст билан қопланган. Грот саҳни остона ҳосил қилиб, кескин пасаяди ва тирқишсимон понорга айланади. Унинг давомини шифтдан ўсган томма шакллар тўри тўсиб тушади. Ғорнинг ўтиш қисмининг умумий узунлиги 35 метр, ғор тектоник ёриқ бўйлаб катта чуқурликдан чиққан гидротермал сувларнинг оҳактошни эритишидан вужудга келган.

Қўчқорли ва Қушчи қишлоқлари орасидаги чўққининг шимолий ёнбағрида узунлиги 24 метрли Темиркал ғори бор. Тим қишлоғи яқинида эса Пиёзлитот, деб аталган ғор ҳам анча машҳур. Умумий узунлиги 100 метрдан иборат ғорнинг бир талай йўлак, йўлка, грот, токча, тахмон, қудуқлари бўлиб, улар уч қават бўлиб жойлашган. Унинг қуйи қаватларида ҳаво ҳарорати ёз пайтида +11 градус атрофида, шифтидаги сталактитлардан чакка томиб туради. Томма шакллар қуйи қаватларда тарқалган ва асосан бодроксимон шакллардан иборат. Бу томмалар баъзида ғор шифтидан қутуриб оқаётган селни эслатади. Ғорнинг энг ичкари гротида эса саҳнидан кўтарилиб турувчи харсангларни қоплаган оппоқ томмалар турли-туман шакллар ҳосил қилган. Шундай харсанглардан бири дока рўмолга ўралган нуроний онахонни эслатади. Шуниси қизиқ-ки, бу грот шифтидаги томма шакллар ҳам кексалик даврини кечирмоқда. Чунки,қоплама кальцит кристалларининг пирамидал учлари нураб оқ пўст ҳосил қилган. Ғорнинг қуйи қаватларининг кичик кавак, йўлка ва йўлаклари саҳнида турли сутэмизувчи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари учрайди. Айрим гротлар саҳни эса қизил ғор гили ва кўршапалаклар гўнги билан қопланган. Ғорнинг кўп йўлаклари тор, уларнинг айримларидан ўтишда қийинчиликлар туғилади.

Пиёзли ғоридан 10 метр ғарбда шимолга нишаб текис оҳактош юзасида юм-юмалоқ тандир оғзини эслатувчи кавак бор. Бу узунлиги 22 метрли Тандирғорнинг оғзидир.

Тим қишлоғидан 12 километр шарқда, Илонли қурук сойи

водийсида Уйқўрғон ғори жойлашган. У бир неча тармоқли бўлиб, умумий узунлиги 60 метрдан иборат. Асосий тармоғи шарққа томон зинапоя шаклида пасайиб боради, юқори тармоқларида жайра оиласи яшайди. Ғор томма шаклларга камбағал, уларни пастки йўлаклардагина учратиш мумкин. Ушбу ғордан К.Орипов ибтидоий одамларнинг суякдан ишланган қуролларини топишга муяссар бўлди (11с.19).

Зарафшон тизмасидаги Ғарбий Зиёвуддин тоғида карст ғорлари кам. Уларнинг кўпчилиги кичик камар ва кавакларлан иборат. Бу ердаги Гунжак ғори бир-мунча йирик бўлиб, ғор ишқибозлари диққатини жалб этиб келади. Бу ғорни биринчи бўлиб геолог Р.Музаффарова аниқлаган ва тадқиқ этган. Ғорнинг табиий оғзи Тўратоғнинг жанубий ёнбағрида жойлашган. У қудуқ кўринишида бўлиб, ғор шифтини шарқий деворга яқин жойидан тешиб тушган. Ғор асосан икки қисмдан – катта ва кичик гротлардан иборат. Кейинги вақтларда ғорда юқори сифатли мармар оникси топилганлиги муносабати билан кичик гротга 40 метрли штольня қазилган. Кичик гротнинг узунлиги 13, эни 5, баландлиги 3 метр. У икки қарама-қарши томонга давом этади. Унинг жанубий-шарқий давоми бўлган йўлка 7 метрдан сўнг, ўтиб бўлмас тирқишга айланади. Шимоли-ғарбий давоми эса 8 метрли йўлак бўлиб, у кичик гротни катта грот билан бирлаштириб туради. Катта грот тухумсимон шаклга эга. Унинг узунлиги 40, эни 20, баландлиги 23 метр. Шимолий чеккасида чуқурлиги 8 метрли 4 та қудуқ борлиги аниқланган. Шубҳасиз, илгари мазкур ғор Республикамиз ер ости бўшлиқларининг ўзига ҳос дурдонаси бўлган. Уни ғор минералогияси бўйича ҳам музей, ҳам лаборатория, дейиш мумкин (11с.6-19).

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҒОРЛАРИ

Жанубий Ўзбекистонда Республикамизнинг икки вилояти - Қашқадарё ва Сурхондарё жойлашган. Биз бу вилоятларда жойлашган спелеотуристик объектлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Дарёли Ғор. Ғоршунослардан иборат гуруҳимиз Жанубий-ғарбий Ҳисор тоғлари бўйлаб экспедициямиз давомида кўм-кўк

дарахтзорлар орасидан шарқираб оқувчи булоқлари билан машҳур Лангар, ҳозирги вақтда ҳам тош тузи кавлаб олинаётган Кон қишлоқларидан ўтиб, Кўкбулоқ қишлоғига етиб келдик.

Бу ернинг манзараси жуда чиройли бўлиб, йўлнинг икки томонида хилма-хил ранглардан иборат паст-баланд тоғ ва қирлар ястаниб ётар, тоғлар юзида қорсимон гипсли тепачалар, кўкимтир гилли қатламлар билан сарғиш оҳактошлар, тўқ сариқ қумлар билан алмашиб турар, тўқ қизил гиллар орасида яшил рангли гиллар аралашиб кетганди.

Атрофимизни шу ерлик ҳамма нарсага қизиқувчи болалар ўраб олишди. Тез орада савол-жавоб ҳам бошланди. Ғорларми? Албатта бор. Ҳатто ичидан дарёча ҳам чиқиб оқади. Йўқ, қишлоқдан унча узоқ ҳам эмас. Агар геологлар хоҳлашса, ҳозир кўрсатадилар.

Кўкбулоқ қишлоғи атрофидаги қидирув ишлари шундай бошланди. Лекин, биринчи икки кунимиздаги изланишларимиз кўнгилдагидек чиқмади. Бунда асосан бор- йўғи кичик ҳажмдаги ғорнинг харитасини олишга муваффақ бўлдик. Унинг Сувчиқар, деб аталадиган биринчиси атиги 40 метр узунликда бўлиб, ичидан ҳақиқатан ҳам кичик дарёча оқиб чиқиб, бир неча метрдан кейин ер тагига сингиб кетарди. Иккинчиси, Янгиғор, деб аталиб, воронкасимон чукурлик тагида жойлашиб 120 метр масофага чўзилар, ғор тагида кичикроқ дарёча шалдираб оқиб ётарди. Айтишларича, Янгиғор ғори 1963 йилда ернинг ўпирилиши натижасида очилиб қолган эди. Ҳақиқатан ҳам ўн йилдан кейин – 1973 йил шу туманга келганимизда, ғорнинг устки қисми ўпирилиб тушиб, у кўмилиб кетганди.

Бу иккала ғор ҳам бўр даврининг гипсларида ривожланган эди. Қишлоқдан бир ярим километрча шимолрокда Сувчиқарсойнинг бошланиш жойида катта воронкасимон ўпирилма бор. Бу ўпирилма тағидан, жануби-шарқий ва шимол томондан катта ғор йўлакларига кирилади. Унга кириш қисми баландлиги 3 метр, кенглиги 7 метр бўлиб, арксимон шаклга эга эди. Полда хилма-хил шаклдаги тош парчалари сочилиб ётар, уларнинг аксарияти юмалоқ ва киррасиз бўлиб, бир вақтлар бу ердан сув оққанлигидан далолат беради. Ичкарига кирган сари

йирик тош доначалари камайиб, унинг ўрнига қум, лойга дуч келинади.

Ичкаридан қаердандир сувнинг бўғиқ шовуллаши эшитиларди. Бир неча метрдан кейин атрофни бутунлай зулмат қоплайди ва коронғуликдаги бу шовуллаш қандайдир сеҳрли эшитилади. Ғор ичига 80 метргача кирилганда, унинг ичи кенгайиб, зал шаклига киради ва бир номаълум ер ости дарёси қирғоғидан чиқилади. Бу ерда ғор шифти баландлиги 8 метрга етади, 2 метр чуқурликда тик қирғоқ тагида ер ости дарёси коронғулик қўйнида шалдираб оқиб ётибди.

Дарё ғорнинг чап тарафидаги кичикроқ тешикдан чиқиб, ўнг тарафига кириб кетади. Олдинда эса тик қирғоқ, орқасида ғорнинг давоми кўриниб туради.

Агар дарё қирғоғидан тирмашиб чиқиб, узун йўлак бўйлаб олдинга қараб юрилса, полда шифтдан узилиб тушган йирик тошлар учрайди. Бу йўлак 36 метрлар чамаси чўзилиб кетади ва кичик бир залга айланиб тамом бўлади.

Бу зал думалоқ шаклда бўлиб, деворлари гипсдан. Зал тагида хилма-хил шаклдаги тошлар лой аралаш уюлиб ётади, олдинда одам бўйи баландлигидаги йўлак қорайиб туради. Бу йўлак бўйлаб 20 метргача олдинга юрилса, икки метр пастликда оқаётган дарёга дуч келинади.

Тасодифий равишда дарё суви ўзига одам ўта олиши мумкин бўлган йўлак очиб, ғорнинг икки қисмини боғлаган. Бу ерда ер ости дарёси ғорнинг узун тор йўлаклари бўйлаб оқади. Баъзи бир жойларда йўлак кенгайиб, баландлиги 10-12 метр, кенглиги 15-20 метрга келадиган залларга айланади. Дарёнинг иккинчи қуруқ ўзанининг юқори қисмида 120, 160, 220 метрли кичик залчалар сақланиб қолган. Бу жойларда сукунатни сувнинг секин чакиллаб томиши-ю, кўршапалакларнинг чийиллаши бузади, холос.

Амир Темур ғори. Жануби-ғарбий Ҳисор тоғидаги йирик ғорлардан бири Амир Темур ғоридир.

Маҳаллий аҳоли орасида Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган ғор тўғрисида ҳар хил афсоналар тўқилган.

Бироқ бизни ғор тўғрисидаги афсоналар эмас, балки ғорнинг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Ям-яшил арчазорлар билан ўралган

Тошкўрғон қишлоғи ғорга энг яқин бўлган аҳоли пунктидир. Ғорга бориш учун қишлоқдан жануби-шарқ томонга Яккабоғ дарёсининг чап ирмоғи Қалъадарё бўйлаб 8 км борилса, чуқурлиги 400 метр келадиган дарани кўриш мумкин.

Амир Темур ғорининг оғзи ана шу дарё ўзанидан қарийб 200 метр баландда – Қалъадарёнинг ўнг (шарқий) қирғоғида жойлашган. Бу ерда иккита ғор бор.

Биринчи ғор "Отхона" деб аталиб, у узун бостирмага ўхшайди. Ғорнинг узунлиги 190 метр, унинг иккала оғзи олдида бўйи 20 метр, эни 10 метр катталикдаги супалар мавжуд. Супаларнинг дарёга қараган томонларини ўраб турган деворлар пишиқ ғишт шаклидаги тош парчаларидан терилган ва улар орасига арча ёғочлари ётқизиб мустаҳкамланган. Деворларнинг баландлиги 4-5 метр. Бу супалардан бири "Отхона" ғори билан Амир Темур ғорини бир-бирига туташтириб туради.

Амир Темур ғорига тошлардан ва арча ёғочларидан мустаҳкам қилиб ишланган зиналар билан чиқилади. Ғорнинг жанубий-шарқий томонидаги деворида бир вақтлар каттагина тешик бўлиб, ҳозир у беркилиб қолган.

Ғор йўлакларининг кенглиги 5-1 метр, баландлиги 10-25 метр келади. Шифтдан ва деворлардан осилиб турган жуда кўп сталактитлар ҳамда полдан "ўсиб" чиққан антиқа сталагмитлар фонар ёруғида ажойиб манзара касб этган. Уларнинг айримлари масжит устунларини эслатса, баъзилари турли ҳайвон ҳайкалларига ўхшайди. Ён томонга қараб кетган кичик-кичик йўлаклар оғзини япалоқ шаклдаги сталактитлар тўсиб қўйган.

Ғор ичидан асосий йўлак бўйлаб 450 метрча юрган эдик, бирдан боши берк жойга келиб қолдик. Шу вақт жануби-ғарб томонда, пастга қараб кетган, одам зўрға сиғадиган коп-коронғу туйнукка кўзимиз тушди. Бу туйнук ғорнинг давоми бўлиб, ундан яна йўлак бошланади. Бироқ ғадир-будир деворларидан сув томиб турган бу тор йўлакдан юриш жуда мушкул эди.

Йўлакдан кейин катта-кичик йўлакчалар орқали бир-бирига туташиб кетган бир неча хоналар бор. Ғоршунослар одатича, хоналарнинг шаклига ёки бирор характерли белгиларига қараб, улар Кичик зал, Кенг зал, Гумбазли зал деб аталган.

Ғорнинг охирида Кўлли зал бўлиб, унинг узунлиги 70 метр, кенглиги 30-40 метр, баландлиги 25-35 метрдир. Залнинг ғарб томонида баландлиги 3-4 метр келадиган табиий супачалар бор. Деворларда, шифтда хилма-хил шаклдаги катта-кичик "сумалаклар" осилиб турибди. Уларни кўрган киши, гўёки ўзини афсонавий оламга келиб қолгандек ҳис қилади.

Кўлли залнинг шарқ томонига юриш анча мушкул, чунки, шифтдан узлуксиз томиб турган сув томчиларидан ғор туби жуда сирпанчиқ бўлиб кетган. Ҳар жойда кўлмаклар кўзга ташланади. Бу ердан бир оз ичкарига юрилса, суви тип-тиниқ каттакон кўл учрайди. Бўйи 30 метр, эни 14 метр, чуқурлиги 1,5-2,5 метр бўлган бу кўлга шифтдан сув тушиб туради. Кўлнинг суви оддий дарё сувидан фарқ қилмайди. Унинг тубида сув оқиб кетадиган бирор ёриқ бўлса керак, чунки сув сатҳининг кўтарилиши билинмайди.

Кўлли зал Амир Темур ғорининг энг охири бўлиб, ундан нарига йўл йўқ. Амир Темур ғори шундай бир шароитда вужудга келган-ки, ғор сатҳи ва унинг яқинидан оқиб ўтувчи Қалъа-дарё ўзани бир вақтлар бир хил юзада турганлигидан далолат беради. Тоғ жинслари қатлами орасидан пастга сизиб борган ер ости суви шу юзага етгач, горизонтал равишда атрофга силжиб, тоғ жинсларини – оҳактошларни эрита борган. Натижада, ер ости ёриқлари аста-секин кенгая бориб, минг йиллар мобайнида ҳозирги ғор бўшлиқлари ҳосил бўлган.

Бойқобил ғори. Сангисурх тоғининг ёнида хушманзара арчазор билан қопланган сой бор. Йўлда тез-тез булоқлар учраб туради. Улар ғоҳ ўнгдан, ғоҳ чапдан, қоя тагидан шарқираб отилиб чиқиб, сой сувига қўшилиб кетади. Эгамчўлоқ сойининг энг юқори қисмида 3 та ғор учрайди ва бу ғорлар уни биринчи топиб ичига кирган одам исми билан Бойқобил, деб аталади. Улардан иккитаси 18 ва 21 метр узунликда. Лекин шарқий қисмидаги ғор ўзининг улкан заллари, ноёб тош гуллари, ер ости дарёси билан киши ақлини лол этади. Ғор гипсда ривожланган бўлиб, 1935 метр абсолют баландликда жойлашган. Сой тагидан тик қояга чиқилса, анча баландликда 2 метр баландликдаги тирқишга кўзингиз тушади. У ичкари борган сайин торайиб боради ва баъзи бир жойларидан эмаклаб ўтишга тўғри келади. 7

метрча юрилгандан кейин эса у кенгайиб, баландлиги 10 метр, узунлиги 16 метр келадиган залга айланади. Зал ичидаги сукунатни фақат кўршапалакларнинг чириллаши бузиб туради. Уни бир мунча айланиб ўтилгандан сўнг 2 метр баландликда жойлашган, одам зўрға эмаклаб кира оладиган тирқишга дуч келинади. Тирқишдан эмаклаб ўтиш билан акс садо қаерларгадир йўқолиб кетадиган, киши ақлини лол қилувчи улкан залга чиқилади. Абадий сукунатни ер қаъридан келаётгандай, шалдираб турган сув товуши бузади. 22 метрча юрилгандан кейин суви муздек ер ости дарёси учрайди. У абадий қоронғулик ичида қаерлардадир шошилиб оқади. Дарё қирғоғида диаметри 6 метрга етадиган улкан гипс бўлаклари бор. Дарё ўзани бўйлаб ғор ичига интиламиз. Ҳар қадамда улкан харсанглар учраб, юришга халақит беради. Юқоридан, ғор шифтидан чаккиллаб сув томчилари томиб туради. Дарёнинг чап қирғоғидаги ғор полининг ва деворнинг бир қисмини майда гулларга ўхшаб кетувчи сталагмитлар қоплаган. Мингларча майда, гулсимон сталагмитлар бир-бирига чалкашиб кетган ва бир неча квадрат метр майдонда нақкош табиат йўнган, такрорланмас гўзал безаклар ҳосил бўлган. Бу жонсиз, ҳидсиз гулзордан ўтилгандан кейин 90 мертча дарё ўзани бўйлаб юрилса, сув отилиб чиқаётган тирқишга дуч келинади. Сув сатҳи билан тирқиш шифти орасида 20 см ча оралиқ бўлиб, у ердан фонар ёруғида ғорнинг узун йўлаги кўринади, лекин сув сатҳи баланд бўлгани боис ўтиш қийин. Эҳтимол, ёзнинг иссиқ пайтида сув сатҳи пасайиб, бу ердан ўтиш имконияти туғилар.

Бойқобил ғори ўзининг чексиз йўлакларини ўрганувчи жасур сайёҳларни кутмоқда.

Амир Темур ғоридан бир неча километр шимоли-шарқда, Қизилдарё водийсида ҳар бирининг узунлиги 68 метрли Гул ва Мансур ғорлари бор.

Зармас қишлоғидан 2,5 километр жануби-ғарбда жойлашган Сувўтар ғори Кўкабулоқ ғорига ўхшаб кетади. Бу ғорга Кўкабулоқ қишлоғидан шимоли-шарқига кетган Мингчуқур довони ва Қизилтом қишлоғи орқали ўтувчи йўл билан борилади. Мингчуқур довонида ажойиб карст воронкалари ландшафтини кўришингиз мумкин. Бу квадрат километр атрофидаги "карст

даласи" шу даражада ўйдим-чуқур бўлиб кетган-ки, унинг юзасида 2 мингга яқин воронкаларни санаш мумкин. Қизилтом қишлоғидан 4-5 километр шарқда 35 метр узунликдаги Искандар ғори бор.

Қуруқ сойнинг давомини маҳаллий аҳоли ўртасида Сувўтар номи билан танилган ғор ичидан топамиз. Ғор икки қисмдан иборат бўлиб, бошланиши ёруғ ва қуруқ, ичкарига нишаб кетган катта залдан иборат. Унинг узунлиги 40 метр, эни 25 метр, баландлиги 8-12 метр. Ғор оғзига қарама-қарши деворда ер юзидаги воронка билан боғланган тешик бор. Залнинг шимоли-шарқий бурчидан унинг иккинчи 290 метрлик коронғулик, илон изи йўлакдан иборат қисми бошланади. Йўлакнинг эни 5 метрдан 12 метргача, баландлиги эса 5 дан 1 метргача ўзгариб боради, саҳнидан ер ости жилғаси оқиб ўтади. Жилға ғор сўнгида қулаб тушган йирик тошлар орасига кириб ғойиб бўлиб, бир неча метрдан сўнг яна ер юзига чиқади. Жилғанинг охирги қисмини маҳаллий аҳоли Охиргисой, деб атайди. Маълумотларга кўра, Зармас қишлоғи атрофида Сувўтарга ўхшаш ғорлар бир нечта бўлиши мумкин. Қишлоқнинг шимоли-ғарбидаги оҳактош қояларда 10 метрдан 80 метргача узунликка эга бўлган шаклдаги бир неча ғор бор.

Лангар - Тошқўрғон маршрути бўйлаб ер остига қилинган саёҳат Лангар водийсининг Лангар қишлоғи яқинидаги Ховари Калон ғорига кириш билан тугайди. Бу ғор сув айирғичга яқин жойлашган бўлиб, узунлиги 41 метр, кенглиги 16-9 метр ва баландлиги 15-18 метр бўлган ер ости бўшлиғидан иборат. Унинг саҳнини қалин мол гўнги қоплаб ётади. Ички деворларнинг айрим қисмлари ва саҳнида оз миқдорда мўмиёнинг зогх ва мўмиё асил турларини учратиш мумкин (11 с. 9-10).

ТОШ ТУЯЛИ ҒОР

Тош туяли ғор. Баъзи бир ғорларда табиат ҳайкалтарошлик санъатини намоён этади. У миллион йиллар давомида аста-секин ўз шакли билан инсон ёки ҳайвонларга ўхшаш ҳайкаллар ясайди. Бу ҳайкаллар ер ости залларининг ҳар ер - ҳар ерида жойлашиб,

гўё моҳир ҳайкалтарошлар ўз асарларини намойиш этаётган кўргазмаларга ўхшаб туради. Республикамиз территориясида ҳам бундай табиат мўъжизалари анчагина бўлиб, улардан бири Жануби-Ғарбий Ҳисорнинг бир тармоғи ҳисобланган Сувсизтоғда жойлашган "Тош туяли ғор" дир.

Маҳаллий аҳоли ўртасидаги афсоналарга кўра, бу ғор сеҳрли бўлиб, унга кирган одам гуноҳкор бўлса, кирган заҳотиёқ тошга айланиб қоларкан. Қадимда гуноҳкор бир хотин туяси билан ғор ичига кириб тошга айланган ва шундан бери ғор Уштурсанг ота, яъни "Тош туяли ғор" деб аталаркан.

Тош туяли ғор Сувсизтоғ ён бағрида амфитеатр шаклидаги кичик бир майдонча ўртасида жойлашган. У доира шаклида бўлиб, диаметри 20-22 метр. Ғорнинг шифти гумбаз шаклида бўлиб, баландлиги 6-8 метргача боради. Ғорга узун тор йўлакдан ўтилади. Йўлакнинг баландлиги 70 см дан 1 метргача, узунлиги эса 3 метр келади. Йўлакнинг чап тарафида ликопча шаклида кичик чуқурча бўлиб, ичи шифтдан томган сув билан тўлган, атрофида занглаган эски тангалар сочилиб ётибди.

Ғор саҳни зинапоя шаклида кўтарилиб боради. Кирган кишининг диққатини зал ўртасидаги бир ярим метр баландликдаги харсанг тош ўзига тортади. У шакли билан худди чўзилиб ётган туяни эслатади. Ғорнинг чап бурчагида бола кўтарган аёл шаклидаги тош бўлаги туради. Буларни кўрар экансиз, беихтиёр ғор ҳақидаги афсона ёдингизга тушади. Албатта, ғор афсонадагидек сеҳрли эмас. У карст ҳодисаси натижасида ҳосил бўлган. Зал ўртасидаги туя ва чеккасидаги аёл ҳайкали ҳам табиат наққошлигининг бир намунасидир (12с.51-52).

Авлиё ғори. Дарбанддан кейинги узоқ давом этадиган кўтарилишдан сўнг йўл тепаликка чиқади. Чап тарафга йўл ёқасида чўзилиб кетган тик ёнбағирли Кетмончопти тизмаси қаршисида эса Бойсун ҳавзасига тик тушувчи йўл бор. Бу тепаликдан бутун ҳавза кафтдагидек, аниқ кўриниб туради. Узоқрокда кўм-кўк орол шаклида Бойсун кўринади. Уни қизғиш рангли тепаликлар халқадек ўраб олган бўлиб, уларнинг ёнбағирларини мевали боғзорлар, пахтазорлар эгаллаган. Ўнг тарафда чуқур жар ва унинг ёнбағирида нураш натижасида

қумтошларда ҳосил бўлган хилма-хил шаклдаги тепачалар учрайди, уларнинг бири кичик қасрчага ўхшаса, бири шоҳсупага, бири тик қояга ўхшаб кетади.

Айтишларича, "Тангимуш ота"- авлиё бўлган экан. У кишининг табаррук дуоларини олган ҳар қандай бемор, кўп вақт ўтмасдан дардидан холос бўлар экан. Бу киши ўзларининг сўнгги вақтларини Бойсундан унча узоқ бўлмаган жойдаги бир ғорда ўтказибдилар. Айтишларича, бу ғорга у кишининг назарлари тушгани сабабли ҳам азиз жойга айланиб, Тангимуш ота ғори, деб атала бошлабди. Ҳозир ҳам кимки астойдил у ғорга сиғиниб борса, ўз дардидан холос бўлар эмиш.

Олдинда яна Шеробод – Сариқамиш тоғ тизмасига кирувчи баланд тепаликлардан бири бўлиб, унинг ўртасини номаълум сой суви қирқиб ўтиши натижасида бу жой девордаги улкан кемтикдай очилиб қолган. Бу кемтикнинг чап тарафида, сой сувидан бир неча метр юқорида кичик бир уйча бўлиб, уйчадан юқорирокда эса олдига оқ латталардан олабайрок тақилган ғор оғзи қорайиб туради.

Уйчада сон-саноқсиз қозон, лаган ва қошиқлар тартиб билан териб қуйилган. Айтишларича бу ерга келган зиёратчилар ўзлари билан олиб келинган қўй ёки молни Тангимуш отага авлиёсига атаб сўйиб назр қилишгач, уни шу ерда пиширишаркан.

Ғор оғзи сой юзидан 20 метрча баландликда жойлашган бўлиб, олдида туғ осилиб туради. Кириш қисми учбурчак шаклида бўлиб, баландлиги 1,4 метр, кенглиги 1,4 метр. У шу ҳолда 2 метрча чузилган, баландлиги 80 см гача пасайиб боради. Шундан кейин ғор баландлиги 8 метрга етадиган улкан залга айланади ва 70 метргача чўзилади. Ғорнинг сатҳи қурук лой билан қопланган бўлиб, баъзан яхлит оҳактош қатламлари ҳам чиқиб туради. Шифтдан эса оғир оҳактош бўлаклари осилиб туради. Залнинг охирида ғор торайиб, кичик бир туйнукчага айланади ва ундан фақат эмаклаб ўтиш мумкин. Бу туйнукдан кейин ғор кенгайиб доира шаклидаги иккинчи залга ўтилади. Залнинг диаметри 10 метр. Бу залдан кейин яна бир туйнук келади, ундан ўтилгандан сўнг 20 метр узунликда, эни 9 метр ва 2 метр баландликдаги учинчи залга кирилади. Шу зал билан ғор тугайди. Бу зал

деворларида ойнага ўхшаб ялтировчи гипс қатламлари бор. Ғорнинг умумий узунлиги 107 метр атрофида. Ғорда одам яшаганлигини билдирувчи изларни топишга бўлган барча уринишларимиз бехуда кетган. Бу ғорда авлиё эмас, ҳатто одам изи ҳам учрамайди.

Тангимуш ота ғорининг ички қисмларидан доимий ҳарорат, нам микроиқлимдаги айрим хусусиятлар баъзи касалликларга ижобий таъсир этиши натижасида беморлар тузалган ва бу жой авлиё ғор номини олган бўлиши мумкин.Ана шу белгилар аниқланса, ғордан келгусида санаторий сифатида фойдаланса бўлади.

Хўжа Гургур ота ғори. Тик ёнбағри жануби-шарққа қараган Гургур ота тоғида афсонавий Хўжа Гургур ота ғори жойлашган. Ғор элда азиз зиёратгоҳ ҳисобланиб, унга борган ҳар бир зиёратчи тошлардан қабрсимон тепачалар ясашади. Ғорга чиқиш анча машаққатли бўлиб, тоғ йўлларидан 25 км. гача юришга тўғри келади. Ғор оғзи 3325 метр абсолют баландликда жойлашган бўлиб, учбурчак шаклда, баландлиги 1,5 метр, кенглиги 4 метрга етади. Ғор ичи кириш қисмидан кескин кенгайиб кетиб, баъзи жойларда баландлиги 8 метрдан ошиб кетади. Ғор шифтида ва деворларида майда сталактитлар бўлиб, уларнинг узунлиги 2-3 см. дир. Ғорнинг ичида 107 метрга етганда сувининг ҳарорати 1,5 градусга тушган кўл бор. Ғор ичидаги ҳаво ҳарорати эса шу жойда 9 градусгача пасаяди. Текширишлардан маълум бўлди-ки, бу кўл ўрнида булоқ қайнаб чиқиб ётади ва ғор ичкарисига йўл бор. Бу жойдан ўтгандан кейин ғор яна 600 метргача давом этади ва бир неча тармоқларга бўлиниб тамом бўлади.

Хўжа Гургур ота ғорини мажмуавий ўрганиш ўз кузатувчиларини кутмоқда, келгусида ғордан туристик объект сифатида фойдаланиш мумкин.

Ибтидоий одам макони. Катта ўзбек тракти бўйлаб юриб борар экансиз, Шўроб қўрғонига етмасдан чап тарафда Мачай, деб ёзилган оддий йўл кўрсатгичи намоён бўлади.

Мачай қишлоғига киравершда ингичка тор сой бор. Бу бир вақтлар ибтидоий одам яшаб, ов қилган жой – Зауталашсойдир. Ҳозир ҳам сой тагида тез-тез ёввойи чўчқа, тоғ какликлари, эчки

излари учраб туради. Зауталашсойда жуда кўплаб ғорлар бўлиб, улар ичида энг машҳури Тешиктош ғоридир. Бу ғорда академик А.П.Окладников 1939-йилда хилма-хил ибтидоий одам қурол-яроғлари ва 9 ёшар боланинг калла суягини топган.

Бу ғор анча кенг бўлиб, баландлиги 7 метр, узунлиги 21 метргача етиб боради. Ғор сатҳида археологлар қазув ишлари олиб боришганда, унда хилма-хил ибтидоий одамлар томонидан ясалган тош қуроллар – нукелиуслар бор. Бу қуроллар билан бир қаторда йўлбарс, суғур суяклари, сибир эчкисининг шохи топилган. Аллақачон Ўрта Осиё территориясидан йўқолиб кетган ёввойи от қолдиқлари эса бир вақтлардаги бу ер фаунасининг бирмунча бойлигидан далолат беради. Бу суяк қатламининг қуйи қисмида калла суяги, айниқса, яхши сақланган ва бу суяк асосида 200 минг йиллар илгари тарихчилар тарафидан мустьер, деб аталган даврда яшаган неандертал одам ташқи қиёфаси қайта ишланган. Неандертал одам типи кейинчалик ҳозирги замон одамига айланган. Бу топилмани ер шарининг бошқа қисмларида топилган неандертал одам қолдиқлари билан таққослаш шуни кўрсатади-ки, узоқ даврларда яшаган бу типдаги одамлар ер шарида жуда кенг тарқалган ва бир-биридан деярли фарқ қилмаган.

Бўри уяси. Сурхонтоғнинг шимоли-ғарбий ёнбағри билан келар эканмиз Қозонгузар сойидан 40 метрларча баландликда қорайиб турган ғор оғзига кўзимиз тушди. Анча машаққатлар билан бу жойга кўтарилганимизда, кенглиги 2,5 метр, баландлиги 1 метр келадиган ғор оғзига дуч келдик. Ғор йўлаги шимолдан жанубга томон чўзилиб кетган. Ичкарига кирилган сари у анча тиклашиб боради. Ғорда майда ҳайвоннинг сарғайиб кетган тиши, сал нарида кўй қовурғаси, унинг атрофида эса йирик қорамол тиши, от туёғи қолдиқлари учрайди. Йўлак 91 метрга етганда, одам сиғиб бўлмайдиган тор тирқишга айланади. Ён тарафларда ҳам бир неча шундай тор каваклар мавжуд.

Ғорнинг шарқ тарафга кетган 30 см. кенгликдаги ёриғига кўзимиз тушди. Ичкарига кирилганда у бирмунча кенгаяди ва 4 метрча давом этиб, кутилмаганда шакли билан биринчи ғор

йўлагига ўхшаб кетувчи йўлакка чиқдик. У ҳам шимолдан жанубга биринчисига параллел ҳолда чўзилиб кетганди.

Олачопон қишлоғидаги бу ғорнинг номи Дўлтабўрихона бўлиб, гўёки унинг ичи бўрилар уяси, деб таърифланган (13с.18-26).

Жанубий Ўзбекистон Қашқадарё вилоятидаги Китоб геологик қўриқхонаси майдонида ҳам бир неча ғорлар учрайди.

Камари Донимозор. Жаус қишлоғидан 1 км. шарқда, Жиннидарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Гипсометрик сатҳи Жиннидарёдан 10 метр, денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда. Асосан палеозой эраси, девон даври, модмон свитасидаги оҳактошларда ривожланган. Ғорнинг кириш қисми жанубга қараган, арксимон шаклда. Баландлиги 6 метр, узунлиги 12 метр, чуқурлиги 6 метр. Ғор деворлари нураган ва усти шох билан қопланган. Ғорнинг қуйи қисми қуруқ тупроқдан ташкил топган ва ҳайвонларнинг гунги билан қопланган. Ғор маҳаллий аҳоли томонидан ҳайвонларни сақлаш учун фойдаланилган.

Камари Дониқўрғон -1. Жаус қишлоғидан 1 км шарқда, Жиннидарё ўнг қирғоғида жойлашган. Дарё сатҳидан 30 метр, денгиз сатҳидан 1620 метр баландликда жойлашган. Палеозой эраси, девон даври, модмон свитаси оҳактошларида ривожланган. Ғор деворлари ёриқлар ёрдамида бўлакларга бўлинади. Кириш қисми ғарбга қараган ва қуруқ сойнинг чап қирғоғидаги тепачада ўрнашган. Таги қуруқ, тупроқ қатлами билан қопланиб, чап томонида тош бўлаклари йиғиб қўйилган. Ғор оғзи баландлиги 3 метр, чуқурлиги 3,5 метр, эни 5 метрдан кўпроқ.

Камари Дониқўрғон – 2. Жаус қишлоғидан 1 км шарқда, Жиннидарё ҳавзасидан 3 метр баландликда, автомобил йўли ёнида жойлашган. Палеозой эраси, девон даври, модмон свитаси оҳактошларида шаклланган. Ғорнинг қуйи қисми 1 метр баландликкача монолит, юқориси кучли бўлакланган бўлиб, 5 см ли ёриқлар ғор деворларида мавжуд. Кириш қисми баландлиги 2,5 метр, чуқурлиги 3 метр, эни 5 метр. Ғорнинг қуйи қисми тупроқ билан қопланган.

Хўжа Қўрғон ғори. Хўжа Қўрғон сойнинг юқорисида сув айирғичга яқин жойда ривожланган. Ғорнинг умумий узунлиги 15 метрлар атрофидадир (14 с. 68).

КЎҲИТАНГТОҒ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Жанубий Ўзбекистон ва жануби-шарқий Туркманистон ўртасида унча баланд бўлмаган Кўҳитангтоғ, тоғ тизмалари жойлашган бўлиб, ҳар иккала давлат чегараси тоғнинг ўртасидан сув айирғич қисмидан ўтган. Карст жараёни кучли ривожланган, бу спелеотуристик районда юзлаб катта, кичик ғорлар учраб, у спелеолог-сайёҳлар учун энг қизиқ жойдир. Бу тоғ тизимидаги ғорлар кўпчилигини 1970-1980- йилларда шу вақтдаги Самарқанд вилояти туризм федерацияси раиси, алпинизм бўйича спорт устаси бўлган В.И.Кучерявых бошлиқ самарқандлик спелеологлар текширган.

Китобимизнинг қолган қисмида ушбу спелеогуруҳ ҳисоботининг баъзи бир қисмларидан ва фотосуратларидан фойдаланилган.

БИЗ ЖАНУБГА КЕТАЯПМИЗ

Фақат кўп тасвирланган Қора денгизга, ёки машҳур Туркиядаги машҳур Анталияга эмас. Бизнинг йўлимиз Ўзбекистон ва Туркманистон жанубидаги тоғли ўлкага, кам ўрганилган нодир табиатли, икки улкан қўшнилар, Қоракум ва Қизилқумнинг барханлари қўшилиб кетган томонга бораяпмиз.

Бу жойда Помир-Олой тоғ тизимининг таркибий қисми бўлган ўлкан Ҳисор тоғлари аста-секин пасайиб бориб, саҳрога сингиб кетади. Бундай тоғ ва саҳро учрашадиган жойда Амударёнинг ўнг қирғоғида Афғонистон чегарасида, Ҳисор тоғларининг энг жануби-ғарбий қояли тармоғи Кўҳитангтоғ жойлашган. Тоғнинг номи форсий-туркий сўзларнинг қўшилишидан пайдо бўлиб "тор дарали тоғ" деган маъно беради ва хақиқат дан ҳам номига мос тушиб кўкка интилаётган Ҳисор тоғларининг жанубий текислик олдидаги даралар билан парчаланган сўнгги тўлқини ҳисобланади. Машҳур "Келиф дарвозаси"нинг салобатли қояларини Амударё сувлари ювиб турган кечув жойида дарё ҳавзаси тораяди. Бу кечув асрлар давомида Мовараунаҳрни Хорасан ва ундан узоқлардаги ўлкалар билан боғлаб турувчи Амударёнинг энг қулай кечув жойи

бўлган. Бу кечувдан Тўронга от қўйган Эрон Ахмонийлари ва Искандар Зулқарнайн кечиб ўтган. Бу жойдан Ҳиндистонга қараб йўл олган Амир Темур ва Бобурлар от солиб ўтишган. Табиат томонидан пичоқ билан кесиб яратилгандай тўғри бурчакли учбурчак шаклига киритилган Кўҳитангтоғ Ўрта Осиёнинг баланд тоғларига кирмайди. Унинг энг баланд қисми ҳисобланган Айрибобо чўққиси, денгиз юзасидан атиги 3000 метрдан озроқ баландликда жойлашган. Шу сабабли бу тоғда муз қопланган чўққилар, кўллар ва ҳайқириб оқаётган тоғ дарёларини учратмайсиз. Кўҳитангтоғ қуруқ субтропиклар минтақасида жойлашгани учун, йил давомида иссиқ бўлиб туради, ёмғир камдан кам ёғса, қор кўчкилари деярли бўлмайди. Ноябр ойида дарёда чўмилиш мумкин ва кечаси оддий чодирда совқотмайсиз. Баҳор эса эрта келади, феврал ойининг ўрталари кўкламнинг биринчи белгилари пайдо бўлса, апрел ойида ёзнинг белгилари пайдо бўлади.

Гўзаллиги билан Кўҳитангтоғ Алп туманиларидан кам фарқ қилади. Паст бўлса-да, жуда тик бўлган довонлари махсус асбоб-ускунасиз чиқиб бўлмас жойга айланади, улкан даралари эса афсонавий даражада чиройли ва салобатлидир. Қояли ёнбағирларини ёркин рангли арчазор, пистазор ва бодомзорлар қоплаган. Ҳайвонот дунёси ҳам ранг-баранг ва гўзалдир. Ёнбағирлар бўйлаб ёввойи эчки, тўнғизлар, қушлардан каклик сайраши кўп учрайди. Осмонда бургутлар парвоз этади... Лекин Кўҳитангтоғнинг энг кўп таркалган ва бетакрор бойлиги, ундаги кенг тарқалган карст формаларидир.

«Карст» бу илмий жумла бўлиб, эрувчан тоғ жинсларининг эриши натижасида ҳосил бўлган тоғ ёнбағирларидаги воронкасимон чуқурликларни, кенг ўпирилмаларни, чуқур кудук ва шахталарни, майда ва йирик булокларни, қоялар устидаги "тош тиртиқлар"- каррларни ва ниҳоят ер остидаги бетакрор ва гўзал ер ости олами - ғорларни тушунамиз. Кўҳитангтоғда ғорлар сони жуда кўпдир. Улардан юздан ошиқроғи ҳозирча ўрганилган. Бу бетакрор гўзалликни ўрганиш учун соҳа мутахассислари карстшунос олимлар, ҳамда уларнинг ёрдамчиси спортчи спелеологларнинг кўп йиллик ва тинмас меҳнати лозим бўлади. Бу

иш фақат яқиндагина бошланди. Шулар қаторида бирмунча кечикиб бўлса ҳам табиатнинг нодир маҳсулоти бўлган ғорларни ҳимоя қилиш чоралари ишлаб чиқилган ва улар кўпчилиги жойлашган майдон давлат геологик кўриқхонасига киритилган.

Ғорлар инсон ҳимоясига муҳтож. Қачон-ки, инсон табиатнинг нодир маҳсулоти бўлмиш ер ости гўзаллигига муҳаббат билан қараб, ҳимоя қилолсагина, бу бетакрор олам сақланиб қолади. Ер остидаги ҳар хил шаклдаги девор ўсимталари тош ўрмон ва сталактитлар, хилма-хил тош дарпардалар ва тошга айланган шаршаралар нодир ва қайта тикланмасдир. Ер остидаги гўзаллик гўёки ер устидаги табиатнинг тошга айланган ва ҳаракатсиз шаклидир, умуман олганда ҳар бир ер ости шакли бу охиригача ечилмаган табиатнинг сиридир.

Инсоннинг кириб бориши ер остида яширинган бу гўзалликнинг "кайфиятига" оғир таъсир этади. Бунинг устига сайёҳларни ниманидир синдириш ва эсдаликка олиб кетиш кайфияти бўлса, бундай ғорларнинг тақдири тез орада "ҳал бўлади".

Ўрта Осиё мисолида кўплаб бундай мисоллар келтириш мумкин-ки, бетакрор гўзал ғорлар, сиз ва бизни айбимиз билан ер остидаги ахлат қутисига айланган. Бу тақдирдан машҳур Омонқўтон ғори, Амир Темур ғори, Ўрта Осиёдаги ягона кон-ғор Кони-гут, Помир-Олойнинг энг чуқур шахтаси Қирқтоғ ва таърифимиздаги ғорлардан Хошимайик, Қоп-Қўтон, Ажина-камарлар қутула олмади. Ғорлар гўзаллигини сақлаб қолишни фақат давлат иши, деб ўйлаш хато бўлади. Гўзалликни сақлаш сиз ва бизнинг, ер ости гўзаллигини ўрганувчиларнинг иши бўлиб, қалбида табиатга нисбатан истеъмолчилик кайфияти эмас, ҳақиқий муҳаббат бўлиши керак. Чунки, табиат шу вақтгача бағридаги барча ҳосилларни бериб, ўзи ҳимоясиз қолиб кетди. Қадимий халқ донолигида бир ҳикмат бор: бир одам из қолдиради, ўн одам йўл, юз киши эса саҳро. Келинглар, афсонавий ер ости қасрларида саҳролар пайдо бўлмасин.

НОДИР ГЎЗАЛЛИК САРИ

Спелеология табиий фанлар ичидаги "ер ости тармоғи" ҳисобланади. Ташқи оламдан яширин бўлган сайёрамиз ички қатламларида юзлаб ва минглаб йилларга чўзилувчи мураккаб жараёнлар боради. Бу қатламларда кўплаб тоғ жинслари нурайди ва янгилари пайдо бўлади, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот олами шаклланади. Бу жараёнларнинг барчаси қуёш нури таъсирисиз бўлгани учун кўпчиликка одатдан ташқаридай бўлиб кўринади. Ер ости гўзаллиги карст жараёни натижасида пайдо бўлган. Бу жараён ер курасининг кўп қисмида тарқалган бўлиб улар тўрт хил шароит:

а) эрувчан тоғ жинслари; оҳактош, гипс, тош тузи ва ҳоказолар мавжудлиги;

б) уларни ҳар хил келиб чиқишга эга бўлган ёриқлар билан бўлакланиши;

в) бу ёриқларда сув айланиши;

г) сувлар ис газига тўйинган бўлиши керак.

Карст сўзи- Югославиядаги карст тоғлари номидан олинган ва ўша жойда биринчи марта ўрганилгандир. У асосан, сув ер остидаги ўзига хос олам пайдо бўлишининг асосий сабабчисидир. Ғорларни текширувчи машҳур Француз спелеологи Норбер Кастере айтганди: «Биз шунга аниқ ишонамиз-ки, ер ости оламини яхши билмаймиз". Ҳақиқадан ҳам бу олам XXI аср бошида ҳам биз учун нотаниш ва бегонадир. Ҳозирги вақтда бир қисм карстшунос олимлар ва спелеолог спортчиларнинг меҳнати натижасида бир қатор муваффақиятларга эришилган бўлса ҳам, ер қаъри ўз сирларини ғоят эҳтиёткорлик билан очмоқда.

Спелеология- фанлар ичида энг кексасидир. Бу фаннинг асоси минглаб йилларда ётиб, бошланиши совуқдан ва душманлардан қочиб юрган ибтидоий одамнинг ер қаъридаги ғорларни ўрганишидан бошланди. Ҳозирги одамларга маълум ғорларнинг учдан бири ибтидоий одамга ватан бўлиб хизмат қилган. Ибтидоий одам ғорни уй қилиб олишдан олдин уни ўрганган, деворлари ва полининг мустаҳкамлигини синаб кўрган, ичишга яроқли сувни излаб топган, гоҳида эса хавфли қўшниларини ғор

айиғи ёки чиябўриларни қувиб чиқарган. Неандертал одам эҳтимол ғорда биринчи марта олов ёққан ва ундан фойдаланишни ўрганган. Айрим ғорлар ибтидоий одамлар учун уй сифатида юзлаб ва минглаб йиллар хизмат қилган. Ғорлар улар учун ҳам ошхона, ҳам ишхона ва ҳатто мақбара бўлиб ҳам хизмат қилган. Инсон учун хизмат қилувчи ғорлар ва умуман барча карст шаклларини пайдо бўлиш сабабини тушуниш учун Кўҳитангтоғ бағрига сингиб кетаётган жала ичидаги бир томчи ёмғир суви билан тоғ қатламлари ичига кириб сайр этайлик.

ТОҒ ҚАЪРИДАГИ ҚАСРЛАР ВА БЕЗАКЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Ғорлар ўзининг пайдо бўлиши билан икки турга - сунъий ва табиий турга бўлинади. Ғорларнинг сунъий пайдо бўлиши, асосан инсон фаолияти таъсирида, яъни ер тагидан маъданларни кўп йиллар давомида қазиб олиниши натижасида ер остида улкан йўлаклар, заллар ҳосил бўлади. Бундай ғорларни Кўҳитангтоғ ғарбий ёнбағрида кўриш мумкин. Ғорларнинг табиий пайдо бўлиши эса асосан, эрувчан тоғ жинслар оҳактош, даломит, гипс, ангидрит ва туз тарқалган ерларда сув таъсирида пайдо бўлади ва бу жинсларни геологияда карстланувчи жинслар, деб аталади. Эрувчан тоғ жинслари мавжуд жойларда ғорлар пайдо бўлиши учун бир қанча шарт-шароит мавжуд бўлиши шарт. Яъни эрувчан тоғ жинслари орасига сув кира олиши учун унда майда ёриқлар бўлиши, иккинчидан, бу жинсларни эриши учун сув ҳарорати юқорилиги ва улар ис газига тўйинган бўлиши, учинчидан, бу сувлар шу ёриқларга сингиши, тўртинчидан сувни сингиб кетиши учун бу жинслар қалинлиги катта бўлиши керак. Юқоридаги шароитлар мавжуд бўлгандагина эрувчан жинслар бағрида улкан табиий ғорлар бунёд бўлади ва бу жараён илмий адабиётда "карст" деб аталади. Карст жараёни натижасида, фақат ғорларгина пайдо бўлиб қолмасдан, бошқа рельеф формалари ҳам пайдо бўлади.

Кўҳитангтоғда карст ғорлари пайдо бўлиши учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, бу ерда карстланувчи тоғ жинслари

оҳактош, даломит, гипс, туз қатламлари эгаллаб ётади. Территорияда йил давомида 790 мм га қадар ёғингарчилик бўлган жойлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми илиқ фаслларда баҳор ва кузда ёғади. Бу сувларнинг карстланувчи жинслар бағрига етиб бориш учун ҳам шарт-шароит мавжуд. П.У.Аҳмедов маълумотига қараганда, баъзи жойларда ер юзининг 1 пог. метр жойида 40 га яқин майда ёриқлар мавжуд экан. Карстланувчи тоғ жинсларининг қалинлиги эса баъзи жойларга бир неча юз метрни ташкил этади. Биз рисолада асосан, табиий йўл билан карстланувчи тоғ жинсларида ҳосил бўлган карст ғорлари ҳақида ҳикоя қиламиз. Эрувчан тоғ жинслари бағрида сув ғорлар билан бирга хилма-хил ўсимталар сталактит ва сталагмитлар ҳосил қилади. Сув доналари ер бағрига сингиб борар экан, бу жинсларнинг бир қисмини эритиб уларни ўзи билан олиб бориб, уларни хилма-хил ҳажмдаги ҳайвон шаклларига, гул шаклига ўхшаб кетувчи ўсимталар ҳосил қилади.

БИР ТОМЧИ СУВ ИЗИДАН

Ҳаммамиз ҳам ёшлигимизда ўқитувчимизнинг бир томчи сув саёҳати, унинг буғ бўлиб ҳавога учиши, булутга қўшилиши, ёмғир шаклида ерга тушиши, ер тагига сингиб ва ундан булоқ шаклида яна ер юзига чиқиб, дарё ва денгизга қўшилиши билан боғлиқ табиатдаги сув айланиши ҳақидаги ҳикоясини ҳаяжонланиб тинглаганмиз.

Бу ғорларни пайдо бўлиш сабабларини янада батафсилроқ тушуниш учун бир томчи сувнинг ер остидаги саёҳатини кўздан кечирамиз. Бунинг учун табиатдаги сув айланишининг фақат бир бўлагини- бир томчи сувнинг ер остига сингиши ва унинг булоқ шаклида ер юзига чиққанига қадар даврни оламиз.

Биз бир томчи сув билан сеҳрли ер ости оламига тушамиз ва унинг қаъридаги одатдан ташқари ҳодисаларни кўриб ҳайратланамиз ва «сайёҳ» сувимизнинг ер остидаги узоқ йўли давомида яратган мўъжизакор «ишларини» томоша қиламиз.

Ёмғир ёғмоқда. Сув томчилари ер юзига тушмоқда ва бир-бирига қўшилиб кичик ирмоқлар шаклида ер юзининг ҳар

тарафига сачрамоқда. Ирмоқларнинг бир қисми тоғ ён бағирлари бўйлаб оқиб, ариқлар ҳосил қилади. Шу ернинг гидрологик жараёнига қўшилиб дарёга ёки кўлга қўшилади. Ёмғир сувининг тахминан учдан бири яна парланиб кетиб булутларга қўшилади ва ниҳоят ёмғир сувининг учинчи қисми ер қаърига сингади.

Ер юзининг оҳактошли жинсларидан ташкил топган ерларида эса ёмғир сувлари анча катта ҳажмда, баъзан эса бутунлай ер қаърига сингади. Бутун ирмоқлар ва ҳаттоки дарёлар ер юзининг ёриқларига сингиб кетади. Шу сингари карст ўлкаларига хос бўлган сувнинг бутунлай сингиб кетиш ҳодисаси кўпинча тоғли жойларда кўп учрайди ва кишилар ақлини лол қилиб келади.

Кейинги вақтларда ўтказилган кўп сонли текширишлар натижасига суянган ҳолда биз бу сувлар қандай ҳолда ер ички қатламларига кириб боришини, бу ерларда унинг циркуляцияси қандай бўлишини, унинг қай ҳолда ўзига жинсларни эритган ҳолда ер ости йўлаклари бўйлаб олға интилишини тасаввур қиламиз. Ҳозирги вақтдаги мавжуд бўлган ғорлар асосий қисмининг пайдо бўлишига ер ости сувлари сабаб бўлганлигидан биз бу ер ости карст жараёнларида ер ости сувлари ишининг улкан маҳсулотини кўрамиз. Лекин биз ҳозир диққатимизни тоғлардан ошиб келиб ўзининг кучли оқимларини ер остидаги зим-зиё йўлакларга олиб кириб кетувчи дарёларга қаратмаймиз. Бу ҳақда кейинги бобларимизда бир мунча батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Биз ҳозирча томчи-томчи шаклида ер остига сингиб кетаётган ёмғир доналарини кузатамиз. Олдин у тупроқ устки қаватларини кесиб ўтади ва қаттиқ қатламларига етиб боради. Ва мана шу ердагина унинг ажойиб ва ғаройиб саёҳати бошланади.

Булутлардан ерга ва тупроқ устки қатламидан ўтаётганда, ёмғир томчилари ис гази билан тўйинади. Бундай тўйинган сув томчилари оҳактошли карстланувчи жинслар орасида циркуляция ҳосил қилиб айланар экан, бу жинсларнинг жуда кичик бир қисмини эритади ва ўзи билан олиб кетади. Бу ёмғир томчилари майда ёриқлар билан кунлар, ойлар ва ҳатто йиллар давомида пастга силжийди ва ер ости ғорлари шифтигача етиб боради ва ундан сизиб ўтади. Бу ерда ғорлардаги ҳаво билан тўқнашган сув томчиларининг бир қисми буғланади ва у бир мунча қуюқлашади.

Кейин бу томчилар оғирлашган ҳолда шифтда микроскопик эриган оҳактошлар қисмини қолдиради ва улар давр ўтиши билан кристаллашади. Ғорнинг тагига томган томчилар майда-майда қисмларга бўлиниб, сочилиб кетади ва улар ҳам вақт ўтиши билан кристаллашувчи оҳактошнинг микроскопик қисмларини қолдиради.

Сув томчиларининг йиғилишида карстланувчи жинслар орасида майда-майда ёриқлар бир вақтда сув томчиларини йиғиш ва ғор деворининг бир қисмига йўналишида катта рол ўйнайди. Бу томчиларнинг ёриқлар орқали бир йўналишда минг-минг йиллар давомида томиши натижасида, ғор шифтларида ва тагида сумалаклар шаклидаги формация ташкил қилади ва улар сталактит ва сталагмитлар, деб аталади. Сталактитлар ғор шифтида ўсади ва ўз шакли билан эрта баҳорда тарновларда ҳосил бўлувчи муз сумалакларига ўхшайди. Сталагмитлар ғор тагида сув томчилари томган жойда ўсишади ва сталактитларга нисбатан бирмунча кенгроқ, йўғонроқ бўлади.

Агар ғорнинг тўйинган сув томчилари томаётган жойи қаттиқ тошдан иборат бўлса, улар томган жойларини бирмунча намлаб ўз заррачаларини қолдириб, сочилиб кетади ва бу ерда аста-секин оҳактошли яхлит қоплама ҳосил бўлади ва у ўз навбатида кенг ва яхлит сталагмит учун асос бўлиб хизмат қилади.

Агар ғорнинг таги аксинча, тупроқли бўлса сув томчилари томаётганда тупроқ устида чуқурча ҳосил қилади. Лекин маълум бир чуқурликда ётган сув томчилари ўзининг ўйиш қобилиятини йўқотади ва ўзлари ҳосил қилган чуқурчада йиғилиб амартизаторлик ролини ўйнайди. Аста- секин бу чуқурча ичи йиғилиб бораётган оҳактош қатлами билан тўлиб қолади ва бу ердан сталактитга қарама-қарши сталагмит ўса бошлайди.

Энди сув томчилари ғор шифтидан ёки сталагмит учидан эмас балки устун ёнларидан тинимсиз оқиб туради ва устунни оҳактошни янги-янги қатламлар билан қоплаб унинг йўғонлашишига олиб келади. Илгариги вақтларда сталактит ва сталагмитлар ёшини унинг кенглиги ва йўғонлигига қараб билиш мумкин, деб ҳисоблашарди. Лекин бундай оҳактошли қатламларнинг ўсиши бир хилда эмас.

Шунинг учун сталактит ва сталагмитларнинг маълум бир вақт оралиғида ўсишини унинг ҳажми билан боғлашга уриниш тўғридир. Ҳар хил ғорларда ва ҳаттоки, бир ғорнинг ҳар-хил залларидаги сталактитлар пайдо бўлиши ва ўсиш шароити хилма-хил бўлиши мумкин. Турли сабаблар, масалан ер устидаги ёмғирни кучи ва давом этиш вақти ҳам бу ўсимталарнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Ёмғир кўп ёғадиган жойларда оҳактош қатламларининг эриши, қуруқ ва ёмғирсиз районларга нисбатан тез боради. Сув фильтрланиб ўтаётган тоғ жинсларининг қалинлиги катта рол ўйнайди. Бу жинслар қанча юпқа бўлса ундан ўтаётган сув томчилари шунча оҳактош эритмасига кам тўйинади ва сталактитлар ривожи учун кам материал олиб келади. Иқлимнинг ўзгариши ва ёмғир ёғиши режимининг бузилиши ҳаттоки, ер юзидаги ўсимлик оламининг ўзгариши ҳам сталактитлар ривожига таъсир кўрсатади.

Ҳар ҳолда қандай шароитда бўлишдан қатъи назар қулайми, йўқми, сталактит ва сталагмитлар ўсиши асрлар ва минг йиллар давомида шаклланган. У ёки бу сталактит ва сталагмит ёшини аниқлашга уриниш бу бекорчи ишдир. Лекин, баъзи бир ҳолларда оҳактошли ётқизиқлар тагидан топилмалар топилиши уларнинг қадимийлигидан далолат беради. Масалан, агар археологлар ғор ичидаги сталагмитлар тагидан ибтидоий одамнинг чизган суратлари ёки турган жойининг ўрнини топишса, бу унинг қадимийлигидан далолат беради. Сталактитлар, сталагмитлар ва бошқа оҳактошли қопламлар кўпинча хилма-хил шаклда бўлади. Баъзи бир ғорларга умр жуда мўъжизакор фантастик тус беради. Одамларни қадимий даврлардан буён кенг ер ости ҳашамдор заллари, хилма-хил нақшлар, шакллар қизиқтириб келган. Кишилар эса ўз-ўзини бундай нақшинкор залларда қандайдир хаёлий мавжудодлар яшашига ишонтириб келган. Ҳақиқатан бу заллардаги сталактит ва сталагмитлар кўпинча ё минорага ёки саркофагга ёки Хитой пагадаларига ёки чиркка ўхшаб кетади. Ҳар бир ғорда бўлган одам уни ўзича тасаввур қилиши мумкин. Шунинг учун ғорда саёҳат қилмокчи бўлган ҳар бир сайёҳга бу шаклларни таниш предметларга ўхшатиб ном қўйишни, уларнинг ўз ихтиёрларига қўйиб бериш лозим. Энди биз баъзи бир

оҳактошли қатламларда бўлиб ер остидаги сув ва ҳаво таъсирида бўладиган ўсимталар устида тўхталиб ўтамиз.

Ер ости ғорларида сталактитлар ва сталагмитларнинг колонналар, дарпардалар, тошга айланган шаршаралар шаклидаги турлардан ташқари оҳактошларнинг яна хилма-хил ўсимталари бор-ки, уларнинг келиб чиқиши кўпинча жумбоқлидир.

Ана шундай жумбоқли ходисалардан бири – сузувчи калцит бўлиб, уни биз кўпинча ер ости кўллари устида кузатамиз ва у ҳаракатсиз сув юзини оқимтир чанг шаклида қоплаб ётади. Яқинроқ текширилганда эса бу чанг бўлмай, балки сувнинг оҳактош билан тўйинилиши натижасида ҳосил бўлган парда эканлиги аниқланади. Агар сувнинг тез буғланиши натижасида эриган оғактош кўпайса, бу қатлам тўлишади ва охирида ўз оғирлиги билан майда бўлакларга бўлиниб сув тагига чўкади. Бу ерда эса оҳактош эритмаси кристаллашиб маржон бўлаклари ёки киши ақлини лол қилувчи оқимтир, нозик – сарғиш тусдаги гулдасталар шаклига киради.

"Ой сути" деб аталмиш шаклсиз формадаги, ёпишқоқ кальцит ўзининг келиб чиқиши билан бошқа оҳактошли ўсимталардан фарқ қилади. У асосан ҳавоси сув парлари билан тўйинган ғорларда учрайди. Унинг бу шаклга киришига асосий сабаб, сув буғлари билан тўйинган ҳавонинг оҳактош эритмасидаги сувнинг парланиб кетишига ва унинг кристалланишига йўл қўймаслигидир.

Ер ости суви таъсирида пайдо бўлувчи яна бир оҳактошли шакллардан бири пизолит ёки ғор марваридидир. У илгариги вактларда қимматли ҳисобланарди, ҳозир эса қизиқарли аммо, кам учрайдиган табиат мўъжизасидан бири ҳисобланади.

Агар ғор тубида кичик ва чукур бўлмаган сув ҳавзаси бўлса ва унчалик баланд бўлмаган ғор шифтидан оҳактошли эритмага бой бўлган сув томчилари томиб турса, бу ҳавзадаги сув унинг тагидаги майда-майда қум доналарини ва тошчаларни айлантириб туради ва унинг устки қаватини оҳактош юпқа қатлами билан ўраб боради. Вакт ўтиши билан бу қатлам янада қалинлашиб, қаттиқлашиб боради ва қум доначалари аста- секин думалоқ текис ва жуда қаттиқ доира шаклига киради. Бундай шарикчалар ўса бориб кабутар тухумчаларидек катта бўлиши мумкин.

Кейинчалик оғирлик ўсиши натижасида у сув тагига чўкиши ва ҳавза қирғоқларига ёпишиб қолиши мумкин.

Агар шундай ғор марвариди тенг иккига бўлинса, унинг марказида бу марвариднинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлган қум донасини кўриш мумкин. Яна бундай бўлинган вақтда унинг марказидан кетган йиллик ҳалқалар шаклидаги тенг бўлакларга бўлинган ҳалқачаларни кўриш мумкин.

Кўпинча ғор марваридлари сутранг бўлади. Лекин улар ичида оппоқ ялтироқ, чиннисимонлари ҳам учраб туради. Баъзи бир ғорларда худди ер тортиш кучига бўйсунмагандек мўъжизали тарзда ғор тарафга чўзилган сталактитлар учрайди ва улар эксцентрик, деб аталади.

Тузилиши ва кимёвий таркиби билан бу сталактитлар оддий сталактитлардан фарқ қилмайди. Лекин уларнинг бундай ўсишига сабаб бўлган кучлар бизга номаълум. Жуда ингичка ипсимон шаклда улар шифтдан полга томон осилиб келади, спирал шаклга киради, ёки ёнидан тармоқлар чиқариб ёнидаги сталактитлар билан бирлашади ва тўсатдан кутилмаганда яна шифтга қараб ўса бошлайди.

ЭКСЦЕНТРИК СТАЛАКТИТЛАР

Эксцентрик сталактитларнинг келиб чиқиши ва ўсишига ҳам оддий сталактитлар пайдо бўлиши учун керак бўлган, тўйинган оҳактошли сув томчилари сабаб бўлган.

Лекин улар бундай хилма-хил шаклда ва вазиятда ўсиши сабабини биз билмаймиз. Эҳтимол, уларнинг бундай бир ёқлама ривожланишига баъзи бир ғорларда бўладиган шамол таъсир этар. Табиатда бир тарафга қараб эсувчи кучли шамол таъсирида дарахтларнинг қийшайиши кўп кузатилган ҳодисадир. Гоҳида эса оҳактош эритмаси билан тўйинган сув томчилари ўз таркибидаги оҳактошни сталактит ва сталагмитларга беролмайди. Ғор ичида бўладиган кучли сув оқимлари уларни ўзи билан оқизиб кетади ва ер ости сувлари чиққан жойда туф ғовакли оҳактошли модда ҳосил бўлади.

Кейинчалик булоқлар ва қудуқлардаги чиқаётган "қаттиқ сув" бу ер ости саёҳатига кириб, кейин оҳактошли эритмага тўйинган

бизнинг саёҳатли томчиларимиздир.

Шундай оҳактош эритмали сувлар кўпинча ичимлик сув қувурлар ичида оҳактошли қатлам ҳосил қилиб, уни ишдан чиқаради. Чойнак пар қозонлари ва автомашина радиаторларида ҳам оҳактошли қатлам ҳосил қилади. "Қаттиқ сувда" совун кўпирмайди, бундай сувда ювилган соч қаттиқ ва мўрт бўлиб қолади, бундай сувда қайнатилган озиқ-овқат маҳсулотлари яхши пишмайди.

Биз туф ва "қаттиқ сув" ҳақида гапириб саёҳатчи сув томчиси билан ер юзига чиқиб қолганимизни сезмай қолибмиз. Демак, бизнинг ер қаъридаги саёҳатимиз тамом бўлибди. Лекин у фақатгина оҳактош қатламларидан ўтиб, уни эритиб сталактит ва сталагмит ҳосил қилувчи сув томчилари учун ер қаърида ишлар кўп.

Оҳактошдан ташқари ер ости сувлари яна кўп моддаларни эритиб, ўзи билан олиб кетади ва ётқизади. Мисол учун бу сувлар тупроқ нитрати, органик моддаларини чириш маҳсулоти бор жойларда ўзи билан ер остига олиб кириб кетади ва ғор тагида улар кристалланиб селитра қатламлар ҳосил қилади.

Ер ости сувлари хилма-хил кристаллар ва шу жумладан, арагонит ва ҳақиқ ҳам ҳосил қилади.

Инсоният таърифидан асрлар давомида ер ости олами ҳақида афсоналар ғорлардан тушиб унинг ичидаги хилма-хил афсонавий нақш ва гулларни ўз кўзи билан кўрган одамга фақатгина оддий ва содда эртакдек бўлиб кўринади. Ҳеч бир инсон онги, фантазияси сеҳргар табиат коронғулик қаърида яратган ер ости мўъжизалари билан баҳслаша олмайди.

Ер юзидаги тинимсиз сув айланиши ер шарининг геологик тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Сув томчисининг ер остидаги саёҳати ва тинимсиз меҳнати эса бу буюк цикл, табиат китобининг бир варағидир, холос.

КЎҲИТАНГТОҒ ЕР ОСТИ САЙРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тоғ жанубидаги Амударё бўйида неча марта баҳорни кутиб олган бўлсак ҳам, ҳар сафар унинг гўзаллигига лол қоламиз. Бу ерни баҳори эрта, қисқа ва сержилвадир. Унинг биринчи нафаси

февралнинг ўртасида сезилса, апрелда баҳордан ҳеч нарса қолмай, жазирама ёз бошланади.

Лекин биз иш бошлаган йили эрта бошланган баҳор бирданига кескин тушган совуқ билан алмашди. Қийғос гуллаган тоғ бодомлари ва эртанги гуллар ўз кўркини йўқотди. Тоғ чўққиларида сақланиб қолган қор қатлами бирданига кенгайиб тоғ эртакларига қор уюмлари, совуқлар ва туман олиб келади. Фақат март охирларидагина жунжиккан табиат ўз ҳолига кела бошлади. Эрий бошлаган қор, жалали ёмғир сувлари чақмоқ ва момоқалдироқ жўрлигида тоғдан секин оқиб кела бошлади. Минглаб йиллар давомида қуруқ бўлган дараларда сув ҳайқиради ва ўз йўлида тошларни ағдариб, буталарни юлиб, дарахтларни синдириб, дарё қирғоқларини ювиб пастга интилади. Ўз йўлидаги пастқам жойларни шағал, қум, лой аралашмасига тўлдириб ташлади. Тор даралардан отилиб чиққан тошқин сув, тош, шағал аралашмалари ҳайдалган ерларни, гуллаган яйловларни кўмиб ташлади, кўприк ва дамбаларни юлиб кетди, каналлар ва эски каризларни бузиб юборди.

Маҳаллий оқсоқоллар ҳомуш ҳолда "умримизда биринчи маротаба баҳор ўрнига Сибирнинг нам ҳавосини кўраяпмиз", деб тан олишди. Ҳатто, чодирли шаҳарчамиз ўртасида қиш ва баҳор ўртасидаги даҳшатли кураш белгиларини кўриш мумкин эди.

КЕЧКИ СЕЛ

Экспедициямиз базасини Чинжин, деб аталган даранинг энг кенг жойига ўрнатдик. Ҳар хил рангли янгигина чодирлар бир қатор бўлиб жойланди. Улардан бир мунча юқорироқда ошхона, омборхонага жой топилди. Чодирлар қаршисида сойнинг тагини тош қоплаган қуруқ ўзани илон изи шаклида чўзилиб ётарди.

Ҳар куни тушдан кейин тепамиздаги мусаффо осмонни кулранг булут босиб келар ва майдалаб, баҳорнинг илиқ ёмғири ёғарди.

Бу ёмғирли ҳаво бизга табиий ҳаммом сифатида хизмат қиларди. Илиқ ёмғирда чўмилиб бўлганимиздан кейин биз қоя

тагидаги катта бўлмаган камарда дам олардик ва тошлардан ҳосил бўлган табиий ўчокда кўк чой қайнатиб ичардик.

Хотирамизда яхши сақланиб қолган ўша куни синоптиклар кучли ёмғир ёки жала ваъда беришгани учун спелеологлар вақтидан олдин базага қайтиб келишди. Кучли шамол ва момоқалдироқнинг ҳам хавфи бор, деб эълон қилинган эди. Ўша куни тескариси бўлиб, то кечгача осмон мусаффо эди. Қуёш ботиши билан юлдузлар чарақлаб чиқди. Тоғнинг тим қора чўққиси устида ойнинг ўроғи кўринди. Баҳор ўсимликлари ва гуллари ҳидига тўйинган ҳавода тиқ этган товуш эшитилмас эди. "Синоптиклар ҳам адашар экан-ку", дея киноя қилди кимдир.

Об-ҳаво мутахассислари тўғрисидаги ишончсизлигимиз айтилаётган вақтда бирдан дара ичидан совуқ шамол эса бошлади. Унга тоғ ён бағридан кучли шамол оқими қўшилди. Тиниқ осмонда кумушсимон булут пайдо бўлди. Бир неча дақиқа ичида улар ялтираб турган юлдуз маржонларию, ой юзасини қоплади. Бошида битта-битта туша бошлаган йирик ёмғир томчилари тезликда шаррос селга айланди. Дарани қисқа вақт ичида чақмоқ ёритиб юборди ва унинг орқасидан момоқалдироқнинг даҳшатли гумбури эшитилди. Ёмғир билан қўшилиб қоялардан тош бўлаклари туша бошлади. Силлиқ ва тор дара ичида бир неча марта акс-садо берган момоқалдироқ гулдираши гўё қояларни бўлиб ташламоқчи бўлгандай кучаяр, дўзах ичини ёритмоқчи бўлгандай ялтираётган чақмоқ киши кўзини кўр қилгудек ялтирарди. Шамол қутирган бўридек увиллар, юзимизга тўда-тўда қум ва сувни сочар, чодирларимизни ерга ёпиштиргандек букиб ташлаганди. Унинг хатти- ҳаракатига қараганда, ер юзидаги барча нарсаларни тескари қилиб ағдариб ташламоқчи эди, гўё. Ўрнатган антеннамиз узилиб тушди ва лагер майдонида бир нима тарақлатиб юмалади.

Табиатнинг қаҳр ғазабига маҳлиё бўлиб, ўтирган камаримизга қаёқдандир оқиб кира бошлаган сувнинг шилдиришига эътибор бермабмиз. У бирдан кучли ва даҳшатли оқимга айланди, гўёки бу оқим осмоннинг қайсидир бурчагида пайдо бўлгану, бизнинг кўналғамиз устига ташлангандек, лагеримизга бостириб кела бошлади. Бир неча дақиқада ҳамма нарса босиб ва улоқтириб

ташланди. Энг биринчи куни қанчалик қийинчилик билан йиққан ўтинимиз оқиб кетди. Унга бир қатор асбоб-ускуналар ва идишлар қўшилди. Шу дақиқадаёқ худди келишгандек, ҳаммамиз тўрт тарафга чопдик ва нарсаларни тутиб қоя ёнига йиға бошладик. Қоя ёнида жиққа ҳўл бўлган нарсаларимдан улкан тепалик пайдо бўлди.

Дарада борган сари кучаяётган шовқин бизни яна камарга бекинишга мажбур қилди. Оёғимиз олдида олдин кўпирган сув оқими отилиб ўтиб кетди, унинг орқасидан сел "аждаҳоси", лой сув, қум, тош аралашмаси даҳшатли овоз чиқариб оқа бошлади. Гуриллаб оқаётган бу оқимга, орқангизда қочадиган жой бўлмаса, қўрқув ва совуққонлик билан қараб турдик.

Момоқалдироқ довон орқасига ўтиши билан шовқини бирмунча пасайди. Тонггача бир амаллаб ўтириб чиқдик. Тонг ёруғида биз бутун дарани ҳам, лагеримизни ҳам таний олмай қолдик. Йўл ювилиб кетган, ошхона ва омборхона ўрнига устини лой босган икки улкан ҳарсанг қаққайиб турар, улар орасида бир неча илдизи билан суғирилиб кетган дарахтлар тиқилиб қолганди.

Уларнинг орқасида ифлос кўл пайдо бўлганди. Бир кечада атроф таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганди.

Сой тубидан бўйлаб аста-секин лойга беланган нарсаларни кавлаб ола бошладик. Примус, қошиқ, ботинкалар, муз кесгич .... Қидирув гуруҳимиз бутун дара бўйлаб ишларди. Сув оқими дарадан чиқиб чўл бўйлаб тарқалиб кетганди ва биз анча қисми ишдан чиққан лагер жиҳозларини ўша ердан топдик.

ҒОРЛАР ҚАНДАЙ ИЗЛАБ ТОПИЛАДИ?

Буталарнинг қалин тўплари, қоялар орасидаги яшил йўлаклар, алвонранг лолалар, пирамидасимон учли гуллар бизни дарадан Кўҳитангтоғнинг яйловларига чиқишимиз билан кутиб олди. Оқшомги жала чангни йўқотган, қояларни ювиб қўйган бўлиб ҳавонинг тиниқлиги, юзингизга урилаётган шабаданинг мусаффолигидан кайфият кўтарилади. Дара ёнбағрида жайралар томонидан ҳосил қилинган сўқмоққа тушганда юриш анча енгил бўлиб қолди. Даранинг қарама-қарши қирғоғида лишайник ва

мохлар қоплаган қоялар юзаси ва каваклар, унгурлар юзаси қорайиб кўринади. Тасодифан ёнбошингиздаги дара тагига қарасангиз унинг чуқурлигидан бошингиз айланарди.

Уч кундан буён бир-бирига ўхшаб кетадиган биз дарани кезиб юрибмиз.

Бир гуруҳ спелеологлар эрта тонгдан то қоронғу шомгача дара ёнбағрига ўнлаб марта кўтарилиб тушамиз, ҳар бир қорамтир доғ, камарни ҳар бир ёриқни текширамиз, лекин биз излаётган ғор ҳамон йўқ эди.

Ёнбағирларда қатор жойлашган ўнгурлар ҳар бир қадамда алоҳида ёки тўп-тўп бўлиб учрар, ҳар хил баландликда жойлашар ва кўриниши билан кел – мен улкан ғорман, дегандай бўларди. Зўрға судраётган оёғингизга охирги кучингизни бериб,улар олдига чиқасиз, қорамтир чуқурликка назар ташлайсиз ва ҳафсалангиз пир бўлиб аввалгидай йўлингизни давом эттирасиз.

Лекин ички ҳиссиётингиз сизга айтиб турибди-ки, ҳақиқий улкан ғор шу атрофда балки анави қоя тагида ёки юқоридаги бўта тагидадир. Лекин бу атрофда қоялар ҳам, бўталар ҳам жуда кўп. Маҳаллий чўпонларнинг бири, биз излаб юрган унгурларнинг бирида кечаси тунаган экан. Унинг айтган гапига қараганда, ўша ўнгур тагидан қуйига тор йўлак кетар экан. Гўё у йўлакдан 10-15 қадам ўтган экан. Лекин айтишларича, бу ғор Ҳиндистонгача чўзилмасдан қўшни Афғонистонга ёки Эронгача чўзилар экан. Албатта, бизни бу йўлак билан бориб "қўшни давлатда" пайдо бўлиш қизиқтирмаса-да, йирик ва чиройли ғорни топиш истаги шу жойларга етаклаб охирги кучимиз билан ҳаракат килардик.

Шамолда қизарган кўзларимиз билан даранинг лагеримиз жойлашган жойига тез-тез қараб турардик. Қўналғамизга борсак қайноқ чой, дам олиш ҳавоси мавжуд эди. Чарчаган оёқларимиз шу тарафга тортади. Бу жойда эса чанков, биринчи ўринда иссиқ ҳаво ҳисобсиз кўтарилиб тушишлар, оёқ остидаги тойғинчоқ тош бўлаклари. Гўёки табиат инсон излаётган ғор ўртасига бутун кучини кўрсатиб тўғон қураётгандай эди.

Бир неча муваффақиятсизликдан кейин бизга ҳам омад кулиб боқди. Навбатдаги қояни айланиб ўтиб камарга тўғри келдик. Унинг тагида ғор оғзи қорайиб кўринар ва ундан фақат ғорларга

хос бўлган ҳид ва совуқ ҳаво оқими келиб турарди. Ғор оғзини неча минг йил олдин йиқилиб тушган ҳарсанг тош иккига бўлиб турар, сатҳи қушлар гунги, майда ва йирик шағал тошлар қоплаб олганди. Эмаклаб ғор оғзидан ўтдик ва йўлак кенгайган жойга бориб тик турдик. Қўл фонарнинг сарғимтир нури ғор деворларидаги тош гуллар қоплаган юзани ёритди. Йўлак узоқларга чўзилиб, қоронғулик қаърига қўшилиб кетганди ва охири кўринмасди.

Ҳа, бу ҳақиқий ғор, деб кимдир ўзича хулоса чиқарди. Қисқагина мунозарадан кейин ғорга "Номсиз" деб ном қўйдик. Чунки спелеологияда ўзига хос ирим бўлиб, номсиз, дейиш нолга тенг бўлса, кейин 1,2,10,100 келгандек номсиздан кейинги туманли келажакда сон-саноқсиз ғорлар очилиши кутиларди.

ЁҚИМЛИ НОМАЪЛУМЛИК САРИ

Одатда ғорлар ўрганилганда унинг паспорти унинг йўлаклари ва залларининг топографик харитаси тузилади. Табиий безаклари, микроиқлими, геологик тузилиши тўғрисида маълумот бўлади. Агар ғорга фақат кириб чиқилган бўлса, бундай ҳолда у ҳисобга олинмайди. Чунки, ғорга биринчи бўлиб жайра ҳам кириб чиқиши мумкин, лекин уни ўша ғорни ихтирочиси, дейиш албатта хато.

Шундай қилиб, эртасигаёқ биз номсиз ғорнинг харитасини тузишни бошладик. Бунинг учун яна икки километрча қум ва шағал аралашмаси устидан босиб ўтиб камарга келдик ва ғор ичига шўнғидик. Шу заҳотиёқ атрофимизни тим қоронғулик, нам ҳаво ўраб олди ва бундай шароитда қанча вақт ишлашимизни билмасак-да, ўзимиздан ўзимиз қувонардик. Чунки, биз биринчи маротаба бу жойга қадам қўяётган одамлармиз, ер ости қасрларини очган одамлармиз. Эҳтимол бундай бўлмаслиги ҳам мумкин?! Чунки ғорларни очиб, уни ўз уйига айлантирган узоқ авлодимиз неандертал одамлиги ҳаммага аён-ку.

Кўз ўнгимизда номаълум йўналишдаги қоронғу ва тўғри йўлак кўринди. Бу йўлак ижодкор сув томонидан яратилган бўлиб, унинг бунёд бўлишида инсоннинг таъсири йўқ эди. Унинг сатҳи ғор ривожланган тоғ жинслари оҳактош ва гипснинг нураган

бўлаклари билан тўлган бўлиб, уларнинг қалинлиги 2 метрдан ошган. Бундай ётқизиқлар бошқа ғорларда учрамасди. Баъзи жойларда бу ётқизиқлар баландлиги 3 метрга қадар етувчи конуссимон шакллар ташкил этиб, улар шифтга қадар чўзилиб борганди.

Ғор ичига кирган сайин унинг табиати гўзаллашиб боради. Ёнларида ва шифтида ҳар хил ўсимталар пайдо бўлиб хилма- хил шаклда эди. Янада ичкарирокда кўпчиликка маълум бўлган сталактитлар пайдо бўлди. Лекин уларнинг ҳаммаси хилма-хил шаклда букилган бўлиб уларни фанда эксцентрик сталактитлар, деб аталарди. Лекин бизга улар кўпроқ афсонавий ялмоғиз кампирнинг таралмаган сочига ўхшаб кўринди. Баъзи бир жойларга эса яшил рангли майда тош гуллар гилам шаклида қоплаб олганди. Шуни ҳам таъкидлашимиз керак-ки, ғордаги барча ўсимталар гипсдан ташкил топган бўлса-да, ғорнинг ўзи оҳактошда ривожланганди. Бундай тошлар симбиози Кўҳитангтоғда бир қатор бетакрор гўзалликка эга бўлган ер ости қасрларини пайдо бўлишига сабаб бўлганди.

Ғор оғзидан беш юз метр ичкаридамиз, деб эълон қилди хронометрист, бир ярим соатдан буён йўлдамиз.

"Жуда тез кетаяпмиз" – деган фикр хаёлимизга келди. Ҳақиқатан ҳам жуда тез кетаётгандик. Лекин бундай текис йўлакли ғор бизнинг тажрибамизда биринчи бор учраши эди. Одатда ғоршуносни "тери шилгич" йўлаклар кутиб турарди. Бунинг устига Номсиз ғорда на ёнбағир йўлаклар, на юқори, на паст қаватлар бўлиб, тоғ ичига қараб йирик бир йўлак шаклида кириб борарди. Ғорнинг кенглиги 3 метрдан 8 метргача, баландлиги 1,5 метрдан 3 метргачадир.

Буёғида мўъжизалар бошланди. Шифтдан сариқ ва лимон рангидаги сумалаклар осилиб турар, гоҳида улар бирлашиб аждаҳолар, калтакесаклар шаклига кирарди. Бу мўъжизаларнинг барчаси нозик ва самовий бўлиб, ҳаттоки, одамнинг нафас олиши ҳам унинг синиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Ичкарирокда декорациялар янада мураккаблашиб гўзаллашди, шифтдан осилиб тушган, ўралган арқонсимон шакллар, ип дарпардалар, хилма-хил шарлар пайдо бўлди. Йўлак чеккаларидаги камарларда сталактит

ва сталагмитлар бирлашиб шинамгина хоначаларни ҳосил қиларди.

Ғорнинг асосий йўлаги тўппа-тўғри жанубдан-шимолга қараб оҳактошли қатламни ёриб борарди ва 900 метрга чўзиларди. Сталактит ва сталагмитлар юқори ҳамда пастдан ўсаётган ўсимталар бирлашиб кетишган жойлар анчагина эди.

У катта ҳажмдаги зал билан тугайди ва залга фақатгина торгина йўлакдан ўтиш мумкин. Икки тарафи нозик гуллар ва кальцитдан тузилган тиғсимон пластинкалар билан безатилган эди. Йўлакнинг ортида хушманзара сферик зал очилиб, фонарларимиз ёғдуси ундаги хилма-хил нозик ва мураккаб ҳосилаларни: узун макаронсимон найчаларни, оч яшил рангли дарпардаларни, кордек оппоқ гипс қопламни ва бошқа ер ости мўъжизаларини ёритарди. Ёруғлик улар устидан сирғалиб ўтиб эшафот, ўрта аср қатл этиладиган жойига ўхшаб кетадиган ялпоқ тошни ёритади. Унинг устидан қиличсимон сталактитлар осилиб турарди. Унинг ёнидаги экзотик "узум" бошини эслатувчи шакл эътиборимизни жалб этди. У тим кора рангда бўлиб узунлиги 5 метрга етар эди. Келиб чиқиши сабабини тушунолмаганимиз учун "узум" бошини ушлаб кўрдик ва у бир неча дақиқада юзлаб доналарга бўлиниб, учабошлади. Бу ташқаридаги иссиқ ва қуёш нуридан яшириниб ётган кўршапалаклар тўдаси экан. Тинчлиги бузилиб, ҳар тарафга сочилиб кетган бу тўда чийиллаган товуш чиқариб айлана бошлади. Бизнинг ёнимиздан тор йўлакка ўзини урди. Қора кўчки бизнинг орамиздан чаққонлик билан ўтди ва изсиз йўқолди. Энг муҳими, бундай кўп сонли қўшқанотли сутэмизувчиларнинг бироргамизга тегиб кетмаганлиги ва бунда чанг кўтарилмаганлиги ҳаммани ҳайратга солди. Уларнинг парвози шу қадар чаққон ва товушсиз эди.

Асосий йўлнинг режасини чизиб бўлиб, ғорнинг ёнбағир йўлаклари ва охирини ўргандик. Ғорнинг умумий узунлиги 1600 метр бўлиб, у бизнинг Кўҳитангтоғ ғорларга бой, деган фикримизни тасдиқлади.

Ўша куни қоронғу тушдагина ташқарига чиқдик. Дарада тугаётган баҳорнинг гуллар ҳидига тўлган тоза ҳавоси эсиб

турарди. Ярим кулчага айланган ой қоялар ва сойнинг оппоқ ҳавзасини ёритиб турарди.

ГЎЗАЛ ЕР ОСТИ САРОЙИ

Қанчалик қизиқ бўлмасин, Ўрта Осиёнинг энг машҳур ғорларидан Қарлуқ ғорлари тизими шу вақтгача яхши ўрганилмаганди. Унинг номи келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар текширилмаган. Харитаси ва тузилиши тўғрисида маълумотлар йиғилмаган. Эҳтимол, уни текширувчиларни ҳаддан ташқари чигал йўлаклари, ҳар хил баландликдаги тармоқлари, инсон зоти туша олмайдиган ер ости қатламлари чўчитгандир. Дастлаб ушбу ғор тизимининг номи келиб чиқишини текширайлик.

ҚАРЛУҚМИ ЁКИ КАҒОРЛУК?

Ўрта Осиёнинг энг машҳур ғорларидан бири - Қарлуқ ғорлари гуруҳидандир. У Кўҳитангтоғнинг ғарбий ёнбағрида Ўзбекистон ва Туркманистон чегарасида жойлашган. Яқин-яқингача бу номда битта ғор бўлса керак, деб ҳисобланарди. Лекин, кейинги изланишларимиз шуни кўрсатади-ки, бу номдаги ғорлар бир нечта экан. Уларнинг энг йириклари Ҳошим айиқ, Коп-кутон ва Тош юрак, деб аталарди. Лекин асосий ном бўлган «Қарлуқ» сўзи қандай келиб чиқди экан?

«Қарлуқ» сўзи шакли билан, бу ғорлар атрофида яшовчи ўзбек уруғларидан бири бўлган- қарлуқ уруғи номига ҳамоҳангдир. Бу уруғ вакилларининг айтишига қараганда, улар бу ҳудудда минг йиллар давомида яшаб келишаётган экан. Бу сўзнинг маъносини излаб топиш учун Ўрта Осиё тарихига назар соламиз. Туркий халқлар тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи, қадимий китоб "Ўғузнома"ни кўздан кечирамиз. Бу илк асарда қаҳрамон Ўғуз ҳоқонининг жасорати ҳикоя қилинади. Афсоналарда ҳикоя қилинишича,XIII– XIVасрларга Итил қирғоқларидан Ҳиндистонга қараб юрган туркий уруғларнинг саркардаси бўлган. Бу уруғларнинг Ўрта Осиёдан ўтаётган вақтда Ўғуз ҳоқоннинг оти

катта тоғ ичида йўқолиб қолади. Воқеаларнинг шу жойи диққатимизни тортди:

«Йўлда от йўқолди, қочиб кетди. Бу жойда тоғ бор эди.

Совуқдан ва қордан унинг чўққиси оппоқ эди. Шу сабабли у Муз тоғ, деб аталарди. Ўғуз хоқоннинг оти тоққа қараб қочиб кетди. Шу сабабли Ўғуз хоқон узоқ вақт қийналди. Унинг лашкарларида жуда жасур бек бор эди. Ўша бек тоғнинг ичига кириб кетди ва тўққиз кундан кейин Ўғуз хоқонга отини келтириб берди. «Муз тоғ»нинг ичидаги кучли совуқдан бек қиров билан қопланганди. Ўғуз хоқон шодликдан куларди ва деди: "Сен бекларнинг бошлиғи бўл, ва абадул-абад номинг Қағорлук бўлсин." Балки бу афсона қарлуқ уруғининг номини келиб чиқиши сабабини ойдинлаштирар. Жумладан, Қарлуқ ғорининг номини келиб чиқиш сабабини ҳам.

ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН БУ ЕРНИ "ЗИЁРАТ" ҚИЛГАН ЭДИ

Ҳошим айиқ тўғрисида аҳолида бир неча афсона бор. Гўёки ўтган замонларда бу жойларда ака-ука ўтган бўлиб, ота-оналари уларни меҳнаткаш қилиб ўстириб " фарзандларим, сизлар фақат ўз меҳнатларинг ҳисобига яшанглар, бойликка ҳирс қўйманглар", деб тарбиялар экан. Бир куни ака-ука олдиларидаги Ҳошим айиқ ғорини томоша қилишга киришибди. Ғор ичига киришлари билан гўё очил дастурхон очилгандек, улар хилма-хил анвойи таомлар билан безатилган дастурхонни кўришибди. Ука уни кўриб олдинга интилган экан, акаси дадасининг насиҳати ёдига тушиб уни ушлаб қолибди. Бироз юришганида, улар давра қуриб ўйинга тушаётган гўзал париларни кўришибди. Парилар ака-укани имлаб чақиришар, келинглар, дегандек имо қилишар экан. Ука олдинга интилган, ака яна уни ушлаб қолибди. Бироз юришганида яна бир мўъжиза ичидаги нарсаларни мана ол, дегандек очиқ турган дуру –жавоҳирга тўла сандиқни кўришибди. Ука уни кўргандан, акасининг тортганига ҳам қарамасдан олдинга отилибди, сандиқни ушлабди-ю, оддий бир устунга айланибди. Ака эса ота насиҳатини ёдида сақлагани учун омон-эсон ташқарига чиқибди.

Яна бир афсонада ғор Искандар Зулқарнайн номи билан боғланади. Гўёки у сув излаб ер қаърини тешганда, ундаги бу гўзал қасрни топганмиш. Бошқа ривоятлар эса Амир Темур номи билан боғланади. У қаттиқ бўрондан қочиб ғорга яширинган дейишади. Учинчилари Ҳошим айиқни Бухоро амирига боғлашиб, гўёки амир Афғонистонга кетаётганда, ўз хазиналарини бу жойга бекитган, дейишади.

Ҳошим айиқ ғорининг номи тўғрисида энг кейинги афсоналарда айтишича, маҳаллий чўпон Ҳошим ғорнинг ичигача кириб борган ва айиққа айланиб қолган. Гўёки, у шу вақтга қадар ғор ичида айиқ шаклида юрганмиш. Булар ҳаммаси афсоналар холос. Аммо, Ҳошим айиқ ғори тарихидан бир нарса эътиборга молик. Бу ғор тарихий манбаларда тилга олинган энг кекса ғордир.

У биринчи марта Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёга бостириб кирганда, эрамиздан аввалги 329-йил унинг лашкари сафида бўлган грек олимлари томонидан тилга олинган. Бу ҳақда грек олими Диодор ўзининг "Библиотека" номли асарида шундай ёзади: "Александр Гиркания тарафга йўл олди ва уч кунлик йўлдан кейин Гекотампил, деб номланган шаҳар ёнидан лагер қурди. Шу шаҳар бойлиги ва ҳар хил озиқ-овқатга мўллиги сабабли у лашкарига бир неча кун дам берди. Шу ердан у 150 стадий олдинга юрди ва катта қоя олдида тўхтади. У қоя этагида ҳаттоки, Худо учун ҳам катта ва гўзал бўлган ғор бўлиб, ундан Стибоит дарёси оқиб чиқарди." (13 с.26)

Искандар Зулқарнайн лашкарининг босиб ўтган йўлини ўрганиш натижасида юқорида айтилган гаплар Ҳошим айиқ ғори тўғрисида кетаётганлигини аниқлаш мумкин. Грек лашкарлари эрамиздан аввалги 329- йил Ҳиндикуш тоғидан оғир машаққатлар билан ошиб ўтгандан кейин Бақтрияга, ҳозирги Афғонистонга бостириб кирадилар. Искандар Зулқарнайнинг Бақтрияга бостириб киришни тўхтатиш мақсадида маҳаллий аҳоли Ҳиндикуш тоғининг шимолий қисмини бутунлай хароб қилиб ташладилар. Лекин шунга қарамасдан, греклар маҳаллий қўшинларни мағлубиятга учратиб, Дрансак – ҳозирги Қундуз ва Бақтрия пойтахти Бақтри шаҳарларини эгаллашади.

Бақтриядан Искандар Зулқарнайн ўз қўшинларини Амударёга йўналтиради ва ҳозирги Афғонистон, Ўзбекистон ва Туркманистон давлат чегаралари туташган жойда Кўҳитангтоғнинг ғарбий ён бағрига томон дарёни кечиб ўтишади. Бу ердан улар Кўҳитангтоғ ғарбий тарафи билан шимолга юришади ва қоя ён бағрида Ҳошим айиқ ғорини кўришади. Ғор тошда бўлиб Е.М.Смехов ва М.Г. Ромашова маълумотига кўра, (13 с.27) диаметри 8 метр, чуқурлиги 7 метрли улкан ўпирилиш билан бошланади ва улкан залга туташади. Залнинг узунлиги 70 метр, эни 50 метр, баландлиги 12 метр. Эҳтимол Диодор "Ҳаттоки Худолар учун ҳам катта ва гўзал ғор" деганда, шу зални эътиборга олган бўлса керак. Бу залдан тўғри йўлак кетиб, у баъзи жойларга кенгайиб, улкан залларга айланади ва ундан сталактит ва сталагмитларнинг гўзал шакллари осилиб туради.

Олдинги маълумотларга қараганда, ғорнинг узунлиги 3 ҳаттоки 10 км га этади. Лекин ғорни кейин текширган Е.М.Смехов ва М.Г.Ромашовалар уни 1050 метр,деб ҳисоблашишади. Бизнинг ҳисобимиз эса кейинги бобда берилади.

Уларнинг таъкидлашича, ғор зал билан тугайди, шифти эса ўпирилиб тушган ва унинг давомини босиб қолган.

Ҳозирги вақтда Ҳошим айиқ ғори сувсиз бўлиб, у Диодорнинг " Бу ердан Стибоит дарёси оқиб чиқади" деган фикрига тўғри келмайди. Лекин Е.М.Смехов ва М.Г.Ромашовалар фикрича, тўғри ва кенг заллар мавжудлиги бир вақтлар ғор ичида сув оққанлигидан далолат беради. Ер ости дарёсининг асосий ҳавзаси шимоли-шарқий йўналишдан оққан ёрдамчи 6 та ирмоқлари эса жануби-ғарбий, шимоли-шарқий ва меридионал йўналишдан оқиб келган.

Холбуки, карст ҳодисаси ривожланган туманлар учун бу нарса қонунийдир. Диодорнинг Ҳошим айиқ ғорини ёзганига 23 аср бўлди. Бу даврда Кўҳитангтоғ тектоник кучлар таъсирида анча юқори кўтарилган ва ер ости дарёси Стибоит ўзининг эски ўзани - Ҳошим айиқ- ғори пастки горизонтларга сингиб кетган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, барча маълумотлар Диодор ёзиб кетган ғор Ҳошим айиқ ғори эканлигини кўрсатмоқда. Ҳошим айиқ ғорининг яна бир ажойиб хусусияти шунда-ки, унинг кенг

залларида хилма-хил шаклар улкан ва гўзал сталактит ва сталагмитлар мавжудлигидир. Бу ҳақда кейинги қисмларда ҳикоя қиламиз.

ПАЙДО БЎЛИШИ

Ҳошим айиқ ғори Кўҳитангтоғдаги бошқа ер ости бўшлиқлари каби тоғ бўйлаб ернинг чуқур қатлами остидан ўтган тектоник ёриқ устида шаклланган. Кўҳитангтоғ эса тез эрувчи оҳактошларда ривожланган бўлиб, уларнинг ёши энг ками 130 миллион йил атрофидадир. Бу тош қатлам устидан гипс қобиқ билан ўралган. Ёриқ устидан қопланган тоғ жинслари эрищи натижасида кейинги 250-300-минг йил ичида Кўҳитангтоғ ғорлари ривожланмокда. Унинг асосий йўлаги ҳалқа шаклида бўлиб, унинг ичида бир-бири билан туташган, ташқарисида эса тупик шаклида тугайдиган йўлаклардан ташкил топган. Кириш жойидан бошлаб ғорнинг ҳамма йўлаклари шимоли-шарққа чўзилган. Шу тарафга қараб ғор пасая бошлайди.

Ҳошим айиқ ғорининг бош йўлаги 700 метрга чўзилган, 30 минг квадрат метр майдонни эгаллайди, ғор жойлашган тоғ жинси бўлаги эса 60 миллион куб метрни эгаллайди. Ҳошим айиқ ғорнинг ҳамма йўлаклари жами узунлиги 4200 метр бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги энг йирик ғорлар қаторида туради. Ғор йўлаклари шаклланиши ва ҳажми тоғ жинслар бағрида ёриқларга боғлиқ бўлиб, бир йўналишда ривожланган ва ғорнинг охирги кириш жойидан 140 метр чуқуррокда жойлашган.

Биздан олдинги изланиш олиб борган кишилар ғорнинг келиб чиқиши тўғрисида хатога йўл қўйишган. Яна ғор гипсда шаклланган деб айтишган. Бу хатони келиб чиқишига асосий сабаб ғор ичидаги гипс ўсимталарга қараб умуман бутун ғор тизими шу тоғ жинсларида шаклланган, деб ўйлашган. Ҳақиқатда эса ғор мезазой даври оҳактошларида ривожланиб, унинг гипс ўсимталари ер юзасига якин ётган гипс копламасини эритиб ғор ичига тушишидан ҳосил бўлган. Агар ғор ичига гипс ўсимталар 100-500- минг йил олдин тушган, деб ҳисобласак, уларнинг

янгилари билан алмашинишга ярим миллион йил вақт керак бўлади. Бундай узоқ вақт ўсимталар шаклланиши ғор атрофидаги иқлим шароитининг ўтмишда ҳам ҳозиргидек қуруқлиги натижасидир.

БИРИНЧИ ҚАДАМЛАР

Ҳошим айиқ ғори ўпирилган карст воронкасидан бошланган бўлиб, унинг диаметри 15 метр, чуқурлиги эса 10 метрдир. Қирғоқлари жарсимон ва тик. Ўпирилмаган шарқий қирғоғида кенглиги 6 метргача ва баландлиги 2 метр бўлган ғорга кириладиган жойи бор. Бу жой темир тўр билан ёпиб қўйилган бўлса ҳам у эскилигидан бир неча жойи синиб одам кирадиган бўлиб қолган. Пастдан ғорга хос бўлган нам ҳаво ҳиди келади.

Кирган жойдан пастга қараб тик йўлак кетган бўлиб, ғор тагида қалинлиги 0,5 метрга етувчи чанг қоплаб ётибди. Бу чанг юқоридан олиб келинган ва улар орасида йирик тош бўлаклари учрарди. Тош ҳарсанглар орасидан икки йўлак кўриниб туради. Улардан бири чапга бурилади ва девор тагига шўнғиб кетади. Иккинчиси олдин марказ бўйича кетади ва кейинроқ ўнгга бурилади. Ғорга тушишда охирги йўлакдан фойдаланган яхшироқ, у қисқа ва тўғрироқдир. Ғорга тушиш йўлагининг узунлиги 225 метр вертикал бўйича чуқурлиги 88 метр, эни 40 дан 70 метргача, шифтининг баландлиги 15-25 метр ўртасида. Шифтда ва деворларда "Саккизоёқ" ва бошқа фантастик шаклидаги кальцитдан ташкил топган сталактитлар жойлашган. Йўлак тугаш жойида қора ва тўқ жигарранг ҳақиқ тош бўлаклари ётибди. Унинг ёнида узум боши шаклидаги сумалаклар жойлашганди. Бу жойда юқоридан қоронғуликдан доимо сув томчилаб турарди.

Чексизликка ҳаракат қилгандек олдинга юрамиз, ғорнинг на деворлари, на шифти кўринади. Анча юрилгандан кейин унча катта бўлмаган аммо, бежирим "Бивуачний" зали учрайди. Унинг деворлари оппоқ гипс қатлам билан қопланган, баландлиги 3-4 метргача етувчи сталактитлар учрайди. Залнинг ўнг тарафида ғорнинг давомига ўтиш жойида эксцентрик гуллар жойлашган

бўлиб, ундан "хоч" залига ўтилади, гуллардан доимо сув томчилаб турарди.

Бу залда одатда сайёҳлар ортиқча юкларини қўйишади ва қўлларидаги шамларни ёқишади. Шамлар ёнадиган 7-8 соат вақт ғорни кўриб чиқишга етади.



Ҳошимайиқ ғорининг кириш қисми

"Бивуак" залидан пастга қараб икки тор йўлаклар "ҳоч" залига йўналади. Ундан "ўрмон" залига бориб лабиринтларга айланиб кетади. Тўғрига қараб эса горизонтал галерея кетиб унинг эни 20-25 метр, баландлиги 8 метргача етади. Бир неча ўн метрдан кейин, бирдан кенгайиб ҳаддан ташқари улкан залга айланади. Фонар ёруғи шифтгача етиб боролмайди ва қоронғулик ичида йўқолади. Залнинг узунлиги 200 метрдан ошикроқ, эни эса 50-75 метрлардир. Таги тўғри эмас ва чукурлиги 6-7 метргача етадиган паст-баландликлар бўлиб, ичи шағал ва тош бўлакларига тўлгандир. Бу тартибсиз жойлашган тошлар ичида шам ва арча



Ҳошимайиқ ғорига кириш жойидаги воронкасимон ўпирилма



Ҳошимайиқ ғоридаги тош «ўрмон»

шаклидаги сталактитлар учрайди. Айниқса, чап девор тагидаги арча шаклли тош ғоят мукаммалдир. Унинг ёнида баландлиги 10 метр, диаметри 0,5 метр бўлган тош устун жойлашган. Шимолий йўналишда ғор сатҳи кескин кўтарилади ва шифт билан бирлашади. Ўша жойда сувнинг чақиллаши эшитилади ва тагида кичик кўл бор.

Залнинг акустикаси яхши бўлганлиги сабабли томчиларнинг чақиллаши узоқ-узоқларга эшитилиб туради.

Улкан залдан спелеологлар йўлагига торгина йўл ўтиб, кириш жойида чиройли арк жойлашган. Аркнинг юқори қисми сарғимтир гипс қопламлари, ёнлари эса сталагмитлар билан безатилган. Йўлакнинг узунлиги 200 метр, баландлиги 12-14 метр, эни эса 70 метргача боради. Шифти ва ён деворлари сарғимтир оқ қоплама билан, ҳамда сталагмитлар билан қопланган. Таги нотекис бўлиб, гипс бўлаклари билан қопланган. Спелеологлар йўлагининг ҳамма жойида хилма-хил конфигурациядаги сталагмитлар учрайди. Уларнинг баъзи бировлари шифтгача етса, бошқалари 2-3 метргача етади. Йўлакдан ўнг тарафда ичи бўш бўлиб "Тандир" деб номланган сталагмит жойлашган бўлиб, унинг баландлиги 6 метр, тандирнинг оғзи эса 1 метрга етади. "Тандирнинг" девори юпқа - 25 см. Бўлса-да, лекин қаттиқ.

Спелеологлар йўлагидан чап тарафда тўртта камар жойлашган бўлиб, уларга кириш қисмида қопламалардан парда қоплаган. Шулардан тўртинчиси куйловчи "Маъбуда" залига олиб киради. Ҳажми 30х30 метр, баландлиги 15-20 метрга етади. Юқоридан тушган "орган трубалари" деб номланган табиий тешиклар ичкарида товуш жарангини кучайтиради. Унинг ёнида "зал эгаси", унчалик катта бўлмаган кальцит сталагмит жойлашган бўлиб, унинг бошига металл билан урилса, жаранглаган товуш бутун ғорда акс садо беради.

Спелелоглар галереяси баландлиги 3-4 метр, эни 10-12 метр бўлган арк билан туташиб, ундан кейин икки йўлак - чапдаги Катта ва ўнгдаги Кичик йўлакларга бўлинади.

Катта йўлакнинг иккита чап ва битта ўнг кичик тармоқлари бўлиб, ўзи узунлиги 100 метр, эни 4-10 метр, баландлиги 4 метргача бўлган тўртбурчак йўлак шаклидадир. Бу жойда

ўсимталар кам ва қизғиш - сарғимтир чанг билан қопланган. Сатҳи гипс доналари, шағал ва лой билан қопланган.

Кичик зал эса қисқа, ярим доира шаклида тугайдиган шаклга жойлашиб, полида гипсли сталагмитлар ва устун учрайди.

НОМАЪЛУМ ХАЗИНА

Катта йўлакдан ўтсангиз ҳам, кичик йўлакдан ўтсангиз ҳам охири бир бири билан бирлашиб кетган устунлар билан тугайди. Унинг орқасида икки йўлак бирлашади. Олдинга юрсангиз бирдан оёғингиз тагидан диаметри 1,5 метр бўлган қудуқ чиқади. Қудуқдан ўтсангиз эни 1 метр, баландлиги эса 15-20 метрча тор ёриққа дуч келасиз. Унинг таги узум боши шаклидаги тош гуллар ва сув ҳовузча билан безатилган.

Ушбу ёриқ сизни Ҳошим айиқ ғорининг катта залига олиб чиқади. Бу майдон ғарбга томон 200 метрча чўзилган, шифтининг баландлиги 10-12 метр, эни эса 70 метр бўлган улкан зал эди. Унинг шифти тўппа-тўғри, деворлари ҳам шифтга тўғри кўтариларди. Шу сабабли хона симметрик шаклда. Бу хонасимон залнинг ўнг томонида улкан гипс устунлар кўтарилиб, баландлиги 3-4 метр, диаметри 3 метргача боради. Улар орасида мўъжазгина дам оладиган жой ҳам пайдо бўлганди.

Умуман олганда катта зал ўсимталарга анча қамбағал эди. Бу жойнинг чап деворида "Игна" деб номланган йўлак бўлиб, ундан ўнгдаги тўрт аркча «Хоч" залига ва қўшимча йўлакка йўл бор. Тўғрида эса икки арк кўриниб турарди, улардан "Қудуқ"қа ва лабиринтга ўнгдан эса "ўрмон" залига ўтади.

Аркдан "Қудуқ"гача 20 метр. Қудуқ ўнгурининг ўзи эса гумбазсимон, шифти 8 метрга борувчи, тубидаги диаметри 10 метр бўлган мўъжаз хонадан иборат эди. Унинг ўртасида чуқурлиги 3,5 метр, диаметри 1,5 метр бўлган қудуқ бўлгани учун уни шундай ном билан атадик. Қудуқнинг ичида эса "Гуллар" деб номланган энг чиройли эксцентрик сталактитлар кўп эди.

Бу қудуқ ичига 8 метрча пастга тушсангиз, лабиринтга тушасиз. Лабиринт эни 20-80 метр, баландлиги 10-15 метр бўлган ва илон изи шаклида чўзилиб кетган йўлакдир. Бу йўлакдан тўғри жанубга қараб юрсангиз, ёнингиздан тош "гулзор" чиқади. Бу

гулзор баландлиги 3-4 см дан 10-12 см гача бўлган эксцентрик сталактитлардан ташкил топган бўлиб, улар хилма-хил шаклда букланган, барглар билан қопланган ва шохланган.

"Гулзордан" жанубий томонга 220 градус узун тўғри ва кенг йўлак чўзилиб, унинг шифти доира шаклида ва диаметри 8-12 метрдир. Тагида ва деворларида безаклар йўқ. Оёғингиз тагида эски гипс синиқлари қарсиллайди. Йўлак орти кенгайиб, "уч устун" улкан залига айланади. Унинг узунлиги 100 метр, эни 60-70 метр, баландлиги 10-12 метр ва ёнидан ғарб ва жанубга кўричаксимон йўлаклар чиқади.

Лабиринтнинг умумий узунлиги 600 метрдан кам эмас. Шимолдаги йўлакка юрдик ва шимолдаги кишки ўрмонга кириб қолгандай бўлдик. Унчалик катта бўлмаган залнинг ҳамма жойида қордек оппоқ арчалар фонар ёруғида товланар, учкунланар эди. Агар ҳар хил турли фонарлар ёнса, янги йил кечасидагидек бўлар эди.

Бу залдан "хоч" залига ҳам йўл бўлиб, унинг номи ўртада турган учта сталагмит бир-бирича хоч шаклида ёпишганлиги натижасида келиб чиққанди. Бу залнинг деворлари ҳам мураккаб ва гўзал гипс кристаллари билан безалгандир. "Хоч" зали марказида жойлашгани учун ундан катта, "Ўрмон", "Бивуак" залларига йўл бўлиб, шу сабабли барча йўллар шу жойдан бошланар ва ёки шу жойга қайтиб келарди.

Ҳошим айиқ ғорининг ўзига хос микроиқлими бўлганлиги сабабли унда сайёҳлар йил давомида ёзлик кийимда бўлишлари мумкин. Ҳаво ҳарорати 20-22 градус ўртасида. Фақат чеккаларида 23-24 градусгача чиқиши мумкин. Қишда ҳарорат 1-2 градусга камайиб кетади. Ҳаво намлиги 96-98 %, ёзда камайиб, қишда кўпайиши мумкин. Ҳаво деярли ҳаракатсиз, лекин баъзи бир жойларда шифтга томон тик ҳаракатлар кузатилади.

Ғорда тўрт жойда сув ҳалқоби мавжуд. Улар шифтдан тушаётган томчилар ҳисобига пайдо бўлган. Суви илиқ 18-20 градус атрофида. Лекин гипс моддасига тўйингани учун ичишга ярамайди.

КЎҲИТАНГТОҒНИНГ ТОШ ЮРАГИ

Ёрилиб кетган қора қоялардан бизга ўнлаб коронғу унгурлар қараб туради. Биз чуқур қуриб қолган сой ичидан бормоқдамиз ва таассуротимизда худди ойда юргандекмиз, шамол умуман йўқ, сув йўқ, атрофда тиқ этган товуш йўқ ва осмон ҳам қандайдир узоқ ва кулранг. Бир соатдан кейин даранинг тик ёнбағридаги катта ёриққа етиб борамиз. Унинг ичидан нам ва салқин ҳаво эсиб турибди. Бу жой Тош юрак ғорига кириш жойи бўлиб, бизнинг назаримизда Кўҳитангтоғдаги энг қизиқ карст бўшлиғидир.

Ўзимиз билан олиб келган асбоб-ускуналарни, сувни қулай қилиб қайта жойлаштирдик ва остонадан ўтиб, коронғулик қўйнига шўнғидик. Қуёш нури орқамизда қолиб йўқолди. Олдинда эса коронғулик ва тош харсангларнинг уюмлари. Уларнинг ҳар бири 50 тоннадан кам эмасди. Йўлакнинг охирида бошимиздаги каскамизни ва рюкзакни тўғрилаймиз, тиз чўкиб йўлни давом эттирамиз. Олдинда эни 250 метрлик ва бўйи ҳам 1 метрдан ошмайдиган тор йўлак қувур бор.

Енгил ва юмшоқ чанг буралиб юқорига кўтарилар, фонар ёғдуси унинг ичида кўмилиб, олдингиздаги шеригингизни ҳам кўрсатмасди. Биринчи кетаётганларга осон, кейингилари эса нам ҳаво ва чанг таъсирида тинимсиз акса уришарди.

Ниҳоят қувур йўлак бизни учбурчак залга чиқарди. Шу вақтгача одамларни тиз чўктирган шифт 15 метргача кўтариларди. Раҳматимиз сифатида бу жойни "Қабулхона" деб атадик. Бу жой ҳақиқатан ҳам тинч ва тоза ҳавога тўлиқ эди.

Деворларидан нозик сталактитлар осилиб турар, гипс кристаллар фонар ёруғида ялтирарди. Улардан чаккиллаб томчилар томиб турарди. Томчи тагига қўйган шишамизга бир суткада ярим литр тиниқ сув йиғилади. Унинг сифати жуда юқори эди.

"Қабулхона" ғордаги кейинги ишларимиз вақтида бизга асосий база бўлиб хизмат қилди. Ҳисобимиз бўйича ғорда 3-4 кун ишлашимиз керак эди.



Тош юрак ғорига кириш жойи



Тош юрак ғоридаги йўлаклар



Тош юрак ғорининг шипидаги безаклар



Тош юрак ғорининг шимидаги безаклар



Кўршапалак ғоридаги «Бўкри тойчоқ»

ГИПСЛИ ЎРМОНЗОРДА

Ғорга кирган спелеологларни тим қоронғулик ўраб олди. Бундай қоронғуликни одатда ташқарида учратмайсиз. Агар ғор ичида фото қоғозини очсангиз ва уни кейин қайта ишласангиз, бирорта ҳам доғ кўрмайсиз. Ғорда қўлингиздаги шам ёки фонар ўчиб қолса, атрофингизни тим қоронғулик ўраб олади. Ғорларда тонг ҳам, шом ҳам йўқ. Фақат қоронғулик бор. Шу сабабли қўлингиздаги фонар тушиб кетдими, шерикларингиз келгунича жим ўтиринг.

Агар соат тўхтаб қолган бўлса, вақтнинг ҳисоб-китоби йўқолади. Паст ва кенг йўлак иккига бўлинадиган ғор чорраҳасига олиб боради. Бу жойда «қўриқлаб» бир неча сталагмитлар турарди. Биринчи йўлак бўйлаб ҳўл ва ёпишқоқ лойли юзадан юра бошлаймиз. Шифт бир мунча пасаяди. Йўл-йўлакай топографик харита тузиб, тош шакллар, тоғ жинсларини йиғиб, фотосуратлар олиб бораяпмиз. Юзинчи метрда гипсдан бунёд бўлган ўрмонга учраймиз. Шифтдан пастга қараб сон-саноқсиз сталактитлар осилиб турар, улар орасида шаффоф гипс ўсимталари жойлашганди. Улар ўзаро чирмашиб кетган ва фонар ёруғида ялтирарди. Бундай нодир ўрмон ичида, унга зарар етказмасликка ҳаракат қилиб юрамиз.

Кечқурун "Қабулхонага" қайтамиз "кеч" сўзи нисбий бўлиб, менимча соат бўйича ярим тун бўлиши керак. Овқатдан кейин ўликдек қотиб ухлаймиз. Бугунги кун ҳисобидан топографик харитасини тузиб 850 метр юрдик.

АТЛАНТЛАР ЗАЛИДА

Катта ҳалқа бўйича ҳаракатдамиз. Бу йўлак ўзининг ҳажми билан Тошкент метросидан қолишмайди. Безаклари эса метродагидан ҳам гўзалдир. Бу жойда хилма-хил кальцитли сталактитлар, нозик буралган гипс шакллар, оқ игнасимон гуллар ва қоровул сталагмитлар тўплари ҳамма жойда учрайди. Шифтдаги ёриқлардан парашютсимон сталактитлар осилиб туради. Гоҳида оёғимиз тагидаги кўринмас кўлчаларга тушиб

кетамиз. Ғордаги сувли ҳалқоб ўта даражада тоза.

Иш кунининг сўнггида туннелнинг охирига етамиз. У жуда торайиб кетади ва юриб бўлмас даражага етади. Катта тош йўлни тўсиб турарди. Тош билан девор орасидан аста сирғаниб ўтамиз ва кўз олдимизда мўъжизали гўзал йўлак ва орқасидаги "колоннали зал" намоён бўлади. Йигирмалар атрофидаги чирмашиб кетган сталактитлар ва сталагмитлар кучли колоннани ташкил этиб, шифтни ушлаб турарди. Уларнинг баландлиги 4-8 метр, диамерти 1-1,5 метр атрофида эди.

1410-метрда оҳактошнинг улкан харсанги олдида тўхтаймиз ва унга "алтар" деб ном берамиз. Чунки, унинг усти оппоқ гипс қатлами билан қопланган бўлиб, устида бир неча шамга ўхшаш сталагмитлар жойлашганди.

"ЧОЙХОНА"

Кимнидир ғудурлашидан уйғониб кетдик. "Худди курортга келгандай. Соат тўққиз бўлди, булар ҳали ҳам ухлаб ётишибди" деди эртароқ уйғонган ҳамроҳларимиздан бири.

Нонушта қилдик. Сув идишларимизни олиб "алтарга" бордик. Ундан ғор ичига ёриқсимон йўлак кетиб, у хақиқ тошдан тузилган сталактитлардан ташкил топганди. Шифт аста-секин кўтарила бошлайди ва фонар ёруғи унга деярли етмайди. Кўз олдимизда қоронғулик ичига кўмилган катта зал намоён бўлди. Ёритувчи ракета нурида узунлиги 5-6 метр сталактитлар, нозик гипс иплар тўплами, гелектитлар, нозик пардалар кўзга ташланди.

Кейин учта йўлакнинг харитасини чиздик. Пошнали аёллар этигига ўхшаш гулларни кўрдик. Уларнинг ҳажми бир неча сантиметрдан, бир неча метргача борарди. Ўртадаги йўлакда тош гуллар гулдастасидан 200 марта йирик эди. Гуллик йўлакда дам олиб, йўлакнинг қолган қисмининг харитасини туздик. Охирги кучларимизни ишга солиб, "Қабулхонага" судралиб бордик ва ечинмасдан уйқуга кетдик.

Атрофимизда тинчлик ҳукмрон эди. Тушаётган томчилар қулоғимизда жаранглаб кетар, кўршапалакларнинг қанот қоқиши эшитиларди.

ОХИРГИ КУН

Иссиқ намлик, қоронғулик ва тинчлик ҳиқилдоғимизгача етди. Кўнглимиз қуёш, шамол, юлдузлар ва гулу гиёҳлар ҳидига мушток бўлди. Умуман ерга хос нарсанинг барчаси керак эди. Лекин бурилиб ғор ичига кирабошласак, ҳамма нарса ёдимиздан чиқар, ер ости олами гўзаллиги бизни мафтун этарди.

Бугун чарчаганлигимиз айниқса сезила бошлади. Тор йўлак бўйлаб юқорига аста секин кўтариламиз. У бизни "сталагмитли ўрмонга" олиб чиқади. Юзлаб сталагмитлар тароқ ташкил этганди. Ҳамма нарса ялтироқ, бирортасида нигоҳимиз тўхтата олмас эдик.

Шундай бўлди-ки, ғор охирги пайтда бизга энг гўзал, энг нодир гўзаллигини намоён этди. Эҳтимол инсон фақат уйқусида шундай гўзалликни кўра олиши мумкиндир. Ҳар ҳолда ер устида бундай гўзаллик йўқ, деб айтоламиз. Кимки бу гўзалликни кўрмаган экан – кўп нарсани йўқотади.

Эрталаб биз қувурдан судралиб чиқдик ва ғорнинг оғзига келдик. Кўзларимиз қуёш нурига аста-секин ўрганар, тош юрак ғори билан хайрлашиш ҳаммамизга оғир кечди.

КОП - КЎТОНДА

Қуёш нури бирдан йўқолди. Қум ва чанг билан қопланган тошлар устидан эҳтиёт бўлиб 110 метрлик чуқурликка тушиб борамиз. Фонар ёруғлиги деворлар устида аста-секин ўрмалайди, юқорига кўтарилади ва йўқолади, қоронғуликдан ғор шифти кўринмайди. Нам ва иссиқ. Гўёки ҳаво йўқ ва атрофимизни буғ ўраб олгандай тасаввур ҳосил қиларди.

Унча катта бўлмаган залга етиб келдик. Унинг суви шунчалик тиниқ эди-ки, сувни сезиш учун унга бармоқни тиқиш керак эди. Сув ҳавзасидан юқорирокда гурлар-кальцитнинг юпқа тўғонлари қават-қават бўлиб кетганди. Улар сталактитлардан тушган сувларни йиғишар ва каналлар орқали кўринмас кўлчага бошқариларди.

Тош кўчкиси юзидан қиялик бўйлаб юқорига кўтариламиз, эни ва баландлиги 30 метрлик улкан залга чиқамиз. Ҳақиқий метро! Лекин унинг ажойиб безакларига метронинг бирор зали

гўзаллиги яқин йўлолмас ва инсон қўли бундай гўзаллик яратишга қодир эмасди. Бизнинг атрофимизда улкан сталагмитлар бўлиб, уларнинг устини момиқсимон гипс қопламлари ўраб олган, орасида қизил, сариқ ва бошқа рангли спиралсимон гелактитлар, гуллар шаклидаги эксцентрик қопламалар турарди.

Тўғри йўлак сеҳрли коронғулик сари олиб боради. Биз уларнинг паст-баланд йўлагидан юриб, олдимиздан чиқаётган хилма-хил шаклларни харитага тушириб борардик. Ўнгга-чапга, юқорига, пастга қараб тармоқлар тарқалиб кетганди. Баъзи бировлари жуда тор, баъзилари эса катта. Биздан кейин ўтган сайёҳлар уларни тузаётган харитамизда кўриши мумкин.

Чеккадаги кичик ўнгурда икки сталагмит худди севишганлардай жипс ўтиришибди. Уларнинг бошига совуқ сув қуйилиб атрофга тарқалиб, девор тагидаги кичик ҳовузчада йиғилмоқда.

Ғорнинг иккинчи километри кетмоқда. Деворларда, ҳақиқ тошда турли нақшлар пайдо бўлмоқда. Баъзи бировлари эса кичкина парашютларга ўхшаб кетади. Ёнида тош саккизоёқлар, юлдузлар. Айниқса, катта тошдаги "медуза" худди ҳаётдагидек эди. Баландлиги 3 метр, оғирлиги 10 тонна атрофида. "Денгиз" манзаралари "Арктика" манзаралари билан алмашади. Улардан кейин "Ракс" зали бошланади. Залнинг таги яхмалакдек тиниқ, силлиқ ва ялтироқ. Атрофида эса қўриқчилардек сталагмитлар ўйин тушадиганларга ўхшаб кетади. Девор тагларида эса каролитлар – орқа оёғида туриб олган типратиконга ўхшаш ўсимталар қатор бўлиб турарди.

Дам олиш чоғларида, одатда чарчаган спелеологлар гаплашмайди. Индамасдан чакки товушлари ва кўршапалаклар қанотидан чиқаётган енгил товушларга қулоқ солиб ўтирибмиз. Умумий тинчлик ичида айтилган сўзлар жуда баланд эшитилади. Шу сабабли гапирмоқчи бўлсак, шивирлаб бир-биримизга тушунтирамиз.

Бош гуруҳимиз чалкаш лабиринтдан ўтаётган вақтда унча кўзга ташланмайдиган ёриқни кўриб келди. Унинг тагида томчилар шилдираши эшитилар, шамнинг олови эса ундан

чиқаётган кучли шамолдан ўчиб қоларди. Демак ғорнинг давоми бор экан. Ҳисобимиз бўйича 5600 метр масофани босиб ўтдик.



Қопқўтон ғорининг маркази «Тахтли зал»



Қопқўтон ғоридаги зиёратгоҳ жой «Медуза» сталактити



Қопқўтон ғоридаги сталактитлар

Ёриқни диққат билан ўрганамиз. 10 метрча юқорида одам сиғадиган йўл кўринади. Аркон нарвон, страховка қилувчи аркон, қояга урилаётган темир халқа овози ва "олға" буйруғи. Шу нарсаларнинг ўзи бир неча сониядан кейин бизнинг шифт тагида туришимизга олиб келди. Ҳайиқиброқ букилиб, пастга кетган қудуқнинг қоп-қора оғзига қараймиз. У бизни ноъмалум йўлакдан ажратиб турарди. Энг мураккаби энди бошланди. Ўткир қиррали тик жар чеккасида қояга ёпишган ҳолда уч метр ўтдик, кейин бутун кучни чап оёққа бериб 2,5 метрдан сакраб ўтиб, қарши қирғоқдаги сталагмитни ушлаб қолиш керак эди. Бошқа хавфсизроқ йўл бу атрофда йўқ эди ва ҳаммамиз навбати билан шу жойдан ўтдик.

Йўлак бўйлаб аста-секин кетмоқдамиз. Атрофимизда гипс гуллар, оёғимиз тагида оппоқ гипс қопламаси. Икки юз метрлик тор ва қинғир-қийшиқ йўлакдан қийинчилик билан ўтиб олганимиздан кейин гўзаллиги таърифга сиғмайдиган залга чиқамиз, унинг деворлари тўппа-тўғри, тагида кўл суви ялтирар, қирғоқларини эса сариқ калцитли пўстлоқ қоплаб олганди. Хира ёриқликда атрофимизда минг бир турли ўсимталарнинг коллекцияси кўзга ташланарди. Энг муҳими, бу ерга ҳеч қачон инсон оёғи тегмаган, ҳамма нарса соф ва мусаффо эди. Фақат унинг ички қатламларидан эсаётган енгил шабада бу залнинг неча минг йиллардан буён ягона ҳукмрони бўлган.

Ғорнинг иккинчи қавати диаметри 30 метрлик кичик зал билан тугайди. Залнинг бир бурчагида эса кичик хонача бўлиб, ундан ҳақиқатан ташкил топган дарпарда осилиб турарди.

Сув чеккасидаги гурлар устидан секинлик билан ўтиб, театр саҳнасига ўхшаб кетувчи бурчагига етамиз. Унинг юзини табиат яратган улкан тош парда қоплаган. Саҳна юзида гуллар билан безатилган сталактитлар ва тош гуллар орасида узунлиги 10 метр, чуқурлиги 3 метрли сув ҳавзаси кўзга ташланади. Бу ўзига хос "сув башняси" Қопқўтоннинг қуйи қисмини сув билан таъминлаб турар ва гурлар орқали юриб яна 700 метрлик йўлак ғорнинг тагидан ошдик, кейин эса бир неча йиллик меҳнатимиз натижасида 6050 метр деган Қопқўтон ғоримиз–узунлиги 24

километрга етди. Умид киламизки, бу охири эмас. Давоми кутилмокда.

ЕР ОСТИДАГИ ЮБИЛЕЙ

"Спелеолог узок, кўпинча, муваффакиятсиз изланишларга тайёр бўлиши керак, лекин бир куни хеч кутилмаганда, у ер остидаги тинимсиз, сабр-токатли мехнат бирор бир ажойиб топилма билан такдирланади" деганди машхур Француз спелеологи Норбер Кастере.

Янги ғорларни излаб топишдаги асосий мезон бўлиб– спелеологнинг доимий омадга ишончи ҳисобланади. Бир вақтлар самарқандлик машхур карстшунос М.Абдужабборовга номдор олимлар ва академиклар қуруқ Ўрта Осиёда ғорни излаш, Саҳрои Кабирда сув излаш билан тенг деганда, у бунча қулоқ солмаган ва фан учун 100 дан ортиқ ғорларни кашф этган. Сабр-токат, ўз ишининг тўғрилигига ишонч натижасида ўзбек спелеологлари Ўрта Осиёнинг дунёга машхур классик карст регионларидек, ғорларга бойлигини исботлашга имкон берди. Бу жойда 17000 дан ошиқ ғорлар ўрганилган. Биргина Зарафшон тоғларидаги Қирқтоғ платосида 60 дан ортиқ тик қудуқлар борлиги, уларнинг чуқурлиги 20, 40, 100, 200 ва ундан чуқурлиги аниқланган. Улар ичида энг чуқури 930 метрдан ошиб кетди. Кўҳитангтоғда узунлиги 100 метрдан зиёд бўлган юзлаб ғорлар, узунлиги 1-2 километр бўлган, ўнлаб ғорлар ва кўплаб бир неча километрга чўзилган ғорлар бор. Шуларнинг ичида Қоп-Кўтон ғори спелеологлар мехнати билан узунлиги 24 километр эканлиги аниқланди.

Ҳозир ҳам кун бўйи ёриқлар ёрдамида бўлаклаб ташланган тор даранинг ёнбағирларини текширамиз. Бирорта ғор борлиги тўғрисида ҳеч қандай белги йўқ. Ўйламасдан қоя тагидаги ўнгирга кирамиз ва унинг тагида қорамтир доғ кўринади. Ҳиссиётлар–: мана бу ғор,-дейди. Балки оддий кавакдир? Қорамтир тешикка яқинлашамиз, ҳар бир қадамимиз гўёки бирор нокулай ҳаракати ёки нафаси билан турган кушни чўчитиб юборадиган овчига ўхшайди.

Бошқа саёҳат ошифталарнинг ёки ҳазина изловчиларнинг одатини билмаймиз, лекин спелеологлар ерости бўшлиғига киришдан олдин ўз иримлари бор: энг керакли асбоб-ускуналарни танлаб олишади, қайта кийинишади, фонарларни текширишади ва шундан кейин ғор ичига шўнғишади.

Паст қувурсимон йўлакнинг тагида юзтубан ётиб эмаклаймиз, чанг кўтарилади. Биринчи қаторда юрганлар унчаликмас, кейиндагиларнинг юзларини чангдан таниб бўлмайди. Йўлак охиридаги доирасимон тешикдан минг азоб билан каттагина хонага ўтамиз. Хайрият бу жойда тик туриш мумкин. Устимиздаги чангни қоқишга журъат этмаймиз. Бу хонанинг ҳавоси тоза, деворлари оппоқ қорсимон гипс қоплама билан қопланган, тагида ҳам шу моддадан ташкил топган табиий тош гуллар тўшалган. Фонар нури инсон чиқа олмайдиган юқоридаги йўлларни ёритади. Ўнг тарафга кенг лекин жуда паст йўл кетади. Бу "тери юлгич" йўлдан ориққина шеригимизни юборамиз ва унга ўн беш дақиқа ичида йўлни разведка қилиб келишни айтамиз. Шу вақт ичида у йўлнинг давом этиши ёки тугашини билиб келиши керак. Чап тарафда тўрт метрча баландликда ҳам каттагина тешик қорайиб кўринади. Гуруҳимиздаги энг бақувват киши тош устига чиқади, унинг елкасига навбатдаги шеригимиз чиқади ва ниҳоят энг енгил шеригимиз уларнинг устидан чиқиб юқоридаги тешик ичига эмаклаб кириб кетади.

Биринчи бўлиб ўнг тарафга кетган шеригимиз қайтади. Юзини буриштириб ҳисоб беради: бор йўғи 30 метрлик йўл экан.

Иккинчи шеригимизни кутиб ўтирибмиз. Олдимизда ва ёнларимизда моҳир устанинг қўли билан яратилгандай оппоқ гуллар билан безатилиб нақш берилган деворлар. Лекин, афсуски улар шунчалик нозик-ки, уларга қараб ҳаттоки нафас олсангиз сочилиб кетади.

Юқорида нимадир қимирлади. Бу кўршапалак эди. Ундан кейин ғорнинг эгасини чўчитган шеригимизнинг қадам товуши эшитилди.

-Охири кўринмайди,- товуши эшитилди унинг.

"Чорсу" деб номланган гумбазсимон залдан олдинга томон тўртбурчак шаклдаги йўлак кетарди. Йўлак тагида эса янги узилиб

тушган харсанглар, бўлакланган гипс бўлаклари ва майда тошлар тушиб ёпишиб келган нам лой қатлами бор. Хавотирланиб шифтга қараймиз, ҳаммаси ҳам тушиб бўлдимикан? Осилиб турган тошларнинг мустаҳкамлигига ишониб йўлимизни давом эттирамиз. Йўлак кенгайиб кенг залга айланади. Бу жойда ҳамма нарса бирламчи соф ҳолда. Девори оқ кристалл билан қопланган ва шаффоф кўринишга ҳам ўтиб кетади. Шифтда эса ҳар хил шаклдаги сумалаклар бир-бири билан чирмашиб кетган.

Уч соатда ғорнинг асосий йўли ва ёнбағирларидаги йўлакларни ўрганиб бўлгандан кейин биз ишга ўтамиз. Бу дегани– ғорнинг ҳамма бўлакларини топографик харитасини тузиш, бундан албатта унинг "тери юлгич," тор жойлари ҳам истисно эмас, тик юқорига кетган "орган трубалари" ёки тор қудуқсимон йўлаклари ва ҳоказоларнинг харитасини тузиш микроиқлимини ўрганиш табиий намлиги, ҳарорати, ҳаво ҳаракатини ўрганиш, ғор ривожланган тоғ жинсларини ўрганиш ва бошқа кўп нарсалар киради.

Бу ишларга саккиз соатга яқин вақт кетади. Лекин уларнинг ҳаммаси тугаб ғор оғзига қараб судралиб чиққанимизда биздан бахтли одам бўлмаса керак. Табиатнинг яна бир "майли унча катта бўлмаса ҳам" сири очилди.

Ғор "Юбилейный" деб аталди, чунки у экспедициямизнинг иш бошлаганига беш йил тўлган куни очилган эди.

Янги очилган ғорларнинг номи, агар маҳаллий аҳоли ўртасида маълум бўлса албатта ўзи қўйилади. Лекин номи бўлмайдиган номаълум ғорларга исм ўйлаб ўтирилмайди. Уларга шу жойнинг ўзидаёқ ном топилди. Масалан "Оралиқ" ғори. Бу икки маълум ғор ўртасидаги топилгани ёки "Кутилмаган" ғор. Бу ғорни бир неча кун излаб тополмаган вақтимизда бирдан сой ичидан чиқиб қолгани учун шундай деб атадик.

Спелеологлар ўртасида машҳур сўз бор: "Омад, омадсизликда." Бу дегани кун бўйи изланишлар тўлиқ омадсизлик билан тугайди. Янгилик топишга ҳеч қандай умид йўқ ва оч ҳамда чарчаган ҳолда оёқни зўрға судраб, дара ичидан база томонга юрамиз. Лекин кўзимиз бирдан ҳеч нарсаси билан бошқалардан фарқ қилмайдиган сой тубидаги қора доққа тушди. Унга бир

амаллаб етиб оламиз ва ичидан ғор учун хос бўлган нам ва салқин ҳавони сезамиз. Энгашиб қарасак, қоя ичига қараб кетган йўлга кўзимиз тушди. Бу - омад дегани. Шундай қилиб катта юқори сифатли ҳақиқ захирасига эга бўлган "Омад" ғори топилди.

Ғор оғзини орқамизда қолдириб, каврак ва бошқа ўтлар ҳиди тўлган кишини маст қилувчи ҳаводан тўйиб нафас оламиз. Осмон юлдузларимизнинг чарақлаган шодаси билан тўлган бўлиб, уларнинг баъзи бировлари даранинг қорайиб турган деворлари орасидан фонар янглиғ нур сочарди. Эшитиш қобилиятингиз нозиклашган, ғорнинг жим-житлигидан қулоғингизда пайдо бўлган жаранг йўқолганди. Шафақ қизариб, дара тагидаги қоронғулик тонгнинг биринчи ранглари билан аралаша бошлади.

СЕҲРЛИ ҒОРДАГИ ТОПИЛМАЛАР

Оппоқ саҳро қуёши аёвсиз қизитар, шабада осмондаги оппоқ булутларни ҳайдаб юргандай атрофга яқин йўламасди.

Биз дара чеккасида оёғимизни бўшлиққа томон осиб ўтирибмиз ва унинг тагидаги бодом бўталарининг соясига ҳавас билан тикиламиз, атрофимизда соя берадиган бирорта ўсимлик бўлмай, ҳозир дара тагидаги буталар биз учун етиб бўлмас Боғи Эрам эди. Атрофни разведка қилиш учун кетган гуруҳни кутаяпмиз, уларнинг келадиган вақти аллақачон тамом бўлган эди.

КЕЧКИ СУҲБАТ

Қуёш ботганига анча вақт бўлиб, унинг охирги нурлари ҳам уфқ ортига беркинган вақтда биз ўн соатдан ошиқроқ ишлаган ғоримиздан судралиб чиқдик. Бир соатдан кейин гречка бўтқамиз пишди ва шартли кечки овқатга ўтирдик. Шу вақт лагеримиздан юз метрча наридаги тепалик ортидан кимнингдир овози эшитилди. Бироз вақтдан кейин бизга шу ерлик бир чўпон яқинлашди.

Одат бўйича меҳмонни олдин тўйдириш, кейин суриштириш керак. У ошпазимиз узатган бўтқани иштаҳа билан еб олди, чойни ичгандан кейин бизни сўроққа тута бошлади.

- Мен сизларни беш кундан буён кузатиб юрибман. Наҳотки ғорга киришдан қўркмасаларингиз, у ерда коронғу ва қаҳрли руҳлар бор-ку? – савол берди чўпон.

-Ҳеч нима йўқ, биз ўрганганмиз.

Чўпон елкасини қисиб қўйди: кимгадир мол боқиш керак, кимдир эса ... Унинг думалоқ юзидаги ўзгаришни кўриб шуни тушундик-ки, бу одам бизга қандайдир қизиқ бир нарса айтиб беради. Шундай бўлди ҳам.

Чўпон шу атрофда жойлашган ва кўпчилик маҳаллий аҳоли ҳам билмайдиган сеҳрли ғор ҳақида гапириб берди. Айтишларича, Афғонистонга кочиб кетаётган Бухоро Амири шу одамсиз жойда қўниб, бойликларининг бир қисмини ўша ғорга яшириб қўйибди. Гапига қараганда, бир куни шу чўпон ўша ғор устидан чиқиб қолибди ва ундан бир неча қадимий танга топиб олибди. Кейин эса ғорнинг тагида кудуққа дуч келибди, унда эса олтин ва марваридлар ялтирармиш. Бу кудуққа у туша олмабди. Биз унинг гапларини эшитарканмиз, кулиб қўйдик ва ишонмадик. Бизни ишонмаганимизни кўриб чўпон қизишиб кетди: «эртага ўша жойга мен сизларни олиб бораман, ўзларинг кўрасизлар...» деди у асабий.

ЙЎЛГА

Меҳмонимиз бўлган ўша чўпон, қуёш чиқмасдан лагеримизга кириб келди. Биз тезда нонушта қилиб, сафар халтамизга арқонлар, халқалар ва бошқа алпинистлар асбоб - ускуналарини жойлаштирдик.

Биринчи қадамлар ҳамиша оғир бўлади. Бизнинг чўпонимиз тоғликлардай эркин ва чаққон юрарди.

Катта гипс қоя ёнидан айланиб ўтгандан кейин дара ёнидаги сўқмоқ билан юқорига юра бошладик. Қийинчилик билан тоғ ён бағрига чиқдик. Ёввойи бодомнинг буталари билан қопланган ёнбағир, қояли жарликка алмашди. Биз яна жарнинг тагига тушдик ва юқорига кўтарилдик. Энди олдимизда яхлит оҳактошли девор туриб, унинг юзини онда-сонда ёриқлар чизиб ўтганди. Арқондан фойдаланиб осилиб чиқишга тўғри келди. Чўпон эса арқондан фойдаланмади.

Ялонғоч қоялар, тош бўлаклари, яна қоялар 350 метрлик йўлсиз бўлак бир соат вақтимизни олди. Навбатдаги қоянинг устига чиқиб орқага қарадик, пастдаги кўз илғамас чукурликда сойнинг қуруқ ўзани кўзга ташланарди. Олдинда эса теп-текис сув айирғич майдон бўлиб қуёш нурига чўмган эди. Майдоннинг орқасида яна дара қирғоғи ва чукур жарлик кўриниб турарди.

-Ундан ҳам ўтиш керакми?

- Йўқ, деярли келиб қолдик, – деб тинчлантирди чўпон.

Ҳаммамиз енгил тортдик. Чўпон бизга тўхташ учун белги берди. Ўзи эса дара қирғоғи бўйлаб юриб кетди. Эҳтимол фақат ўзига маълум бўлган белгилар излаётган бўлса керак. Ниҳоят у тўхтади ва бизни чақирди. Биз узунлиги икки метрга, эни атиги 30 см атрофида бўлган ёриқни кўрдик.

-Қандай қилиб амир юкларни бу ёриққа киргиза олди экан,- киноя билан деди кимдир.

Чўпон унга ёқтирмай қаради, лекин индамади.

ХАЗИНА САРИ

Ингичка ёриқдан қийинчилик билан ўтиб паст аммо, кенггина камарга тушдик. Ёққан шамларимиз липиллаб ўчиб қолди. Шамолга чидамлироқ бўлган карбит лампаларни ишга туширдик.

Оёқ тагида чеккалари эгри-бугри қора доғ қудуқ кўринар эди. Сал нарида яна иккитаси кўринди. Тош ташлаб қудуқларнинг чукурлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Биринчи қудуқ чукурлиги катта ва тушишга қулай кўринди. Биз аллақачон бу учала қудуқнинг бирлашганига имонимиз комил эди, чунки учаласидаги шамол тезлиги бир хил эди. Арқонга карбит чироқни боғлаб туширамиз. Унинг хира ёриғида сув билан ювилган деворлар кўринади, кейин чироқ хиралашди. Чироқ ёруғи ҳар тарафга чайқалиб, 60 метргача таги тобора кенгайиб бориши кўриниб турарди. Қудуқ ичида спелеологнинг биринчи душмани ис гази йўқлигини аниқлаймиз. Арқоннинг 90 метрига етганда ғорнинг таги кўринди. Қудуққа қизил, сариқ ва оқ арқонлар ўрамларини очиб ташлаймиз. Ҳар бир арқонга тугунлар тугилади, ҳалқалар ва алпинистлар карабинлари осилади. Буларнинг

ҳаммаси бирон нарса бўлган тақдирда тушаётган спелеолог уч юз фоиз ҳимояланган бўлиши учун қилинади. Тик қудуқсимон ғорларда хавф нисбатан кўпроқ бўлади.

Биринчи бўлиб коронғулик сари орик ва чаққон шеригимиз тушиб кетади. Олдин биз унинг қудуқ чеккаларини ёритиб аста-секин тушишини кузатиб борамиз. Аста-секин у коронғулик ичига сингиб кетади. Оқ арқоннинг силкинишдан унинг ҳаракатини кузатиб борамиз. Қизил арқон эркин эшилиб турибди: демак, тушиш яхши бораяпти. Дақиқалар соатларга тенг бўлиб секин ўтаяпти. Ҳамма нафасини ютиб, оғир тинчликка қулоқ солиб турибди. Пастдан шартли белги келди: тагига етдим, арқон бўшади. Шу замон бошқалар ҳам бирин-кетин пастга туша бошлашди. Узоқ ва оғир кутиш даври бошланди. Ҳамманинг хаёлида бир фикр: пастда қандай? Блоклар тизимини тузамиз, арқонни қояга мустаҳкамлаймиз, ҳалқани ташқарига чиқариб оламиз. Бу нарса спелеологларни ташқарига осон чиқиб олишлари учун қилинади. Чунки, уларни ўз кучлари билан юзлаб метрга осилиб чиқишлари жуда қийин. Қутқарувчилар қизил арқонни кузатишар, биз эса дара чеккасида ўтириб белгини кутар эдик. Белгиланган вақтнинг еттинчи соатида сариқ арқон ҳаракатга келди. Ер остидаги катта чуқурликдан чиқаётган ўртоғимизнинг ҳолини тушунганимиз учун арқонни эҳтиёт бўлиб тортамиз. Мана биринчисининг боши кўринди. У қудуқ тик, таги кенгайиб кетганини айтди. Арқоннинг бирор жойга илиниш хавфи йўқлигини айтиб, бошқаларни тезроқ тортиб олиш мумкин, деди. Бошқа ўртоқларимизни курьер поезди тезлигида тортиб олдик.

ЎЛИМ ҚУДУҒИ

Пастдаги карбит чироғи ёруғи аста-секин яқинлашар эди. Ғорнинг тупроқли тагига қадам қўйиб спелеолог атрофга назар ташлади. Ғорнинг ҳажми уни ҳайратга солди: олдинга баландлиги 25 метрга борувчи зал кетар, эни эса 40-50 метргача етарди. Карбит чироқни чеккага олиб қўйиб юқорига белги берилди. Шу заҳотиёқ юқоридан майда тошлар шитирлаб туша бошлади: қаёқдандир унга коронғулик ичидан шерик келмоқда эди. Учала

ғоршунос бирлашиб зал бўйлаб разведкага кетишди. Ҳар жой - ҳар жойга улар махсус белги қўйишар, бу белгилар ғор лабиринт шаклида бўлганда, қайтишда ёрдам берар эди. Тахминан йигирма метрдан кейин улар конуссимон тепаликда учрашди. Энг биринчи уларнинг кўзига кўринган нарса баландлиги беш метрга етувчи пирамида эди. У юзлаб йиллар давомида сарғайиб кетган қўйлар, ёввойи ҳайвонларнинг суяклари, шоҳларидан ташкил топган эди. Баъзи бир бош суякларида жунли сарғимтир териси ҳам сақланиб қолганди. Шу жойда спелеологлар отнинг туёғини ҳам топишди.

Йигитлар ўйланиб қолишди. Қандай қилиб бундай тор тешикка, йирик ҳайвон сиғди экан? Лекин энг муҳим муаммо олдинда эди. Пирамидани айланиб ўтиб спелеологлар кенг хонага киришди. Унинг устида учинчи қудуқнинг таги қорайиб кўринарди. Пастдан юқорига кучли ҳаво оқими келаётгани ҳам сезиларди. Демак, шу атрофда ғордан чиқадиган яна бир йўл бор, деган фикр спелеологлар хаёлидан ўтди. Лекин деворни пайпаслаб ўтказилган изланишлар ҳеч бир натижа бермади. Шунда бирдан уларнинг кўзлари девор тагидаги тошга ёпишиб ётган қоплонга ўхшаган шарпага тушди. Ёкимли учрашув деб бўлмайди. Лекин бу ҳайвон ер остига қандай тушиб қолди, экан? Негадир тўғри келмайди. Ҳайратда қолган йигитлар яқин келганда, ундан ҳам даҳшатлироқ нарсага кўзлари тушди. Бу - қотиб мўмиёга айланган инсон жасади эди. У қуруқ ғор ҳавосида жуда яхши сақланган эди. Ундан бир неча метр нарида хўржун ва ип ўрамлари, пахта ётар эди. Спелеологлар улар ёнидан айланиб ўтишганда яна бир инсон бош чаноғига дуч келишди. Мўмиёни ярми чириб кетган кийими чўнтагидан ўртасида тўртбурчак тешиги бор мис танга чиқди. Танга тахминан V – VIII асрларда зарб қилинган эди. Демак, бу одам бундан 1000 йиллар олдин ҳалок бўлган. Қоплон эса ундан ҳам олдинроқ ўлган бўлиши керак. Акс ҳолда ер остига тушиб қолган оч ҳайвон одам мурдасини бурдалаб ташларди.

-Мана сизга амирни хазинаси! – деди шерикларидан бири атрофга хавфсираб қараб.

-Ҳа, сирли ғор,- деди иккинчиси, - ўзимиз билан нарсаларнинг бир қисмини ва хуржунни олиб мутахассисларга беришимиз керак. Текшириб кўришсин.

Йигитлар ғорнинг қолган қисмини текшириб ва иккинчи йўлни тополмасдан орқага қайтишди.

ТОПИШМОҚ

Бизни "Вертикальний", деб аташган ғорнинг муаммолари ўйлантириб қўйди. Фақатгина чўпон ўз фикрида қолди: пастдаги одамлар амирнинг лашкарларидан.

Ҳақиқатан ҳам? Қаёқдан бунча кўп суяклар пайдо бўлди? От қандай қилиб ер остига тушиб қолди? Нима учун одам мўмиёси бутун? Агар у юқоридаги тешикдан тушиб кетган тақдирда, юз метр баландликдан тошга урилиб бўлакланиб кетиши керак эди. Бу ерда қоплон нима қилиб юрибди? Саволлар, саволлар, жавоблар эса ҳали уларга йўқ эди. Уларга жавобни фақатгина спелеологлар эмас, олимлар ҳам бериши керак.

ОРАЛИҚ ҒОРИ ЙЎЛАКЛАРИДА

Терлаб-пишиб даранинг илон изи йўлакларидан юриб бораяпман. Бир тик қоялик иккинчиси билан алмашар ва бу чексиздек эди. Йўлда икки чеккадаги "хавфли" жойларни ҳам кўриб кетаяпмиз. Уларнинг баъзи бировлари унчалик катта бўлмаган 10-12 метрлик унгурлар. Баъзи бировлари одатдаги қоя бағридаги ёриқлар эди.

Дара пастлаша бошлади, бу унинг бошланган жойи яқинлашганидан дарак берарди. Навбатдаги буримдан кейин катта камарга тўғри келдик, унинг ичига кириб кетган йўлак кўзга ташланарди. Юрагимиз ўзи белги бера бошлади, наҳотки изланишимиз муваффақият билан тугаган бўлса.

Сафар халтамизни ечиб ташлаб ғорнинг ичига шўнғиймиз. Йўлак борган сари торайиб боради ва ниҳоят "тери юлар" жойга ва торгина ёриққа айланди. Омад келмаганда ҳамма вақт шундай бўлади. Лекин ёқилган шам ўчади. Ҳавонинг кучли оқими уни ёндиришга қўймайди. Бу эса девор ортида бўшлиқ борлигидан дарак берарди.

ДЕВОР ОЛДИНДА

Учинчи суткадан буён ёриқни кенгайтираяпмиз. Қоя куч бермаяпти. Бирор нарса чиқишига ҳам кўзимиз етмаяпти. Яна бир кундан кейин ўн иккита «шахтёр» гулхан олдида чой ичиб ўтирибмиз. Гаплашгимиз ҳам келмасди.

Кўҳитангтоғ ер ости ресурслари тамом бўлди, - кўзини ердан узмай гапира бошлади бир ўртоғимиз. Ахир Чинжардаги 10 кунлик қулдек меҳнатимизни эслангглар, тонналаб ташиб чиқилган қум ва лойлар. Кўзимизга маҳсулот берадигандек кўринган камарда охирги борган жойимиз икки тош бўлди. Уни айланиб ўта олмадик.

Иродаси кучли экспедициямиз аъзолари эса аксинча пессимистларни кўндира бошлашди. Кўҳитангтоғ – спелеологиядаги олтин ёнғоқ, уни тушуниш керак, у бизни ҳали қанча ғорлар билан тақдирлайди. Улар ўз фикрларини тасдиқлаш учун илмий аргументларни ҳам ўртага ташлашди. Геологияси, тектоникаси, литологияси...



Оралиқ ғорининг кириш қисми



Оралиқ ғори залларининг бирида



Оралиқ ғоридаги «Ҳақиқли бош»

Кечкурун Қарлуқдаги ғордан 7 километр узоқда жойлашган геологик партияга вакиллар юбордик. Бизнинг бахтимизга геологларнинг ўзлари ишимизга қизиқиб қолишди. Фақат бир нарсани сўрашди: ҳақиқ борми? Ижобий жавоб олингандан кейин улар эрта биланоқ лагеримизга керакли нарсалари билан етиб келишди.

Тушга яқин ғор ичида портлаш товуши эшитилди.

- Агар ғор оғзидан чанг чиқса, ҳамма ишимиз беҳуда,-деди портлатувчи мутахассис. Ярим соат ўтди. Камардан чанг чиқмади.

- Ура! Ғалабали ҳайқириқлар дара ичидан акс садо берди.

НОМАЪЛУМЛИК

Эртасига тонг азондан биз янги ғорнинг ҳар қандай кутилмаган тасодифларига тайёр ҳолда олдига келдик. Портлаш йўли билан яратилган тўрт метрлик янги йўлга бир-биримизни орқамиздан кириб борамиз. Фонус ёруғи биринчи залнинг деворларини ёритади. Бу жойда бирор киши бўлмаган, ҳеч кимни қадами калцит кристаллари билан қопланган полни босмаган. Ғорнинг деворлари соф мусаффо гипс гуллари билан безатилган, пастни эса ғор "узуми," – ампетелийлар шодалари босган. 20 метрлик баландликдаги шифтдан пластинкасимон оч қизил рангли сталактитлар қирралари ялтираб турарди. Бу ердаги ҳамма нарсага биринчи марта инсон назари тушган, шу сабабли қизиқ ва қимматли эди. Аста-секин, нодир гулларни синдириб қўймаслик учун авайлаб қадам босамиз. Етмиш метрдан кейин тик қирғоқ ёнидан чиқамиз. Арқон ишга тушади. Пастга карбит лампани осилтириб туширамиз. Унинг алангаси индикатор бўлиб хизмат қилади, агар у ўчмай ёркин ёнса ҳаммаси жойида, ғор тагида ҳавфли газлар йўқ. Янги ғорда ҳар хил кутилмаган нарсалар бўлиши мумкин, шу сабабли ўзимизни ҳимоя қилиш учун, мажмуавий эҳтиёткорлик чораларини кўришимиз керак.

Қоя ёнида яна кудуқ жойлашган бўлиб, унинг таги кўринмасди. Ундан арқон ташлаб ўтамиз. Йўлак янада кенгаяди. Кейин кенг зал, чорраҳа келади. Жануб томонга кенг ва шифти торайиб борувчи йўлак кетади. Тескари тарафида эса тор йўлак

кетган бўлиб, у ҳар хил ёриқлар билан бўлаклаб ташлаганди. Бир қатор тўсиқлардан ўтиб, оппоқ қор қоплангандек залга кирамиз. Бу жойдаги ҳамма нарса ялтирайди, товланади. Шифтдаги ковакларда гипс "гуллар," "типратиканлар," "астралар" жойлашган. Уларнинг баъзи бировларида йирик ва шаффоф, салгина сиёҳ рангдаги флюорит кристаллари, яшилроқ целистинлар кўзга ташланади. Бу минераллар шу жумладан, ҳақиқ тош ҳам ғорларда учраши кам бўлади ва топилганда ўша ғорнинг ҳуснини оширади. Бу жойда ер остида ҳам ҳақиқатан ажойиб табиат лабораторияси мавжуд бўлиб, минг йиллар давомида ташқи муҳит таъсирисиз табиатнинг сеҳрли мўъжизалари рўй беради.



Номсиз ғордаги зиёратгоҳ жой безаклардан бири «алвасти сочи»

ҚАДИМИЙ ДАРЁ ИЗИДАН

Орқамизда бир километр йўлак ва биз "Ажойибот" деб атаган зал қолиб кетди. У ерда табиат бир олам, ҳар хил шаклдаги

геликтитлар, ғор марвариди ва бутоқлаган коралларни йиғиб бетакрор гўзаллик яратган эди. Оёғимиз тагида эса қалин терра-росса деб аталмиш лой қатлами ётарди. Ҳозир эса "Оқ тошли" деб атаган залдаги вертикал девор олдидаги нинасимон гулларни томоша қилардик. Улар шу қадар тиниқ эди-ки, орқаларида йиғилаётган сув ҳам шиша идишдагидек кўриниб турарди. Буйраксимон тошнинг ўртасидаги тешикдан сув чиқиб турар, ундан ажралаётган эриган калцит эритмаси деворга аста-секин қатлам шаклида йиғилиб борарди.

Бу жойдан сал нарида "Оралиқ" ғорининг энг чиройли "Кўзачалар" зали олдида табиий дарвоза ўрнашганди. Залнинг чап қисмида – кулранг "осмонли" лойли саҳро, ўнгида - ажойиб готик усулидаги безаклар. Пакана ва кўринишидан чиройли бўлмаган сталагмит ҳурмачалар, пичоқсимон сталактитлар, нозик барглар ва буталар "типратиканлар," "гуллар," "узум," ялтироқ кристалларнинг нозик тизимлари – буларнинг ҳаммаси оқ гипсдан сутранг калцитдан, шаффоф флюоритдан ташкил топганди. Шифтдан эса нозик "тўр" тўқималари осилиб турарди. Бу "турлар" минералларнинг лентасимон кристалларидан ташкил топганди. "Ипнинг қалинлиги сочдан юпқароқ". Ғорлар пайдо бўлишда бундай ҳосилалар жуда кам бўлади. Бундай "турни" биз бошқа ғорда бир марта Қоп-Қўтонда учратганмиз холос.

"Юбилейний" залига кираверишда ғарбга бурилдик. Ер ости дарёси қирғоғига чиқдик. Унда сув кўринмас, лекин ҳавзаси шағал ва майда тошлар билан тўлганди. Бундай табиат дарёларининг юқори қисмига хос бўлади. Ер ости дарёси деворларида 2 метр баландликкача оққан сув излари сақланган. Буларнинг барчаси ғор деворининг юпқалиги сабабли сувни ташқаридан ер усти дарёсининг деворлари орқали олиши мумкин, деган фикрга олиб келди. Бу фикримизни тўғрилигини исботловчи ғор деворларидан чиқиб турган ёввойи узумнинг танасига асосланиб кейинроқ ер юзига чиқиб, ғор харитасини тўғрилаб топдик.

ЭРТАК

"Юбилейний" залининг харитасини тузиб бўлгандан кейин биз "корли" залга қайтиб келдик ва ер ости жарлиги билан ғор

бўшлиғининг остки қисмига тушдик. Бу жойда барча йўлак ва камарлар жуда ғадир-будир бўлиб, худди бирор нарса кемириб ташлагандек эди. Кенггина йўлак бизни шинамгина ва такрорланмас гўзал камарга олиб кирди. Унинг гўзаллигини таърифлаш мумкин эмас, фақатгина кўриш керак эди. Шифтдан улкан «қандил»лар осилиб турарди. Уларнинг ранги яшил ранг, сиёҳранг ва тоза қорнинг кўкимтир рангида эди. Уларнинг ҳажми унчалик катта эмас, лекин залга тўғри келар ва ўз ўрнига қўйилгандек эди. Кириш жойида рус темир қалпоғини эслатувчи сталагмит жойлашганди. Барча безаклар сариқ ҳақиқдан ташкил топган бўлиб, фонар ёриғи уларни кесиб ўтар ва товланар эди. Тепадан тўкилаётган сув томчилари пол юзасида юпқа тоғорасимон ғор марвариди ташкил этганди. Узунлиги 350 метр бўлган лабиринтни "Эртак" деб атадик. Йўлдан адашиб биз кутилмаганда ташқарига жар ёқасига чиқиб қолдик ва у ерда кичикроқ сув оқиб турарди. Ундан сакраб ўтишимиз билан Қизилқумга тушиб қолдик. Пастгина ва кенг залда бутун ғор сатҳини ҳақиқий сахроникига ўхшаш баландлиги 1 метрга етган барханлар қоплаганди. Қандай қилиб улар бу жойга ер қаърига тушиб қолди. Бу саволга хозирга қадар ҳам аниқ жавоб бера олмаймиз.

Кийимлар ифлос, чарчаган, аммо ўзимиздан хурсанд ҳолда ғордан чиқдик ва маълум муддатдан кейин келиб изланишларни давом эттирдик. Ҳозирча эса ўрганган қисмимиз 2200 метрни ташкил этган ёнбағирдаги йўлакларга ҳали қадам босганимиз йўқ эди.

СУРАТЛИ ҒОР

Минг йиллик азамат чинори-ю, зилол булоклари билан машҳур бўлган гўзал Сайраб аҳоли пунктидан ўтиб, катта ўзбек тракти билан 40 километрдан ошиқ йўл босгач ўнгга буриламиз. Водий тагидан ўнгдаги йўл билан юриб Гулдахна ва Нондахна, деб аталган дараларни кесиб ўтамиз. Олдимизда ўзининг тарихий суратлари билан машҳур бўлган Зараутсой турарди.

1939-йилда Кўҳитангтоғда кезиб юрган овчи ва табиатшунос И.Ф.Ломаев маҳаллий аҳолидан Зараутсойдаги ғорларда қизил

бўёқда ишланган ғалати расмлар борлигини эшитади ва қизиқиб кўради. Расмлар гўзаллигига маҳлиё бўлган сайёҳ иккинчи марта ўша йилиёқ Зараутсойга тарихчи Г.Ф.Парфеновни олиб келади. Г.Ф.Парфенов Зараутсой камарини мукаммал ўрганди. Унинг ҳисобича бу ердаги суратлар полеолит давриники, кейинчалик бошқа тарихчи А.Формазов бу ерда 200 та суратни санайди. Уларни бирмунча мураккаб ишланганлигини кўриб, улар инсониятнинг полеолитдан ёшроқ даври–мезолитда солинган, деб ҳисоблайди. Бу жойдаги шамол ва ёмғирдан ҳимоя қилинган ғорларда қадимий рассомлар томонидан 5-6 минг йил аввал солинган, суратлар ҳали гўзаллиги билан кишини ром этарди. Машина йўли бўлмаганлиги сабабли сўқмоқ йўл билан машҳур Зараутсойга кириб борамиз. Сой тагидан зилол ариқча шалдираб оқиб ётарди. Сўқмоқ йўл гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб сой таги билан олға интилади. Икки тарафда оҳактошлардан ташкил топган баланд қоялар қад кўтарган. Сўқмоқнинг ўнг тарафидаги сой тагидан 15 метрча баландликда, тик ёнбағирга жойлашган икки точкасимон ғорга кўзингиз тушади.

Машҳур суратли Зарауткамар шу эди. Анча қийинчилик билан тик ёнбағирдан ғорларга кўтариламиз. Улардан каттасининг эни 4,8 метр, баландлиги 3,5 метр ва чуқурлиги 3,2 метрга тенг эди. Ғор ичкари тарафида тик тўғри чизиқлар кўзга ташланди, лекин улар нималигини ажратиб олиш анча қийин эди. Ўзимиз билан олиб чиққан сувни деворга сепамиз ва унда моҳирона чизилган суратлар намоён бўла бошлайди. Мана чаққон чопиб бораётган ҳўкизлар сурати. Улар шунчалик моҳирона чизилган-ки, керилган бақувват кўкраклари олға ташланган, оёқлари бу чопишни қанчалик тезлигини кўз олдингизга келтиради. Овчилар орқалари ва елкаларига теридан қилинган қандайдир ёпинчиқлар билан ёпинган. Қўлларида ёйлар ва яна қандайдир қуроллар бор. Улар калтакка ҳам, Австралия бумерангига ҳам, шақилдоққа ҳам ўхшаб кетишади. Улар орасида итлар, ҳашаротлар фигурасига ўхшаб кетувчи суратлар ҳам бор. Эҳтимол бу ерда ов вақти сурати чизилгандир?

Бундан ташқари қандайдир тушуниб бўлмас тўғри чизиқлар, геометрик фигуралар ҳам мавжуд. Иккинчи ғорда ҳам шунга

ўхшаш фигуралар бор эди. Уларнинг фотосуратини олиб пастга тушамиз. Яна шу сўқмоқ билан олға юрамиз. Бирмунча юрганимиздан кейин чап тарафдаги кичик ғорга кўзимиз тушади. Қизиқиб ичига кирамиз. Бу нимаси?

Ғор ичида қизил оҳра билан солинган шакллар мавжуд эди. Лекин ушбу ғор тўғрисида шу вақтгача бўлган адабиётларда эслатилмаганди. Бу ерда кўпроқ ёзувлар мавжуд бўлиб қуюқроқ, тўқроқ ранг билан жимжимадор араб алифбосида қатор жумлалар бор эди. Юқоридаги оч қизил рангдаги йирик ҳарфларга кўзимиз тушди. Ҳа, бу эса қиррадор қадимий ҳинд ҳарфларидир-ки, худди шундай ҳарфларни спелеолог Л.Дядюченко Фарғона водийсидаги Чил-устун ғорида топган. Кейинчалик у ёзувлар собиқ СССР фанлар Академиясининг Ленинграддаги Осиё халқлари институтида ўқиб чиқилиб санскрит тили, девонагари формаси деб топилганди. Лекин у Фарғона водийси, бу ер эса Сурхон водийси – Зараутсой. Бу ёзувларни ким ёзган экан? Ҳинд саёҳими ёки фоний дунёдан воз кечиб бу ерларга келиб қолган дарвешми? Дарвоқе, Ҳиндистонда юзлаб ғорда жойлашган ибодатхоналар бор. У ерда минглаб дарвешлар ўз умрларини тоат-ибодат билан ўтказганлар. Эҳтимол улардан бири ёки бир гуруҳи бир неча асрлар илгари тоғлар ошиб бу ҳушманзара жойларга етиб келишган ва ўз умрларини шу жойларда ўтказгандирлар. Ҳар ҳолда Зараутсой асрлар давомида инсоният авлодлари яшаб, ўзларидан сўнг ўчмас излар қолдирган тарихнинг буюк қўриқхонасидир.

АЖИНАКАМАР ҒОРИДА

Кўҳитангтоғнинг шарқий ёнбағрида жойлашган бир ғор тўғрисида афсона бор. Бу афсонага кўра, гўёки бу ғор ичи ажиналар макони бўлиб, улар ғор ичида ўйин қилишар ва ўйиндан олдин ўзларига оро бериш учун ғорнинг ҳар жойига кўзгулар илиб ташлашган экан. Ғор ичи дид билан хилма-хил безаклар илиб, безатилган эмиш. Ғорга бориш учун Шероободга етмасдан ўнгга бурилдик ва тоғлар этагида жойлашган Хотак қишлоғига етиб келдик. Кўҳитангтоғ олдидаги бу қишлоқ гўзал жойда жойлашган

бўлиб, бир тарафида тоғ чўққилари виқор билан савлат тўкиб турар, иккинчи ёнида эса кўм-кўк дарахтлар билан қопланган сой чўзилиб кетар, сой ичида эса муздек зилол сувли ариқ оқиб ўтарди. Тоғ қишлоғи ёнида катта тепаликдан ошиб ўтишимиз билан гўзалликда тенги йўқ дарага тушиб қолдик. Боғлидара, деб аталган бу жойнинг таги текис бўлиб, унда хилма-хил ёнғоқ, гилос каби мевали дарахтлар ўсиб ётар, икки ёнидаги тик ёнбағирларда эса улкан биллур пиёлалардек тоғ лолалари қийғос очилганди. Бирмунча юрилгандан кейин дара иккига бўлинди ва ўртада Етимтоғ, деб аталган чўққи турарди. Чапга қараб кетган дара ичи билан юргандик. Етимтоғ шарқий ёнбағирдаги 6 метрча баландликда ғор оғзи қорайиб кўринди. Торгина бу жойдан ўтилганда улкан ғор ичи гумбаз шаклидаги биринчи зали намоён бўлди. Залнинг деворлари шокила-шокила шаклидаги улкан, гўзал сталактит ва сталагмитлар билан безалганди. Зал ўртасида вазни 30 тонна атрофида бўлган супа шаклидаги улкан харсанг ётарди. Залнинг чап қисмида қуйига кетувчи ғорнинг давоми кўринар ва бу йўлак зинапояга ўхшаб кетувчи қатламлардан ташкил топганди. Ғорнинг қуйи қисми бирмунча кенгаяр, деворлари узум доналарини эслатувчи хилма-хил сталактитлар билан безатилганди. Ғорнинг қуйи қисмида баландлиги 2 – 2,5 метрга етувчи, эни ҳам шунча бўлган гумбазсимон харсанг диққатимизни жалб этди. Бу харсангни баъзи бир жойлари фонар ёруғида кўзгудек ялтирайди. Қизиқиб қолиб катта қийинчилик билан бу харсангдан кичик бир бўлагини синдириб олдик. Ғор оғзига қайтиб чиқиб бўлакни текширганда, ўз кўзимизга ишонмай қолдик. Малла рангли, ялтировчи ва қисман шаффоф бу тош бўлаги–соф ҳақиқ бўлиб чиқди. Бир вақтлар шоҳ ва амирлар қабри устига қўйилган, Амир Темур мақбараси каби жаҳон меъморчилик обидасининг деворларини безаган ярим қимматбаҳо бу тош бўлаги қўлимизда турарди. Демак, Ажинакамар ғори деворлари, айниқса, туби ва ундаги харсанг тошлар ҳақиқдан ташкил топган бўлиб, бу ғор ҳақиқ тошли ғор экан. Маҳаллий аҳоли ҳақиқни ғор деворларида ялтирашини кўриб уни ажиналар кўзгуси деб, ғор шифтидаги табиий сталактитларни безаклар, деб ўйлашган ва шу сабабли ғорни ажиналар макони, деб ундан қўрқиб юришган.

КЎҲИТАНГТОҒ САРГУЗАШТЛАРИ

Шабнамли эрта тонг. Палаткали шаҳарчада тонг отмоқда.

Дарага кираверишимизда қуёш ҳам чиқди. Шу кунларда у негадир ёркин ва тиниқ. Нурлари тоғ тизмасининг тузилишини бўрттириб кўрсатар, оҳактошлар орасидаги ёриқлари янада кўзга яққол ташланарди. Шундай қилиб, биз ғор ишқибозлари нечанчи марта дара ичига кириб бораётирмиз.

Кўҳитангтоғ даралари қадимги дарёлар оқишининг ҳосилалари бўлиб, улар буюк музлик даврида тоғни ҳар хил йўналишда бўлаклаб ташлагандир. Тик деворларнинг баландлиги 800 метргача етган ҳолда, кенглиги 1-60 метр, гоҳида 100 метргача боради. Қурук даралар ичида юриш оғир, айни бир вақтда қизиқарли ва ёқимлидир. Ҳар бир бурилган жойи фақатгина гўзал манзара эмас, балки гўзал қаршилик ҳам яратиб олдинда улкан тош ўзани, шаршаранинг силлиқ ўрни, қоялар орасидаги илонизи сўқмоғи, майда тошли майдонлар чиқиб, уларда оёқ тиззасигача ботиб кетади. Гоҳида бир соат ичида бир километрдан ошиқ юриш мумкин, холос. Шунда ҳам қояга қозиқлар қоқмасдан, арқон ташламасдан, бир-бирини муҳофаза қилмай юрган тақдирда. Юз метрлик тик девор устида кўриниб турган ғорга етиш учун ўртача атиги ярим соатлик юриш керак. Лекин қояларга осилиб ўтиш учун бир соатдан ошиқ вақт кетади. Шунда ҳам гоҳида қоянинг тик қирғоқлари бўйлаб юрар экансиз, ҳаётда ҳамма ишни бажариб бўладими, деб ҳам ўйлайсиз.

Ғор оғзи жуда катта экан. Лекин унинг орқасидаги кенг ва паст йўлак қоя ичига 200 метр чўзилади. Деворнинг қора рангида оқ сталагмитлар ажойиб турда товланарди. Уларнинг баъзи бировларининг узунлиги 2 метргача боради ва гипс полдаги оқ қопламалар билан қўшилиб кетади. Охирги залнинг ўртасидаги ўнлаб сталактитлар тартибсиз ҳолда йиғилиб турган букри одамчаларга ўхшайди.

Бизни айниқса, кўршапалакларнинг минглаб тўдалари ҳайратга солди. Улар шифтда катор бўлиб узум бошларидек осилиб туришар, одам юзи олдидан чийиллаб учиб ўтишар, уларнинг тиши чиқиб турган учли тумшуқчалари ҳар бир тешик

ва ёрикдан чиқиб турарди. Ерда эса икки метр қалинликда уларнинг қотиб қолган ахлати йиғилиб қолганди. Деворлар тагида конуссимон шаклдаги, баландлиги 2,5 метр ва орасидаги диаметри 4-5 метр бўлган кўршапалак ахлатлари ётарди. Энг камтарона ҳисобга қараганда, минг йиллар ичида ғорда 40-50 тонна қимматбаҳо табиий ўғит йиғилиб қолганди.

КЎРКАЛАМУШЛАР

Лой ва шағал тоши билан тўлиб қолган ғорларни кавлаб олишни биз ўрганганмиз. Ёдимизда, бир неча йил олдин 300 метрлик тиқилиб қолган йўлни очиш учун икки ҳафта кеткизган эдик ва унинг орқасида 2,5 километрлик чиройли табиий ғор очилганди. Шу сабабли бу ишга биз доимо эътибор билан қараймиз ва ҳар ҳолда у кўпинча эътибор беришимизни оқлайди.

Олдинда "Кўркаламушлар" озғин ва ингичка спелеологлар кавлаб боришади. Тўлиқроқ спелеологлар эса улар кетидан бориб, тор йўлакни кенгайтириб боришади ва лой, тошларнинг ортиқчасини ташқарига ташийди. Беш соат ичида шу йўл билан 75 метр юрилди, ҳозирча тош йўлак ўз йўналишини ва бирламчи ҳажмини ўзгартиргани йўқ. Қоя ичига кириб борган сари шамол тинди, шам олови тикка бўлиб ёна бошлади. Мана, ниҳоят финал йўлак шифти 30 см гача пасайди. Энди энг муҳими, орқага чиқиш. Тор йўлакда бурилиш мумкин эмас. Ноодатий бир йўлдан фойдаланамиз, елкага ётиб олиб оёқ олдинда ҳаракат қиламиз. Чинжир дарасига қуёш нурлари деярли тушмайди. Бу жойда тинчлик ва кулранг қоронғулик ҳукмрон. Бу ерда кенг ёриқлар, камарлар ва улкан унгурлар кўзга ташланади. Ҳавза қуруқ, тошлоқ ва қачонлардир оққан сувларнинг шаршараси изларига бой. Янги ғорларни тинимсиз қидирмоқдамиз. Деворларни синчиклаб қараймиз, ҳар бир камарга бош тиқамиз, ёриқлар устида шам ёқиб ер ичидан чиқаётган шамолни излаймиз. Икки суткалик ишимиз ҳеч натижа бермайди. Изланишимиз бефойдалиги ҳаммага аён бўлиб қолди. Бунинг устига ичадиган сув ҳам тугаш арафасида. Ҳамманинг сувдонида 2-3 қултум сув қолди, холос, улар карбит лампаларни ишлатиш учун керак бўлади.

- Топдим! – қоя тагидан товуш эшитилди.

Торгина горизонтал ёриқдан ботинка чиқиб турар ва унинг эгасини аниқлаш қийин эди. Қисқа савол-жавобдан кейин "нотанишнинг" оёғидан тортиб чиқарамиз. У Лена Завгородная бўлиб чиқди. Лена ҳаяжон билан кўрганларини айтиб бера бошлади: агар полни кавлаб кўришса, албатта ғор чиқар экан. (14 с. 49-51)

ЎРОЛ

Бизнинг танишимиз Эшбой Ибрагимов қандайдир гапнинг орасида айтиб қолди, унинг кичик ўғли Ўрол ғорлар билан қизиқиб қолибди. 12 ёшли бола шу вақтгача Қоп-кўтонда, Ҳошимайиқда ҳам бўлган экан. Тош юракда эса бир ўзи саёҳат қиларкан. Унга Қарғалисойда, Қоп-кўтонда бир сойдаги ғор маълум экан. Биз бу сойда бир неча марта бўлганмиз, лекин бироита ҳам тешик, ковак топа олмаганмиз. Биз сойнинг геологик тузилиши ундаги асосий жинс бўлган оҳактошларда ғорнинг ривожланишига имконият бермас эди. Болакайнинг айтишига қараганда, бу ғорнинг ичида айиқ яшар экан, шунинг учун у ғорнинг ичига киришга журъат этмаган экан. Ҳа, текшириб кўришга қарор қилдик. Ёш бола ҳаммани гапига ишонтира олди. У бизни дарёнинг ён бағридаги илон изи йўллар, тагидаги тошлоқлар билан бошлаб кетди. Жой рельефи Кўҳитангтоғ учун хос бўлиб, ғорни кечаси ҳам, кундузи ҳам излаш мумкин эди, лекин натижа чиқмаслигига ва бу ерда ғор шакллана олмаслигига 100, 200, 1000 фоиз ишонар эдик. Ўрол ўзига ишонган ҳолда қоя тагидаги ёввойи узум ва бодом ўсиб ётган жойга юрди. Бу жойга келганда у тўхтади ва бизга қаради. Биз унинг қарашидаги маънони тушундик. Фақат шу нарса етишмай турган эди. Ўзбекистон жанубида айиқлар яшайди. Текшириб кўриш керак. Бир икки тошни отдик, лекин ириллаган товуш чиқмади. Ўрмонча ичидан ва қоя тагидан чиқамиз. Ўрол яшил йўлакка шўнғиб кетади, у кичкина ва чаққон, бизлар эса... Инқиллаб унинг оркасидан судраламиз ва кора туйнук олдидан чиқамиз, ундан ўзига хос ғор иси келиб турарди. Болакай тўғри айтган экан-ку, деган фикр ҳаёлимиздан ўтди. Ўрол ўзини бу жойни эгасидек

тутар ва барча ер ости йўлларини биларди. Фақат кўпчилик "тери юлар" йўллар унга бўйсунарди. Ғор ичида бир соатга яқин айланиб юриб, ташқарига эмаклаб чиқамиз ва танамиздаги юлинган жойларни ҳисоблаймиз. Ғор унчалик катта эмас–100 метрлар атрофида эди, лекин унинг атрофида бошқа ғорлар борлигини кўрсатувчи белгилар кўп эди. (14 с. 50-52)

ЛАБИРИНТДА

Кўҳитангтоғнинг жануби-ғарбий ёнбағри ва Қарлуқ чўлининг бирлашган жойининг ўзига хослигини геологлар кўпдан бери сезишган. Бундан Турон плитаси ва Жанубий Тян-шан бирлашган жойда миллион йиллар давомида мураккаб жараёнлар кетган. Океан тоққа жой бўшатиб берган, у ўз навбатида саёз, илиқ денгизга айланган, кейин саёзлашиб аста-секин курфазларга айлана бошлаган. Энг охири сув жанубга чекиниб, денгиз таги қуруқликка айланган. Ер ички қатламларидаги ҳаракатлар бу ҳудудни тоғлар ва текисликларга бўлиб ташлаган. Ва, ниҳоят уларнинг тўқнашган жойида хилма-хил фойдали қазилмалар, шу жумладан битмас-туганмас калийли тузлар хазинаси пайдо бўлиб улар усти гипсли қатлам билан ёпиб қўйилган. Бу қатлам кўп минг йиллар давомида ёрилган, аста-секин ювила бошлаган, атрофи ёғинлар таъсирида эриган. Шу сабабли бу чоҳ бўйлаб автомашинада юрган вақтингизда тагингизда бўшлиқлар мавжудлигини сезасиз. Бир куни биз ўпирилманинг тагига кўзимиз тушди, унда ичи бир метрдан ошиқ бўлмаган тешик қорайиб кўринарди. Чанг ва қумга кўмилиб унинг ичига бир амаллаб кириб олдик ва каттакон залга дуч келдик. У улкан гипс бўлаклари билан тўлган бўлиб, яқинда ўтган тошқин излари ҳам кўзга ташланарди. Шифтда осилиб турган харсанг бўлаклари ишонч туғдирмаса ҳам, қизиқувчанлигимиз ғолиб келди. Ҳар бир қадамда қоқила-сўқила биз зални айланиб чиқдик ва тик тушиб борувчи йўлакга тушдик. У ҳам тош бўлаклари билан тўлиб кетганди. Қиялик бўйича борганда, неча марта азимутдан чеккалашга тўғри келди. Тезда бўшлиқнинг тагига етдик ва кўринмаганлиги сабабли илиқ олтингугурт водороди мавжуд

сувли кўлга тушиб кетдик. Кутилмаганда ҳаммамиз сув ютдик: фақат кимдир кўпроқ, кимдир камроқ. Фонарларимиз шўъласи аста-секин хиралаша бошлайди. Қўшимча ёнилғи қуйиб, пайдо бўлган зални кузатдик. Унинг деворларида безаклар йўқ эди. Демак, оддий гипсли ғор. Фақат сувнинг ичидаги коронғуликда яшашга мослашган кўзсиз қурбақа ва балиқлар мавжудлиги бизни ҳайратга солди. Уларни ушлаш насиб этмади. Қўлимиз сув юзасига тегиши билан кўзсиз балиқлар ҳар тарафга қараб тумтарақай қочишар эди. Оркага қайтишда жуда секин юрдик. Чунки, кириш вақти йўлни эслаб қолмаган эканмиз. Лекин бу эҳтиёткорлигимиз ёрдам бермади. Тўрт соатга яқин адашиб юрдик. Янаги сафар қайтиб келиб, ўша йўлакларнинг топографик ҳаритасини тузганда, ҳайратдан кулиб юбордик. Ўша куни тўғри йўл билан бор-йўғи 300 метр юрган эканмиз. Маслаҳатлашиб ғорга "Лабиринт" деб ном бердик.

ЁРИҚЛИ ҒОР

Бу ғорни биринчи марта Туркман геологлари 1973-йил ўрганишган ва ундан ҳақиқ топилган эди. Ғорнинг номини ҳам улар қўйишган. Ғорнинг кириш қисми иккита– Булокдаранинг қуруқ ўзанидан 80 метр , баландликда жойлашган, иккинчиси эса 100 метр баландликда жойлашган. Ғор оғзига йўл тик ва сойнинг ичидан борилади, қоялар ва ёввойи бодомзор оралаб кетади. Ғорга етмасдан майдонча бўлиб, ундан 10 метргача тик девор кўтарилади ва бу девордан аркон ёрдамида ўтганимиздан кейин бир тўп дарахт тагида ғор оғзи қорайиб кўринади. Бу жойга кириб олсангиз 35 метр тўғри йўлак кўзга ташланади, унинг баландлиги 10-12 метр, тагининг кўтарилиб бораётган қиялиги 30-35 %. Йўлак қудуқ билан тугайди ва қудуқнинг биринчи қисмидан қийналиб ўта олсангиз янги 30 метрли йўлакка чиқасиз. Унинг қиялиги 50 градусгача етади. Ғорнинг йўлаклари давоми энди юқорига қараб кетган ва спелеологлар "орган карнайи" деб атовчи қудуқдан кейин давом этади. Унинг умумий узунлиги 165 метр, кириш қисми ва охири ўртасидаги кўтарилиш 100 метргача етади. Ғор қуруқ, лекин намгарчилик даврларида ундан чаккилар томиб

туради. Шамол айланиши яхши ва ғорнинг ҳамма қисмларида кўршапалаклар яшайди.

ГАНГ ҒОРИ

Маҳаллий аҳоли бу ғорни жуда яхши билишади. Чунки, у Тўнғиздара ва Қора белсай билан ясси тоғлик устидаги яйловга яқин жойда Имомқул ўлди ва Майдон яйловлари орасида жойлашган. Бунинг устига Туркман геологлари бу ғор олдидаги Эшак ел, деган жойдан ва ғорнинг ўзида то 75 метр чуқурликкача ҳақиқ конини излаб топишган.

"Ганг" сўзи туркман тилида "кана" деган маънони беради, ҳақиқадан ҳам ғор деворларидаги кавакларда ва шифтда кана, бургаларнинг бутун тўдалари учраб спелеологларга анча ташвиш туғдиради. Ғор номига кейинчалик "кон" сўзи ҳам қўшиб ишлатиладиган бўлди, бу сўзнинг пайдо бўлиши ғордаги ҳақиқ конини ўрганиш билан боғликдир. Ғорнинг кириш жойи Қарлуқ қишлоғидан 5 км, шимоли – шарқда. Тўнғиздаранинг супасимон текис устида 600 метр абсолют баландликдадир. Ғор оғзидан Хўжа қишлоғига қадар тупроқ йўл бор. Ғор оч кулранг оҳактошларда ривожланган. Кириш қисми кон қазиш ишлари вақтида баландлиги 2 метр, эни 3 метрли қилиб ёғоч устунлар билан мустаҳкамланган. Унинг орқасидан тўғри йўлак кетади ва ҳақиқ қазиб олиш натижасида у тўппа-тўғри йўлакга айланган. Йўлакнинг ўнг ва чап томонларида мураккаб шаклдаги баландлиги 0,2 – 0,3 метр чуқурлиги 3 метрлик камарлар мавжуд. Қазилган жойлар 75 метрда тугайди, ва пастгина 1 – 1,1 метрлиги баландликдаги йўлакка айланиб, у 15 метрдан кейин кенгайиб 6-8 метрга етади ва гумбазли залга олиб чиқади. Бу залдан шарқга тор қувурсимон айланаси, 1 метрли йўлак кетади, у 40 метрга чўзилади ва ҳажми катта бўлмаган деворларида кавакларн кўп бўлган залча билан тугайди. Ғорнинг йўлаклари, залларнинг деворлари сариқ ва оқ-кулранг рангли гипс тўшамалари билан қопланган. Ғор ўтиб бўлмас қия ёриққа айланиб тугайди. Унинг умумий узунлиги 150 метр, ғор ичи қуруқ ва дим. Ҳаво ҳаракати

узун йўлакларда озроқ сезилади, ҳаво ҳарорати ғор оғзида 32 градус, охирида 24 градус.

БЎШ ҒОР

Бу ғорни Тошюрак ғорининг ҳаритасини тузган замониёқ топдик. Бизни ўзининг нодир ва мукаммал гўзаллиги билан ром этган, Тошюракдан кейин ўрганган ғоримизни таққослаш натижасида олдинги ғор таассуроти билан янгисига бўш ғор, деб ном берилди. Чанг ва тош бўлакларининг кўплиги, ялонғоч қора деворлар ва қоронғулик ичига шўнғиб кетган баланд шифт. Бўш ғорни бир оғиз сўз билан шундай таърифлаш мумкин эди. Бу ғор куруқ дарасининг ўрта қисмида гипсдан тузилган Шифттепа тепалигидан шимоли-ғарбда 660 метр абсолют баландликда жойлашган эди. Ғорнинг кириш қисми жанубга қараган ва 400 метрлик оҳактошдан таркиб топган тик девор тагида–даранинг қирғоғида жойлашган эди. Ғорнинг оғзи қарама-қарши томондаги тик қирғоқдан яхши кўзга ташланиб туради. Ғорнинг кириш қисми улкан чиғаноқни эслатади. Яна 40 метр, баландлиги эса 15-17 метр. Лекин 10 метрдан кейинроқ у горизонтал ариққа айланиб кетади ва баландлиги 2 метр, эни эса 10 метр. Ғорнинг бу тор қисмидан кейин қисқа ва тик кўтарилиш бўлиб, кейин "Чангли" зал бошланади. Узунлиги 100 метр, эни 15-20 метр, баландлиги эса 15 метр. Қора ва ялонғоч деворлари қия ёриқлар билан "безанган". Унинг туби қалинлиги 0,5 метргача етувчи чанг ва зичлашган 1,5 метрли лой қатлами билан қопланган. Ҳамма жойда суяклар сочилиб ётибди. Бу жойдан шимол томонга пастлиги 1-1,5 метр ва эни кенг бўлган йўлак бошланиб, у 10 метрдан кейин "Чодирли" залга айланади. Бу залнинг баландлиги 15-17 метр, эни 15-20 метр, узунлиги эса 45 метр. Бу залнинг ҳавоси тоза ва ҳаракат сезилиб туради, ҳарорати 21 градус.

Залдан суякли йўлак бошланиб ғорнинг охирида бу йўлак тагида, хилма-хил суяклар сочилиб ётибди. Ғорнинг умумий узунлиги 205 метр бўлиб, у тектоник ёриқлар бўйлаб ривожланган ғорларнинг ёркин мисолидир.

КЎРШАПАЛАК ҒОРИ

Ушбу ғорнинг номи ундаги сон-саноқсиз кўршапалаклар сонига қараб берилди. Тахминий ҳисобларга қараганда, уларнинг сони юз мингга етиши керак. Кечки қоронғулик туша бошлаши билан кўршапалакларнинг учиб чиқишини қизиқиб кузатиш мумкин. Бу вақтда қизғиш қуёш нурларига чўмган дара оғзини бир зумдаёқ сон-саноқсиз кўршапалаклар тўдаси қорамтир рангга киргизади, тўда ҳавода мураккаб шаклларни бир неча дақиқа ичида ҳосил қилиб учиб юради ва қоя ортига ўтиб кўздан йўқолади. Ғор Тўнғиздаранинг ўнг тик ёнбағрида жойлашган. Унга йўл қуруқ сой таги билан кетади. Сойнинг навбатдаги бурилишидан кейин оқимтир оҳактошлар юзасидаги ғорнинг қопқора оғзи дарҳол кўзингизга ташланади. Кириш қисми сой тагидан 90-100 метр баландликда жойлашган ва шу сабабли унга етиб бориш учун алпинистлар асбоб-ускуналари: карабинлар, ҳалқалар, арқонлар, ҳимоя белбоғи ишлатишни талаб этади. Ғорнинг оғзи кенггина камар шаклидадир, баландлиги 18-20 метр, эни 30 метр, узунлиги эса 20 метр. Таги нурагач оҳактош бўлаклари, йирик тошлар, қум, лой бўлаклари билан тўшалган. Ғорга кириш жойида чиройли ёввойи бодом дарахти ўсиб турибди. Ичкарига томон кетган икки ёриқдан пайдо бўлган йўллар кўриниб туради. Чапга кетадиган йўлак полдан атиги 1 метр кўтарилган бўлиб, баъзи жойлардагина унинг баландлиги 2 метргача етар, эни эса 10 метрлар атрофида эди. Бу йўлак 25 метрга қадар кенгаяр ва узунлиги атиги 20 метрга етиб тугар эди. Шифтнинг энг баланд жойи 3-5 метрга етар ва унинг ҳар жойидан узунлиги 2-5 дан 10-15 сантиметрларга етувчи майда сталактитлар осилиб турарди. Ўнг тарафдан йўлак ғорнинг тагидан 5 метр баландликда жойлашганди. Бу йўлакнинг кенглиги 12 метр, баландлиги эса атиги 2 метрга етар эди. Бу йўлак кўршапалаклар залига олиб боради. Йўлакнинг узунлиги 95 метр бўлиб, икки қисмга бўлинади. Биринчиси – 325 азимут бўйича 30 метргача чўзилиб тугар, эни 10 метр, баландлиги 1-1,2 метрдан иборат эди. Иккинчиси эса 110 градусли азимут билан 80 метрча чўзилар, эни 13 метр, баландлиги 1 метрни ташкил этар, охирида эса 17-20

метргача кенгаяр эди. Шифтнинг эни баланд жойи 2-2,5 метрлар атрофида эди. Бу ғорнинг қизиқ жойи ундаги кўршапалаклар қолдиқлари ва девор безаклари эди. Ғорнинг таги қалинлиги 0,5 та 1,5 метрга қадар бўлган ва зичлашган кўршапалаклар гунги билан тўлган эди. Асосий йўлак бўйлаб эса 60 та гунгнинг конуссимон уюмларини кўрдик. Уларнинг баландлиги 1-4 метрдан 2-3 метргача, асосининг айланаси эса 2-3,5 метрлар атрофида эди. Баъзи бир уюмлар шифтга қадар чўзилиб борганди. Бундай уюмлар пайдо бўлишига асосий сабаб ғор шифтидаги улкан камарларда ва ғорнинг эҳтимол иккинчи, юқори қаватида яшовчи кўршапалакларнинг ахлатини юқори қаватдан пастга тушиб, йиғилиб қолиши сабаб бўлган. Бундай гунг 1100 кв. метр майдонни эгаллаган бўлиб, ҳисобимиз бўйча унинг захираси 20 минг тоннадан кам бўлмаслиги керак эди.



Кўршапалак ғорининг шипидаги гипс биллурлари

Пастдан ўсиб чиқувчи органик ўсимталар йўқ жойда эса юқоридан пастга ўсувчи гипс ўсимталар, 5-100 сантиметрли сталактитлар ривожланган эди. Баъзи бир организмлар ҳисобига

пайдо бўлган сталактитлар билан тош гипс сталактитлар қўшилиб кетишганди. Кўршапалак ғорининг асосий йўлаги узунлиги 175 метр, шимоли-ғарбий тармоғи билан 205 метр камарлари ва чап йўлакчаси билан ҳисоблаганда 245 метрни ташкил этарди. Мана шу жойларнинг ҳаммаси юз минглаб кўршапалаклар кундузги ёруғидан кочишиб, худди узум шоналаридек қатор-қатор осилиб ётишар, бирон шодага тасодифан тегиб кетсангиз, атрофингизни коронғуликдек чўлғаб олишади-ю, товушсиз йўқолишади.

ЕРНИНГ ИССИҚ ВА СОВУҒИ

Қуёшли баҳор кунлари бирданига совуқ ҳаво билан алмашди. Ғарбдан паст ва кулранг булутлар сузиб келишар ва осмон қорамтир рангга кирди. Гувиллаб келган совуқ шамоллар чанг кўтарар, уларни кичкина гирдоблар қилиб чўл юзасидан аёвсиз қувар, кавракнинг шоҳларини, дарахт бутоқларини қайирар, атрофимизда думалоқ чўл ўтлари подалардек тўп-тўп бўлиб думалаб ўтишарди. Чодиримиз шамол билан мардонавор олишар ва унинг пақиллаши, арқонларнинг ғижирлаши узоқ-узоқлардан эшитиларди. Енгилганини тан олган қиш яна курашга киришганди.

Эрталаб ғорга кириб кетаётганимизда ҳеч қайсимиз қандайдир олти соат ичида ҳаво шунчалик айнир, деб ўйламаган эдик. Бу жойда ер тагида оғир рутубатли иссиқ турарди. Термометрнинг қизил чизиғи +21 градусни кўрсатарди. Биз Ҳошимайиқ ғорининг чексиз йўлаклари билан юрар эканмиз ўзимизни тропик ўлкада юргандек ҳис қилардик. Тропик таассуротни ғордаги сталактит ва сталагмит "чангалзорлар", "лианалар", "жингиллар" кучайтирар, фақатгина атрофимиздаги ўлик тинчлик қаердалигимизни ёдимизга тушириб турарди.

Ер юзасида эса – ҚИШ! Санчиб олувчи шамол тинчлик бермас, шусиз ҳам совуқ чўлни музлатиб юборишга ҳаракат қиларди. Ҳаво ўлчагичимиз нолдан беш градус паст ҳароратни кўрсатиб турарди.

- Балки ғорда тунармиз? – кимдир таклиф қилди, лекин уни ҳеч ким қўллаб-қувватламади. Чунки ер остидаги ҳаракатсиз оғир

ва дим ҳавода ухлаш қийин эди.

- ЭВРИКА! – бирданига қичқирди шерикларимиздан бири ва шамолга томон чаққон чопиб кетди ва каттакон тош олдида тўхтаб у ерда ниманидир қидира бошлади. Бизга унинг "ТОПДИМ"-деган ҳайқириғи етиб келди. Биз иштиёқсизлик билан у томон юрдик. Шеригимиз эса тиз чўкиб турганича қўлини тирсагигача ердаги тешикка тиқиб турарди, бундай тешикларнинг 20 таси бир йўналишда тизилиб туришарди. Уларнинг чеккалари қалин моҳ билан қопланганди. Тешикдан одамга ҳузур бахш этувчи илиқ ҳаво чиқиб турарди. Термометр +18 градус. Узоқ ўйлаб ўтирмай биз тошни суриб ташладик ва чодирни олиб келиб тўғридан-тўғри тешикни устига ўрнатдик. Бир неча дақиқадан кейин чодирга иликлик югурди. Шундай қилиб, бир неча кун давомида табиий "иссиқхона" бизнинг жонимизга оро кирди. Бизнинг фикримизча, бу илиқ ҳаво билан чодиримизни ўзимиз ўрганган ғор таъминлар экан. Совуқ кунларда совуқ ҳаво тошлар орасидаги ёриқлардан аста-секин тушиб ғорнинг оғзига йиғилади ва унинг ичига киради. Ер остидаги илиқ ҳаво эса енгил бўлгани учун бостириб келаётган совуқ ҳаво таъсирида юқорига кўтарилади ва ғор шифтидаги тешиклардан юқорига кўтарилиб чиқади. Бизнинг экспедициямиз мана шундай тешиклар устига жойлашиб олган эди. Эртаси куни бундай топилмадан кейин ғор ичи ҳароратини бир неча жойда ўлчадик. Улар орасида 2-3 градусгача фарқ чиқди. Бу совуқ ҳаво таъсирига ўзгарган эди.

Ёзнинг саратонида тескари жараён кўзга ташланади. Бизнинг экспедициямиз уч кундан бери Кўҳитангдарё ҳавзасидаги нодир ғорлардан бирининг топографик харитасини тузаётган эди. Иш кунимиз эрталаб соат 6 дан бошланиб, кечаси соат 11 гача давом этарди, кейин 45-46 градусга етувчи ёз саратони харорати бошланади. Бир куни тушдан кейин иссиқ ва чанқовдан тинка мадоримиз қуриб, лагерга тушганимизда, навбатчи бизга муздек тишни зирқиратадиган сувни узатди.

"Холодилник" топиб олдим деб тушунтирди у ва гипс моддасидан ташкил топиб ёрилиб кетган қоя ёнига олиб борди. Одам бўйи баландлигида унчалик кенг бўлмаган ёриқ кўзга ташланарди. Ундан катта тезликда совуқ шамол эсиб турарди. Шу

заҳотиёқ термометрни олдик. Унинг атрофидаги ҳаво ҳарорати +46 градусни кўрсатиб турарди. Ёрик ичига қўйилганда эса +10 градусни кўрсатди. Бу тешик устини чодирдек ўраб ёнида жой қилиб, "ихтиромиз" ўзини кўрсатди. Совқотиб кўйлак кийишга тўғри келди. Навбатчи ўша ёрикқа разведкага эмаклаб кириб кетди... ва беш дақиқадан кейин кўкариб кетган юзини тириштириб, совукдан қотган қўлларини буклай олмай чиқди. Бу жойни пайдо бўлиш қонунини кейинроқ тушундик. Исиган ҳаво атрофида паст босимли ҳудуд ҳосил қилади. У пастдаги босимли ғор ҳавзасининг отилиб чиқишига сабаб бўлади. Ташқаридаги ҳаво ҳарорати қанчалик юқори бўлса, ғордан ҳаво шунчалик куч билан отилиб чиқади ва ҳаво айланиши кучайтириб совуқ пайдо бўлади.

ЕР УСТИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Кўҳитангтоғ--улкан Хисор тоғларининг жануби-ғарбий тармоғи ёки Жанубий Тян-Шан тоғларининг саҳро олдидан кўтарилган охирги кўрикчиси ҳисобланади. Тузилиш жиҳатидан у тўғри бурчакли учбурчак шаклидаги тоғ бўлиб, тик қояли тарафи шарққа, қия лекин даралар билан бўлакланган қисми ғарбга қаратилган. Пашхурт ботиғи тугаган жойда унинг бир километрлик улкан ва тик девори кўтарилади, тескари томони эса Кўҳитангтоғ бўйлаб қия кетади ва аста-секин қизил рангли бўр даври ётқизиклари ичига чўкиб кетади. Тоғ тизмаси қалинлиги 900 метргача етувчи мустаҳкам оҳактошлардан ташкил топиб, улар юқори эра даврида ёки 160 миллион йиллар олдин унчалик чуқур бўлмаган ва илиқ сувли денгизда яшаган кўп сонли чиғаноқли майда организмларнинг, оҳакли чиғаноқларнинг йиғилиб қолиши натижасида пайдо бўлган. Бир вақтлар яхлит ва бир бутун бўлган бу тошлар кейинчалик сайёрамизда бўлган ҳаракатлар натижасида сиқилган ва қатламларга бўлинган. Ўша сиқилиш ва кенгайишлар натижасида яхлит қояларда яна тик ва қия ёриқлар пайдо бўлган. Мана шу тўғри қатламлар орасидаги ёриқлар ва тик қия ёриқлар Кўҳитангтоғдаги оҳактошларни кейин аста-секин эриши билан қўшилиши натижасида унда тор ва тик

даралар, кенг ер ости бўшлиқлари, тик қудуқлар, шахталар, воронкасимон ўприлмалар пайдо бўлишига сабаб бўлган.

ЕР БАҒРИДАГИ ЁРИҚЛАР

Ўзининг бирламчи ҳолати билан улкан чиқиб бўлмас, садосиз ва сувсиз даралар ёки илмий тилдаги конъонлар ҳайрон қолдиради. Уларга қарар экансиз машҳур Америка фильмларида кўрсатиладиган конъонлар ҳам ҳеч нарса эмаслигига ишонасиз. Улар оҳактошли қатламларни 700-800 метргача ёриб кириб боради ва эни атиги 50-100 метр атрофида бўлса, гоҳида 1,5 метргача тораяди. Даралар чеккалари одатда текис ва тик бўлади. Машҳур Дарайдаранинг тик қирғоқлари ярим километргача кўкка бўй чўзиб боргандан кейин деярли бирлашади. Бутун сутка давомида бу даралар тагига қуёш нурлари атиги 2-3 соат давомида тушади, холос. Кўпинча тоғ қаъридаги бу ёриқлар махсус асбоб-ускунали алпинистлар учун ҳам ўтиш муаммо бўлган жойга айланади. Айниқса, дара орасидаги бир вақтлар оққан сув излари, яъни 100 метр ва ундан ҳам йирик бўлган шаршара излари ўтиб бўлмас муаммога айланади.

Даралар тоғ бағридаги қадимий ёриқлар бўйлаб жойлади ва 3000 метр баландликдаги Айрибобо чўққисидан елпиғичсимон ҳар томонга тарқалади. Уларнинг кўпайишига яна ўша майдоннинг кейинги 35 миллион йил ичида, яъни жанубий Ўзбекистон майдонига денгиз сувларини йўқолганидан кейин таъсир этган нураш жараёни ҳам катта таъсир этди. Айниқса, инсон пайдо бўлган вақтдан бери таъсир этаётган ер усти оқимлари таъсири уларнинг шаклланишини охирига етказган. Бу даврда яъни 600 минг йил ичида Кўҳитангтоғ устида салқин ва нам иқлимлар алмашиб турган. Масалан, бу майдонда ҳозир йилига 130-150 метр ёғин қор ва ёмғир шаклида ёғса, ўтган музлик даврларида шу миқдордаги ёғин-сочин бир ҳафтада ёғиб ўтган. Шундай қилиб, Кўҳитангтоғ даралари, музлик давр ҳосилалари ер курасида бўлиб ўтган ҳаракатларнинг маҳсулоти бўлиб, унинг охири портлаши 10-12 минг йил олдин бўлган.

Даралар билан бир вақтда ер остидаги майда ёриқлар кўп

сонли ер ости бўшлиқлари - ғорлар шаклланиб, ер устига чиқиб қолганлари, инсон ҳозирги ўрганиш манбасига айланган. Ғорлар ўтган ҳозирги замонларда ва ҳам кўринмас ер ости сувларини ҳаракатлантирувчи ўзанлар бўлиб, улар эрувчан тоғ жинслари оҳактош, гипс, доломит тузларини эритиб ўзларига йўл очишган, кальций, магний, стронций, магний ионларга тўпланган эритмаларини ер остидан ер устига олиб чиқишган. Кейинчалик қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида бу эритмаларнинг ва сувларнинг ер остидан чиқиши кескин камайган, карст жараёни секинлашган. Ер ости бўшлиқларининг ривожланиши бошқа йўналишда кета бошлади. Ғорлар ичида уларнинг безаклари: деворларида дарпарда қопламалар, ғор сатҳида сталактитлар, каролитлар, шифтда геликтитлар, сталактитлар, ҳар хил гуллар, кўллар атрофида эса ғурлар, капролитлар, ғор марвариди пайдо бўлди. Албатта, ер ости бўшлиқлари пайдо бўлиши давом этаяпти, лекин унчалик тез эмас. Ер устида ётган Кўҳитангтоғ ҳозир улкан яширин бўшлиқ шаклида танасига ҳар қанча миқдорда ёғинларни йиғиб ололади ва сақлаб туради. Тоғ бағридаги яширин каналлар орқали кўп асрлар давомида йиғилган ер ости сувлари бир-бири билан боғланади ва тежамкорлик билан ер устига булоқ бўлиб чиқади. Қора оҳактошлар орасидан чиқадиган булоқлар сифати ва таъми юқори даражада бўлиб, ҳарорати +13 градусдан +21 градусгача етади. Чеккароғида гипс моддалари ичида жойлашган сувлар эса бирмунча шўррок. Чунки, оҳактошлар сувда секин эригани учун суви тоза бўлади, гипс моддаси, сувда тез эригани учун, улар сулфат кальций билан тўйинган бўлади.

ХЎЖАИ – ФИЛ ОТАДАГИ ФИКРЛАР

Афсонада айтилишича: Искандар Зулқарнайн жуда кучли ва ақлли эди. Сўғдиёнада жанг олиб борар экан, у жангчилардан олдин жанговар филларини қўяр, улар эса найза сингари душман сафларини ёриб ўтар эди. Лекин Кўҳитангтоғнинг ғарбий соҳилида бўлиб ўтган жангда сўғдлар ўзларини мардонавор тутишди, Искандарга эса улкан филлар ҳам ёрдам бермади. Қонли жангда сўғдлар Искандар филларини ҳам кочишга мажбур этишди

ва бу жанг шунчалик кучли бўлди-ки, ҳаттоки филлар изи тоғ устига тушиб, бу жойни шу вақтдан бери "Хўжаи фил ота" деб аталар экан. Бу афсона магнит сингари кўп саёҳатчиларни Кўҳитанғтоғнинг ғарбий ён бағрига тортади. Ҳақиқатан ҳам бу майдонда тоғ устида 2500 дан ортиқ излар топилган бўлиб, буларни олимлар йўқ бўлиб кетган улкан калтакесаклар – динозаврлар изи эканлигини аниқлашди. Бу изларни умумий узунлиги 10 километрга етади. Майдоннинг ўртасида излар энг зич жойлашган бўлиб, 1365 та из топилди. Сари қия, деб аталган жойда излар 22 қатор ҳолида бўлиб 360 та из жойлашган. Юқори Юра даври қатламларида бунчалик кўп излар ер шарида биринчи марта топилган бўлиб, бунга ўхшаган бошқа жой учрамайди. Туркманистон Фанлар академияси академиги К.Алланиёзов бу изларни ўрганиб, уларни 3 та янги типга Туркменозаврус, Ҳоджафилазаврус ва Гиссаразаврусга бўлади. Туркменозаврус икки оёқли динозаврларга кириб, оёғида учта йўғон баргсимон бармоқлари бўлган. Унинг оёғи кафтнинг юзаси изининг яримидан кўпроғини эгаллаган. Эҳтимол бу улкан ҳайвоннинг филсимон излари қуйидаги афсона пайдо бўлишига сабаб бўлгандир.

Ҳоджафилазаврснинг- уч бармоқли оёғи бўлган, бармоқлари анча чўзиқ, ўртанчаси олдинга чиққан, охиргиси биринчисидан калта бўлган. Гиссаразаврус икки оёқли, лекин бармоқлари тўртта, кафти кенг ва тўғри бурчакли бўлган. Бу барча излар юкори Юра даврининг қатор қота бошлаган оҳактошларни устига тушган ва қотиб қолган. Марказдаги барча изларнинг ўзига хос хусусияти, уларда бармоқлар товонга нисбатан кўпроқ босилган бўлиб, ҳайвонларни биров қувлаётгандек тез юрганини кўрсатади. Бизларни марказдаги излардан чеккарокдаги унча катта бўлмаган ва динозавр изларига параллел кетаётган бир қатор из қизиқтирди. Уларнинг айниқса биттаси ... ялангоёқ одам изини эслатарди. Бу изнинг узунлиги 26 см бўлиб, ҳозирги стандарт бўйича 43 размерга тўғри келади. Лекин бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳозирги фан маълумотига кўра, инсон ёши унчалик катта эмас. Ҳозирги одам ёшини бир неча минг йилга тенг деб олсак, ерда улардан олдин қадимги одамлар палеонтроплар яшаган,

улардан олдинроқ питекантроплар "маймун одамлар", ҳозирги одамлар авлодлари яшаган. Бу авлодларимиз ёши ярим миллион йил атрофида бўлган. Австралопитеклар очилгандан кейин инсон ёши миллион ёшга етади. Антрополог Луис Ликнинг шарқий Африкадаги топилмасидан кейин инсоннинг авлодлари ёши 1,5 миллион йил, Джохонсон томонидан топилган одамсимон маҳлуқ қолдиқлари (у ҳам одамга ўхшаб икки оёкда юрган) 3,5 миллион ёшда, деб ҳисоблашишади. Мана одам ёки одамсимон ҳайвонлар бор, деб топилган охирги чегара. Лекин бу ҳолда Кўҳитангтоғ устидаги динозаврларни қувиб кетаётган одам ёки одамсимон ҳайвон излари қаёқдан келди? Ахир бу ердаги динозаврлар ёши 150 миллионда-ку? Бундан ташқари бизга маълумки, барча динозаврлар жуда тез ва қисқа вақт ичида бўр ва учламчи даврлар ўртасида тахминан 65 миллион йил олдин ўлиб кетган. Бундай ўлиб кетиш сабаблари ҳали аниқланмаган бўлиб, фақат гипотезалар яратилган ва уларга кўра динозаврлар: иқлим ўзгариши туфайли, вулқонлар отилиши ёки тектоник ҳаракатлар кучайиши, сут эмизувчилар динозаврлар тухумини еб қўйиши сабабли бўлган, умуман, бу ҳақда 80 дан ортиқ гипотеза яратилган. Нима бўлганда ҳам ҳозирги фан маълумотларига кўра, одам ва динозаврлар изи яқинлашмаслиги керак эди, ахир улар ўртасида камида 61,5 миллион йил ётибди. Лекин шундаймикан? Фанда Кўҳитангтоғдаги излардан ташқари яна бир неча инсон ва динозаврлар изи бирга учраган жойлар маълум. АҚШдаги Пелекси Ривер ҳавзасида (Техас штати) "Инсон излари" динозаврлар изи билан бирга учраган. Ҳаттоки, бу "инсон" динозаврларни қувиб кетаётганга ўхшайди. Америкалик палеонтолог К.Догерти Техасдаги "Улканлар ҳавзасида" юзлаб динозаврлар изини топганлигини, улар ёнида эса ялангоёқ "инсон излари" учраганини ҳикоя қилади. 1931-йил америкалик геолог Г.Барру 250 миллион ёшдаги тоғ қатламларида топилган "одам" излари расмини кўрсатади. Худди шундай 10 та изни у Маунт-Вернандан бир неча мил шимоли-ғарбда топган. Балки бу излар қалбакидир. Лекин Г.Барру олган фотосуратларда ҳаттоки, товон босган жойдаги қум доналари, бармоқ ораларидаги жойларга нисбатан зичроқ босилганлиги ҳам кўриниб турибди. Ҳақиқатан

ҳам фактлар фан томонидан тушунтирилиши қийин ва одам ёки одамсимон маҳлуқлар изини геологик эра ва даврлар ичида динозаврлар ёнида кўриб турибмиз.

Лекин кейинги вақтлар ер шарининг кўп жойларида ўтган геологик даврлар ичида инсон табиий изи эмас, ҳаттоки, "ақлли одамнинг" қолдирган фаолияти излари ҳам топилмоқда. 1798 йил шарқшунос Диц Турк султони Салим Шни тахтга ўтириш вақтида ундан қизиқ бир тарихий ҳужжат олишга муваффақ бўлди. Бу чиройлик қилиб безатилган географик атлас варақлари бўлиб, у сўзлар билан изоҳланган эди. Бу атлас бетидаги ёзувларга қараганда, XVI асрда Турк султонига совға қилинган, кейин султонлардан бири бу атласни ундаги чиройли ҳар хил давлатлар, халқлар, ҳайвонлар расмлари борлиги учун ҳарамга берган эди. Диц уларни шундай ҳолда тарқоқ варақлар ҳолда қўлга туширди. 1811-йил у ўз топилмасини эълон қилди. Шундай ҳолда Европа "Баҳрия" атласи ва унинг муаллифи турк адмирали Пири Рейс билан танишди. Пири Рейс ўз даврининг ҳаёти жангу жадалда ўтди. У Лепортодаги жангда қатнашган, Миср капитани бўлган португаллар билан Қизил денгизда жанг қилган, Аденни босиб олган, Хормузни қамал қилган. Лекин Пири Рейс ҳарбий маҳорати билан эмас, балки тузган денгиз атласи "Баҳрия" билан шуҳрат қозониб, бу харитада Ўрта ер денгизи соҳиллари, ороллари, кўрфазлари аниқлик билан кўрсатилган эди. Харитадаги ёзувлардан бирига қараганда, 1513-йилда Пири Рейс дунёнинг катта атласини тузган ва унда 14 бошқа хариталар шу жумладан, 8 та Птоломей даври хариталари ва битта якинда тузилган ғайриддин Колумб номли сайёҳ харитасини ишлатган. Бу харита тўғрисида айниқса асримизнинг 20 – йилларида бутун жаҳон гапира бошлади. Чунки, америкалик денгиз инженери Г.Арлингтон изоҳи бўйича "Баҳрия" атласида фақатгина Америка эмас, ҳатто Антарктида, унинг Палмира ярим ороли ва киролича Мод ерлари ҳам кўрсатилган эди. Худди шундай иккинчи тарихий "Антарктида" харитаси 1960-йилда эълон қилинди, бу харита француз математиги ва географи Оранций Финей томонидан 1532-йил тузилган бўлиб, бу харитада ҳам Антарктида кўрсатилган эди.

Лекин бу иккала тарихий харитада Антарктида тузилиши географларда шубҳа уйғотди. Чунки бу хариталардаги Антарктида биз ҳозир кўриб турганимиздек яхлит қитъа ҳолида эмас, балки архипелаг ороллари йиғиндиси шаклида кўрсатилган эди. Бу хариталар XX асрнинг 50-йилларида бутун дунёни ҳайратга солди. Чунки шу вақтда географик изланишлар натижасида Антарктида ўрганилиб, бу биз кўрганимиздек, яхлит қитъа эмас, балки 4200 метргача қалин муз тагида бир қатор ороллар йиғиндиси архипелагдан иборат эканлиги аниқланди. Айниқса, геофизиклар тузган харита билан Пири Рейс ва Оранций Финей харитаси таққосланганда, уларнинг бир-бирига ўхшашлиги аниқланди. Эски хаританинг янгисидан фарқи шу эдики, унда Антарктида муздан холи ҳолда кўрсатилган эди. Ахир Антарктида бундан 20 миллион йил олдин муз билан қоплана бошланган ва муз қатлами бу архипелагни шу даврда кўп километрик қалинликда абадий инсон кўзидан яширган эди-ку? Энг қалин музлик Антарктида устида 5 миллион йил олдин пайдо бўлган ва бошқа тарихий даврларда у бир неча марта қисман эриса ҳам ҳозирги "ақлли инсон" даврида у ҳеч қачон музликдан ҳоли бўлмаган, демак инсон бу жойни ҳеч қачон музликдан ҳоли кўрмаган. Ундай бўлса ким 20 миллион йил олдин олтинчи қитъани музликдан ҳоли кўрган, фақат кўргангина эмас, уни "Харитага тушириб" "ақлли инсон" вакили сифатида ўзидан кейинги авлодга етказган. Ахир ҳозирги маълумотимиз бўйича 20 миллион йил олдин ерда инсон бўлмаган-ку? Италиялик Ливио Стеккини маълумотига кўра, жуда узоқ вақтлардан пирамидалар даврига қадар, ерда цивилизация мавжуд бўлиб, бу цивилизация вакиллари ўзларининг географик билимларини қадимги мисрликларга, улар ўз навбатида арабларга, Миср босиб олингандан кейин бу маълумотлар туркларга ва охири улардан Пири Рейс ва Оранцийга етиб келган. Улар хариталаридаги кўп қисмлар, айниқса, Қиролича Мод Ороли соҳиллари бир хил.

Олим И.М.Заболин маълумотларига кўра, жанубий материк тўғрисида бир неча минг йиллар давомида олимлар ўйлашган, бир неча асрлар давомида сайёҳлар излашган. "Бундай онгли

изланишларни фақат афсоналарга ишонган ҳолда борди, дейиш енгилтаклик эмасми? Бу афсонавий изланишлар тагида жанубий қитъа тўғрисидаги реал билимлар ётмаганмикан? Менинг тушунишимча, қадимги одамлар Антарктиданинг географик реаллигини билишган ва бу маълумотлар "улар антарктитлар" ёки жанубий қитъа одамларидан олишган.

Италия журнали "Эуропео" америкалик тадқиқотчиларининг сенсацион янгилигини эълон қилди. Бунга кўра, 15 минг йилча олдин сайёрамизда тарихга қадар даврдаги юқори ривожланган "цивилизация" бўлган. Ўзининг ривожланиши бўйича у ўзидан кейинги барча цивилизациялардан юқори бўлган, кейин номаълум сабабларга кўра, изсиз йўқолган ва ундан фақатгина Пири Рейс ва Финей карталарида қолган. Лекин бу цивилизация бор бўлган бўлса, ундан наҳотки фақат икки қадимий карта сақланиб қолган экан. Кейинги асримиз бизга бу цивилизациянинг янгидан-янги изларини топмоқда. Перунинг Наска саҳроси устидан учиб ўтган сайёҳлар унинг устига чизилган тўғри геометрик формаларга, ҳайвонлар, ўргимчак ва бошқа шаклларга эътибор беришган. Бу шаклларни нимага ишлатилгани номаълум, фақат ҳамма олимлар бир нарсани қайд қилишади, бу шаклларни чизган рассомлар ҳақида тарихий маълумотлар йўқ, улар асрлар қаърида йўқолиб кетган ва бу шаклларни фақат юқоридан учиш вақтида кўриш мумкин. Худди шундай шакллар 1987 йил Қозоғистондаги Устюртда топилди. Тадқиқотчи О.Дилмуҳамедов Сай Утёс ва Бейнау ўртасида саҳро юзасига чизилган ҳар-хил шаклларга эътибор берди. Ҳар бир расмлар ичида спираллар, эллипслар, доиралар кўзойнак шаклини ёки ниначи ва қуш қаноти шаклини учратишимиз мумкин. Бу ҳудудларда ер юзасида ўтказилган изланишлар шуни кўрсатади-ки, бу шаклларнинг ёши катта неолит ёки темир даврига тўғри келади. Бу белгилар нимага ишлатилганлиги ҳақида ҳам бирор қарорга келингани йўқ. Баъзи бир тадқиқотчилар фикрича, у қадимги календар сифатида ишлатилса, баъзилар маълумотига кўра, диний маросимлар сифатида ёки тотемлар, илоҳий ҳайвонлар ёки ўсимликлар сифатида ишлатилган. Лекин бу ерда ҳам Наска саҳросидагидек

бир қонуният бор, шакллар ерда сезилмайди ва уларни ҳавода парвоз вақтида кўриш мумкин. Табиийки, яна савол туғилади, ким неолит даврида ҳаводан туриб бу расмларни чизилишини бошқарган, ахир учувчи ускуналар XX аср ҳосили-ку? Ҳозирча, бу саволларимизга, динозаврларни қувган одамсимон мавжудодларга Антарктиданинг харитасини чизган цивилизация вакилларига, Наска саҳроси ва Устюртдаги расмларнинг чизилишини ҳавода туриб кузатган одамлар ким, деган саволга бирдан-бир одатдан ташқари, жасур қизиқарли гипотеза жавоб беради. Бу гипотезани перулик олим Хавьера Кабрера Даркеа олдинга сурган. Бу гипотеза абстракт тафаккур натижасида эмас, реал жиҳозлар диаметри бир метрга етувчи, юзига расмлар туширилган тош тахталарни ўрганиш натижасида яратилган. Бундай тош тахталар Перунинг Тинч океан қирғоқларида, Ика шаҳридан жануброқда топилди. Шу вақтга қадар Кабреронинг изланиши натижасида 13 минг расмли тош бўлаклари топилган. Олимнинг фикрича, бу тош тахталар қатъий қонуният асосида текис жойлаштирилган бўлиб, жуда қадимги цивилизациянинг "илмий кутубхонаси" бўлган. Кейинги тектоник ҳаракатлар, қисман денгиз тўлқинлари, бўронлар ва кейинги инсон фаолияти натижасида, бу тош бўлаклари ер остига кўмилиб, сочилиб кетди. Чунки, бу тош кутубхона ташкил этилгандан буён жуда кўп вақт ўтган эди. Келинглар, Перулик олим изидан бориб, бу тош тахталар юзасига чизилган суратларни диққат қилиб ўрганамиз. Уларнинг барчасида одамлар чизилган. Бу одамлар суратида энг кўзга кўринган нарса уларнинг боши катталигидир. Бош қисми улар гавдасининг 1:3,1:4 қисмини эгаллайди. Ҳозирги одам боши билан гавдаси ўртасидаги фарқ эса 1:8,1:7 тенгдир. Шу маълумотлар асосида Хавьера Даркеа бу тош суратларда неандертал одамлар чизилган, деган хулосага келди. Ҳақиқатан ҳам археология фани маълумотига кўра, неандертал одам боши ҳозирги одам бошига нисбатдан каттароқ бўлган. Кабреро тош тахтадаги одамнинг бармоқ тузилишига эътибор берди. Бу суратда унинг бош бармоғи бошқаларига нисбатан тўғри, худди маймунларникидек тарзда турганлиги кўриниб турарди. Суратда ўқитувчи бош бармоғини

кўрсаткич сифатида ишлатиб, ўқувчисига ниманидир кўрсатиб турибди. Археология маълумотига кўра, неандертал одам бош бармоғи ҳозирги одамларникига нисбатан анча кам қарши турган. Неандертал одамларнинг қовоқ усти бўртмалари катта кўтарилиб, пешонаси тор бўлган. Тош суратларнинг ҳаммасида биз тор пешоналарни кўриб турибмиз. Лекин ҳар ҳолда тош кутубхонадаги суратлар Франциядаги Ля Шопель О-Сен, ёки Ўзбекистонда Тешиктош ғорида топилган неандертал одам қолдиқларидан фарқ қилади. Археология маълумотига кўра, ер шарида икки хил неандертал одамлар кечки классик неандертал ва олдинги неандертал одамлар учраган? Зубрицкий маълумотига кўра, қизиқарли томони шундан иборат-ки, олдинги неандертал одамлар классик неандертал одамдан фарқ қилиб, соддароқ бўлсада, уларнинг ҳозирги одамга ўхшашлик хусусияти, классик неандертал одамга нисбатан кўпроқдир. Шунинг учун кўпчилик археологлар ҳозирги одам олдинги ибтидоий неандертал одамдан келиб чиққан, деган фикрга келишган. Кейинги классик неандертал одам эса янги бир тармоқ бўлиб 40-50 минг йил олдин йўқолган. Шундай қилиб, биз тош кутубхонада олдинги неандертал одамлар суратини кўриб туриб, биз уларни "онгли неандертал" группасига ажратамиз. Уларни онгли эканлигини билиш учун тош суратларга диққат қилиб караш кифоядир. Бундан ҳам олдинроқ тош кутубхонани яратилишининг ўзи, муаллифларнинг онглилигини кўрсатиб турибди. Фақатгина Кабреранинг ўзи 13 минг суратли тош тахтани топган. Унинг ҳисоби бўйича ер ички қисмларида 200-300 минг шундай тошлар яширинган. Шунча тош кутубхонани яратилиши бутун бир армия тоштарошлар, сураткашлар, неандертал, "географлар", "биологлар", "этнографлар", "шифокорлар", ишни тасвирлашганини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам "онгли неандерталлар" ўртасида юқорида айтиб ўтилган мутахассислар борлигини билиш учун бир қисм тош суратлар ичида ўша давр шифокорлари ишини кўрсатувчи тош бўлакларни анализ қиламиз. Биз суратларда кутилмаганда, юракни кўчириб ўтказиш жараёнини кўрамиз. Тош кутубхонада бу амалиётнинг бутун бир туркумини кўрсатувчи

суратларни кўрамиз. "Ёш йигитни жарроҳ кўкрак қафасини очмоқда. Жарроҳ ёрдамчиси асбобларини ушлаб туради. Навбатдаги суратда кекса кишининг кўкрак қафасини очиб, касал юрак олинмоқда (юзидаги стилистик тиришлар) ва кишига ёш йигитдан олинган соғ юрак солинмоқда. Бундан ташқари тошдаги суратларда томоққа икки насос қувури қўйилган вақт (сунъий нафас олиш учун) ва жарроҳлик даврида танани қон билан таъминлаш учун вақтинча, юрак қўйилган вақтни кўрсатувчи лавҳалар ҳам чизилган. Навбатдаги суратларда насос қувурлари олинган вақт янгидан қўйилган юракни эшитиб кўриш даври ва ҳозирги статоскопга ўхшаш эшитиш асбоблари ҳам кўрсатилган". Табиий-ки, бундай жарроҳликни одам анатомияси, физиологиясини ва медицинани яхши билган одамларгина қила олишган. Тош кутубхонадаги суратларга қараб, бу тараққиётининг ёшини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Суратларнинг бирида от устидаги чавандоз кўрсатилган. Бизга маълумки, от Америкага Колумб томонидан кашф қилинганидан кейин олиб келинган эди. Американинг туб отлари эса 150-200 минг йиллар олдин йўқолган. Лекин юқоридаги ҳисобимиз у вақтда ерда ҳали " Homo sapiens" "ақилли одам" йўқ эди-ку. Ҳозирги одам, ёки Крамоньон одами атиги 40 минг йил олдин пайдо бўлган. Бошқа тош тахтада фил устида ўтирган чавандоз чизилган. Бу эса расмларнинг яна бир бор кексалигини кўрсатади. Чунки, Америка фили ер юзидан Америка оти билан бир вақтда йўқолган эди. Бу суратлар ичида одамни динозавр ёнида, ёки одамни динозаврга миниб ўтирган вақтдаги лавҳаларни кўришимиз мумкин. Айниқса, одамни учар калтакесакларга миниб учаётган сурати ҳайратга солди. Демак, бу лавҳа даврини ёки 150 миллион йил олдинги вақтни кўрсатади. Бу эса биз ҳикоямиз бошида таъкидлаган вақтга тўғри келади.

Кабрера фикрича, суратлардаги цивилизация ёки "неандертал цивилизацияси" асосан табиий организмлар энергиясидан фойдаланишган. Улар ҳамма неандерталлар сингари фақат ҳайвонларни овламасдан, уларни қўлга ўргатганлар. Отлар, филлар, ҳаттоки, учувчи калтакесаклар кучидан фойдаланганлар. Бу эса навбатдаги ишлаб чиқарувчи кучларни кескин шаклланишига ҳамда фан ва санъатнинг ривожланишига олиб

келган. Х.Кабрера фикрича, "ақлли неандерталлар" ўзларидан кейин уларнинг юқори маданиятини кўрсатувчи кўп излар қолдирганлар. Бунга машҳур Наска саҳросидаги излар ҳам кириб, улар ердан кўринмаса-да, самолётдан яхши кўринади. –Бунинг ҳеч ҳайрон қоладиган жойи йўқ,-дейди Перулик олим, ахир бу мавжудотлар учар калтакесакларни ўргатиб, уларда учиб юришган. "Ақлли неандерталликлар" улкан қурилишлар Саквайумона, Мочу-Пикчу, Тиауакунинг биринчи қисмининг қурилишига асос солганлар. Улар филлар ва учар калтакесакларни бошқара билганликлари сабабли қурилиш унча қийин бўлмаган. Мексикадаги тошдан йўниб қилинган "Ольмек бошлари" ва Пасха оролидаги тош ҳайкаллар ҳам "ақлли неандерталликлар" ишидир. Тош кутубхонадаги суратларга қараб, "ақлли неандерталликлар" синфий тузилиши ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. Бу жойда тўғридан-тўғри белгилар йўқ, лекин юракни кўчириш амалиётини эслайлик. Юраги олинаётган ёш йигитнинг танасида бironта яра изи йўқ. Демак, юрак тирик ва бақувват одамдан олинмоқда. Демак, у қул бўлиб, унинг юраги кекса, аммо жамиятда мавқеи баланд одамга олиб қўйилмоқда. Баъзи бир тош тахталарда ов манзараси кўрсатилган бўлиб, унда синфий тенглик бўлмаганлиги аниқ кўриниб турибди. Кўпинча, бу манзараларда негроид иркига ўхшаб кетувчи одамлар раҳбарлик қилишади. Демак, бу даврда жамият ёки синфларга бўлинган, ёки бўлиниши йўлида турибди. Бу эса фақат маданият белгиси эмас, балки тараққиёт белгисидир. Бу тараққиёт ер шарининг катта қисмига тарқалган. Неандертал тараққиётининг кучи унинг табиат билан боғлиқлиги бўлиб, улар асосан ҳайвонот дунёси кучидан фойдаланишган. Лекин бу жамиятни заиф томони ҳам шунда бўлиб, уларни куч билан таъминловчи ягона манба ҳайвонот дунёси ва одам бўлган. Куч эса ҳар қандай жамиятни ҳаёт манбаидир. Ҳар қандай юқори ривожланган цивилизациядан унинг куч манбасини олинг. У шу заҳоти инқирозга учрайди. Навбатдаги музланиш даври, ер шари иқлимини кескин совушига сабаб бўлади ва "ақлли неандерталликлардан" куч манбаини олиб қўйди. Музлик даврига қадар яшаган ҳайвонот дунёси йўқола бошлади ва жамиятни куч манбаи ҳам йўқола бошлади. Буюк цивилизациянинг инқирози

бошланди. Неандерталлик бирин-кетин бошқа ютуқларни ҳам йўқотиб ёввойилашиб, аста-секин излари ҳам йўқола бошлади. Уларни қолдиқлари ер шари бўйлаб тарқалиб кетади. Музлик даври тугаганда, ер шарида инсоннинг бошқа туркуми ҳукмронлик қиларди. "Классик неандертал" кейинчалик кромоньон одами буюк халқнинг қолдиқларини йўқотди, қолган-қутганларини эса ўз сафига қўшиб олди. Ернинг янги ҳукмронлари билан қўшилиб кетган "ақлли неандерталлар" уларга гоҳида ўзларининг буюк ўтмишларини ҳикоя қилишлари билан бирга шу халқнинг билимлари бир қисмини тез ривожланишга, гоҳида эса ўтган замондаги одатларнинг бузилган шаклида пайдо бўлишига сабаб бўларди.

Ўтган замондаги юракни кўчириб, кучли одамларга ўрнатишнинг бузилган шакли сифатида, Американинг туб аҳолисида мазмунсиз, жоҳил одат-одам юрагини юлиб олиб, Худолар йўлига қурбон қилиш пайдо бўлди. Неандертал одамлар отларининг эслашнинг бир формаси сифатида инклар қалъаси Кораканчада энг қиммат эсдалик, отнинг думи сақланган, бундан ташқари инк Атауальпа жангчилари испан отларини биринчи марта кўришганларига қарамасдан қизиқиш билан ўргандилар ва инк Монко ва унинг сафдошлари бу отларни тезликда ўрганиб олиб, улардан испанларга қарши курашда муваффақиятли фойдалана бошлади. Дунёдаги энг кучли инк жарроҳлиги шу таррақиётнинг давоми эмасмикан? Бу ерда неандертал одамларнинг тошдаги суратларини эрамизга қадар V аср ва эрамизнинг V асрлари ўртасида яратилган машҳур Паракас матоларига ўхшашлигини айтиш кифоядир. Бу маълумотлар асосида "ақлли неандерталлар" ўзларининг муз билан қоплана бошлаган Антарктида архипелагидан кетиш чоғида, унинг харитасини ўзлари билан олиб кетганлар ва миллион йиллардан кейин улар одамлар ўртасида Пири Рейс ва Оранций Финей харитаси сифатида пайдо бўлди, деб айта оламиз. Бу гипотеза ёрдамида Кўҳитангтоғ устида 150 миллион йил олдин, динозаврлар оркасидаги одам изини ҳам Устюрт устидаги чизилган шаклларнинг пайдо бўлишини ҳам осонгина тушунтириб бериш мумкин.

ЕРДА

Кечга томон биз ғордан чиқдик. Баҳорнинг илк гуллари устида томчилар ялтирар, нозик чучмомалар зангори осмонга бўй чўзар, ёввойи бодом гуллари яшил рангли маъшаллар сингари ёнарди. Узоқ горизонтда кенг оқ чизиқ каби Амударё ҳавзаси кўзга ташланади. –У ялтираб турган нарса нима? – кимдир эътиборимизни горизонтнинг энг узоқ жойига қаратди. У ерда эса Осиёнинг энг катта тоғларидан – Ҳиндикуш ўзининг қояли-музлик ёнбағрини ялтиратиб, майда қояларигача кўрсатиб турарди. Унгача эса камида 150 километр эди. Бундай манзарани фақат беш кун давом этган жала атмосферани тозалаб очиши натижасида кўрардик.

ЕР ҚОНИ

Яшил қамишзор ўрамидаги тўқ-кўк қайнаётган булоқ кўзи. Бу Қарлук чўлининг қимматбаҳо медальони – Қайнарбобо булоғидир. Бу Туркманистоннинг Жануби-шарқи ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Бу жойга ҳамма шерободликлар ва чоржўликлар зиёратга келишади. Оқ кўз булоғидан отилиб чиқаётган олтингугурт водородли сувга чўмилиб, муқаддас мозорга сиғинишади. Ҳар тарафдан эсувчи шамоллар таъсирида бўлган бу текис майдончада нечанчи мартадир бизнинг экспедицион базамиз жойлашганди. Бу жойдаги чўл ландшафтига бизнинг ўнлаб чодирларимиз, арик устидаги ошхонамиз, узун қўлбола курсимиз анчадан буён қўшилиб кетганди. Бу ерга шунчалик ўрганиб кетгандик-ки, ҳар сафар кетишдан олдин хомуш бўлиб хайрлашардик. Бу жойда бизга ҳамма нарса ёқарди, чўл ҳам, тоғнинг қоялари, туз ҳиди, тиниқ осмон ва кучли шамоллар. Ҳар ҳолда ғордан чиқиб устингда тоннадай кўринган чанг ва қотган терни ювиш учун булоқнинг илиқ ва шифобахш сувига шўнғиш ҳузур бахш этарди. Қайнарбобо кўли унча катта эмас, унинг диаметри 25 метр. Лекин Қарлук чўлининг ўнлаб километри квадрат майдонда бошқа сув манбаи йўқлигини эсласак, бу жой назаримизда чучук сув океанидай туюларди.

[illegible] Кўхитангтоғ этагидан отилиб чиқаётган булоқдан пайдо [illegible]. Сув сарфи бир секундда 2 куб метр. Тўғри, суви гипс [illegible] тўйингани учун унчалик ширин ва совуқ эмас. [illegible] ҳарорати ҳам йил давомида +21 градус. Шу сабабли бу [illegible] чўмилиш даври бутун йил бўйи давом этиб, сув ёзда [illegible] салқинлатар, қишда эса аксинча иситарди. [illegible] бу атрофдаги ягона сув манбаи бўлгани учун, тоғ [illegible] жойланган Гунжак, Қарлук, Ҳужа қишлоқлари ундан [illegible]. Ундан учта йирик ариқ сувни уч томонга олиб [illegible]. Бу ариқ уларнинг қазилиши даври эрамизнинг бошларига [illegible] келади. Жанубий ариқ эса Амударёга бориб қуйилади. У [illegible] Ўрта Осиёнинг энг катта дарёси охирги ирмоғи [illegible]. Шу сабабли маҳаллий аҳоли "Қайнарбобо бўлмаса Амударё [illegible] қуриб қоларди," – деб ҳазиллашади. Кўлнинг [illegible] сувини чиқиб кетувчи ариқлар балиққа бой. Унинг [illegible] бир минерал эритмага бой булоқ - Оқ-кўз жойлашган. Булоқ сувидан худди қайнаётгандай бўлиб, олтингугурт водороди [illegible] туради. Шу сабабли сув сут рангига киради ва кучли [illegible] отилиб чиқади. Оқ-кўзнинг сув сарфи 80 л\сек. У жойланган пастқам ер атрофида майдонда ваннасимон [illegible] қилинган бўлиб, унда радикулит, ревматизм, ҳаракат [illegible] касалликлар билан оғриган одамлар чўмилиб, шифо [illegible]. Оқ-кўз сувининг таъсири машҳур Мацеста сувидан [illegible]. Бу илиқ +21 градус ва ҳидли сувда чўмилгандан [illegible] одам ўзини чаққон ва кучга тўлгандай сезади. Қайнарбобо ва Оқ-кўз бутун атрофга машҳур. Унга чўмилиш учун 50-100 километр масофадан Чоршанба ва Гаурдак, Термез ва Сайробдан [illegible] келишади. Бизни бу ерга тортаётган яна бир нарса унинг [illegible] жойлашганлигидир. Бу жой орқали Қарши ва [illegible], Гузар ва Керкига, Болдир ва Бойсунга йўл ўтган. Унинг [illegible] ўтган яна бир йўлак –Буюк Ипак йўлининг тармоғи [illegible], у Кўҳитангтоғ ҳавзаси бўйлаб кетади. Бу йўлдан ўз вақтида [illegible] ва Искандар Зулқарнайн, Чингизхон ва Амир Темур [illegible]. Бу йўлдан ўтган даврнинг машҳур кишилари, [illegible], олимлари: Ибн Батута, Ибн Хаукал, Бобур, Навоий, Марко Пололар юришган. Шу сабабли йўл устида булоқ

тўғрисидаги маълумотни қадимги грек олимлари хотираларида ҳам учратамиз. Энди шу йўлдан фойдаланиб биз ҳам мағрур қоялар тагидаги ер остига кетувчи йўлак топиб – қоронғулик, тинчлик ва тош осмон оламига кирмоқчимиз.

ОҚ КЎЗ БУЛОҚ ГРЕК ОЛИМИ ТАЪРИФИДА

Кўҳитангтоғ ўзининг ғаройиб тузилиши ва улкан булоқлари билан ҳам машҳур. Бу тоғ Ўзбекистоннинг ғарби-жанубий чегарасидан бошланиб, жанубга томон меридионал чўзилади ва икки жумҳурият табиий чегараси бўлиб ҳизмат қилади. Бу шартли чегара унинг ясси ва текис сув айирғичидан ўтади. Кўҳитангтоғ рельеф тузилиши ҳам ғоят қизиқ бўлиб, у улкан тўғри бурчакли учбурчак шаклидадир. Унинг тўғри бурчаклари шарқий томони Ўзбекистонга ғарбий ёнбағри Туркманистонга қараган. Бундай рельеф шакли геологик-географик адабиётда Куэста, деб аталади. Куэстанинг пайдо бўлиши асосан тектоник, деб аталган ер ички қатламларидаги ҳаракатлар чоғида– бир вақтлар ер юзида текис ётган қатламлар ер остидан бўлган таъсир натижасида кўтарилади ва бир томони синиб, синган жойидаги қатламлардан бири юқорига тик (деворсимон) кўтарилади, натижада шу жойда тик деворсимон ёнбағир пайдо бўлади. Қарама-қарши томонда узилиш бўлмаганлиги сабабли, у томон аста-секин кўтарилиб қия ва тўғри ёнбағир пайдо бўлади. Худди шу йўл билан Кўҳитангтоғнинг шарқий Ўзбекистонга қараган қисми синган ва баъзи бир жойларда баландлиги 800 метргача етувчи тик девор пайдо бўлган. Аксинча, тескари Туркманистонга қараган қисмида эса қия текис ёнбағир пайдо бўлган. Табиат қонунига асосан, ёққан ёғинлар бу юзага тушгандан кейин сингади ва қатламлар орасига тушиб, қия ёриқлар орасидан сингиб ўтади. Агар бу ёнбағирлар карстланувчи ёки эрувчан тоғ жинсларидан ташкил топса, бу ёриқлар борган сари кенгайиб, юқоридан келувчи сув орасидан ўтказади ва бундай сувларнинг барчаса йиғилиб, қия ёнбағир этагидан улкан булоқ шаклида чиқади. Бундай мўл-кўл сувли булоқлар илмий адабиётда воклюз булоқлари, деб аталади. Юқорида таърифланган қонуният Кўҳитангтоққа ҳам тааллуқли

бўлиб, эрувчи юқори Юра даврида пайдо бўлган оҳактошлардан ташкил топгани учун, унинг ғарбий ёнбағирларида улкан булоқлар кўп. Улар орасида Қайнарбобо булоғи ва унинг олдидаги Оқ-кўз булоғи киши ақлини лол қилади. Кўҳитангтоғ булоғининг суви қоя этакларини босиб қишин-ёзин оқиб ётади. Табиатнинг мўъжизаси бўлган бу булоққа фақат бизнинг давримиздаги табиатшуносларгина эмас, балки ўтган замондагилари ҳам эътибор қилишган экан. Масалан, биз грек олими Квинт Курций Руфнинг "Александр Македонский фаолияти" номли китобида Искандар Зулқарнайннинг кўҳна Тўронни, ҳозиргиси Сурхондарё ва Туркманистон оралиғини босиб олиш вақтидаги бир жойнинг таърифи эътиборимизни тортди. Унда қуйидагича ёзилганди: "унинг келаётганини эшитиб Сатибарзан Бақтрияга 2000 отлиқ аскарлари билан шошиб қочди. Бошқаларини у тезда йиға олмади, қолганлар эса қўшни тоғларни эгаллашди. Булар ичида бир қоя бўлиб ғарбга тик ёнбағри билан қараган эди, шарқий ёнбағри эса қия, қуюқ дарахтлар билан қопланган бўлиб, улар орасидан кўринмайдиган булоқ чиқиб ётар, ундан кенг сувлар оқарди. Унинг кенглиги 32 босқич. Чўққисида кенг ўтлоқ бор эди. Шу жойга жангга яроқсиз кўп аҳолини йиғилишга буюришди. Ўзлари тошлар ва дарахт таналари билан чиқиб бўлмас қояни янада мустаҳкамлашди. Оқ-кўз булоқ атрофини диққат қилиб текширамиз ва айтилган жойларга ўхшаб кетувчи кўп белгиларни топамиз.

НЕОГЕННИНГ ОЛОВЛИ ТАБИАТИ

Кузнинг булутли кунларидан бирида биз Оқдағана, деб номланган йирик гипсли ғорни ўрганишни тугатаётган эдик. Шу ном билан биз яна ғор олдидаги ўприлмани ҳам атадик. Унинг тик яшил ранг ёнбағри узоқдан кўриниб турарди. Тагида кўм-кўк кўл ялтираб турган ўпирилмага тушишга ҳеч кимнинг юраги сув бермасди. Лекин ички ҳиссиёт бизни агар ўпирилманинг тик қирғоғидан осилиб тушолсак, янги - ҳеч ким киролмаган ғорнинг очилишини кўрсатиб турарди. Ниҳоят, 30 метрлик тик қоядан ўтиб олинди. Кўкимтир рангли улкан гипс қоялар орасидан оқим

шилдираб тушиб турарди. Олдин ер ости дарёчасини юқори қисмини ўрганишга қарор қилдик. Тош уюмлари, тик баландликлар ва тор йўлаклар орқали дарёча ўзани бўйлаб 350 метрча юрдик. Йўлимиздан чиққан тор ва қоронғу йўлак ғорнинг юқорига ҳам чўзилишини кўрсатди. Ўприлма тагида дам олиб бўлганимиздан кейин, ҳайбатли ва хавфли осилиб турган тошлар орасидан дарёчанинг пастки қисмида изланишимизни давом эттирдик. Биринчи ўнлаб метрлардан қуруқ қирғокда юриш мумкин эди. Қирғокни ҳамма жойида тош бўлаклари сочилиб ётарди. Баъзи бир улкан тош бўлаклари хавфли равишда оёқ остида лапангларди. Салгина эҳтиётсиз ҳаракат натижасида кўп тоннали тош бўлагининг мувозанати бузилиши мумкин. Бундай ҳолатда фалокатни кутавериш мумкин. Ичкарирокда йўл торайди. Тик қирғоқлар сув остига кетди. Сувнинг чуқурлигини ўлчаб сувнинг ичи билан юришга қарор қилдик, бахтимизга сувнинг ҳарорати +19 градус эди. Ўлчов ва баъзи бир ёзувларни қилиб ичкарига 200 метргача кирдик. Бу жойда дарёча майда тармоқларга бўлина бошлади. Тармоқлар одам кира олмайдиган ёриқлар ва камарларга айланди. Асосий йўл билан қаерда белимизгача, қаерда эса сузиб "Ёркин" залгача етиб бордик. Юқоридан кўзни қамаштирадиган даражада қуёш нури янги ўпирилмадан тушиб турарди. У жойга чиқишга бўлган интилишимиз натижа бермади. Яна 100 метрдан кейин ғор тугади, сув ноъмалум йўналишдаги тор тирқишга кириб йуқолди. Кейин ҳар ҳолда Кўҳитангдарё қирғоғида бу сув чиқиб турадиган жойни топдик. Охирги зални айланиб юриб торгина йўл топиб олдик. У бизни ер юзасига олиб чикди. Энг қизиғи, биз шу жойда қизил қумлар ва оқ гипс қатламлари орасида қоп-қора қатламга кўзимиз тушди ва у гулхан ёнгандан кейин қоладиган белгилар бўлиб чикди. Топилма бизни ҳайратга солди, чунки, ўрмонлар денгиз тагида бўлмаслиги аниқ. Атрофимизни ўраб турган гипс қатламлар эса бу ерда узоқ даврларда денгиз тагида бўлганлигидан далолат берарди.

Ҳавзанинг қирғоқларини диққат билан ўрганиб чикдик, яқин орадаги ўпирилмалар ва ғорлар қирғоғини ўргандик. Баъзи бир жойларда тупроқни тозаладик. Лекин бирорта ҳам кўлли қатлам

қолдиқларининг пайдо бўлишини тушунтирувчи далил тополмадик. Эҳтимол у ҳозирги сув тошқинлари вақтида Оқдағана ўпирилмаси олдида йиғилиб қолгандир, деган фикрга келдик.

Лекин, тасодифан яна бир тепаликда қалинлиги 5 метргача етувчи кул қатламлари кўзга ташланди.

Яна изланишлар. Махсус услублар ёрдамида 1 км/кв. майдонга қадар кўлли қатлам тарқалганлигини аниқладик. Унинг ўртача қалинлиги бир метрдан 2-3 сантиметргача эди. Бу қатлам юқори Юра даври гипслари устида (140 миллион йил олдин пайдо бўлган) жойлашиб, устидан 10 миллион йил олдин пайдо бўлган Неоген даври қумтошлари билан қопланган эди.

Демак, қумтошлар тагидаги кўлли қатлам ўртача 15 миллион йил олдин пайдо бўлган экан. Бу даврда денгиз тубидан кўтарилган Кўҳитангтоғ унча баланд бўлмаган. Унинг энг баланд қисми 1000 метр атрофида бўлган (ҳозир эса 3000 метр), ёнбағирлар эса қалин игна баргли ўрмонлар билан қопланган. Бир кун номаълум сабабга кўра, (эҳтимол чақмоқ ёрдамидадир) ўрмон ёниб кетган. Ёнғин анча катта майдонни эгаллаб, узоқ вақт ёнган бўлиши керак.

Ёнғин кўли юза сувлар ёрдамида оқизиб кетилиб, Кўҳитангтоғнинг чўққилараро паскамлигига йиғиб олиб келинган. Кейинги геологик даврларда эса кўл қатламлари аста-секин пайдо бўлаётган ётқизиқлар билан қопланган ва кўмиб ташланган. Гор ичида оқаётган ерости дарёчаси эса охирги ёнғиндан қолган бу кўл қатламини очиб, уни ўрганиш жараёни биз узоқ геологик ўтмишда бўлиб ўтган даҳшатли ёнғин ҳақидаги маълумотга эга бўлдик.

КЎҲИТАНГТОҒ ЕР МОЙИ

Қадимий Кўҳитангтоғ табиатнинг бир бўлаги бўлмиш, ер ости бойлиги нефт ҳақида қадимий қўлёзмаларда маълумотлар учрайди. Нефт–бу ҳозирги миллионлаб автомобил ва тайёраларнинг юраги бўлмиш моторларига энергия манбаи бўлиб хизмат қилса, қадимги одамлар уни ҳарбий ишларда қўллаганлар, ёки уни сопол идишларга солиб душман томонга отганлар ва

унинг ёрдамида ёнғин чиқарганлар. Шу сабабли қадим замонларда нефт чиқадиган жойларга эътибор беришган. Уни халқ орасида ер мойи, деб аташган. Қадимги грек олимлари асарларида Кўҳитангтоғ майдонидан чиқувчи нефт ҳақида қизиқ маълумотлар топамиз.

Қадимги грек тарихчиси– Аррион ўзининг "Александр Анабасиси" деб номланган китобида: "Александр Македонский лагер ташкил қилиб, Окс дарёси ёнида турганда, унинг чодиридан узоқ бўлмаган жойда булоқ пайдо бўлди ва унинг юзида ёғлик сув кўринди."

Бу жойдаги нефт тўғрисида бошқа тарихни, эрамизнинг 1-2 асрида яшаб Грециянинг буюк кишилари ҳаётига бағишлаб бир қатор асарлар ёзган –Плутарх ҳам маълумот беради. У ёзади "жангчилардан бири македониялик Проксен, Окс дарёси бўйида ер қазиш вақтида, ёғли тоза суюқликли булоқ очди. Бу суюқликни юқорига олишганда, унинг тагидан тоза, ёркин ёғ отилиб чиқа бошлади. У ўзининг на ҳиди на таъми билан зайтун ёғидан фарқ қилмасди, ялтироқлиги ва қуюқлиги билан эса унга жуда ҳам ўхшаб кетарди." Лекин бу жойда зайтун ўсмасди. Айтишларича, Окснинг суви жуда юмшоқ бўлиб, унда чўмилувчилар ёғ билан қопланишар экан. Тарихдан маълумки, Искандар Зулқарнайн эрамизга қадар 323 йилда Амударёдан кечиб ўтиб, Ўрта Осиёга бостириб кирди. Ўша вақтдаги греклар томонидан Амударё Окс деб номланган. Баъзи, бир тарихчилар фикрига кўра, Искандар Амударёдан ўтгандан кейин Кўҳитангтоғнинг ғарбий ёнбағри бўйлаб кетган. Ҳозирги Туркманистоннинг Чоршанги туманидаги олтингугурт кони Ғавурдокдан ўтган. Геологлар фикрича, худди шу жойда нефт бўлиши мумкин. Лекин бу жойдаги нефт захиралари одамлар билан бекинмачоқ ўйнамокда. Арриан ва Плутарх маълумотича, бу жойда нефт милодга қадар бўлган даврда ер юзига чиқиб турган, геологлар фикрича хозир ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган вақтда бу ерда бурғулаш вақтида карст ўйиғи ёнбағрида нефт оқими пайдо бўлган ва тезда оқим тўхтаган. Урушдан кейинги даврда шу жойнинг ўзи қайта бурғуланганда, нефт топилмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.Р.Ердавлетов. «География туризма, история, теория, метод, практика.» Алматы, 2000 г.

2. П.Н.Зачиняев, Н.С.Фалькович. «География международного туризма.» Издательство «Мысль». Москва, 1972 г.

3. «Туризм и региональное развитие в капиталистических странах». Москва, 1970 г.

4. М. Хашимов. «Религиозные и духовные памятники Центральной Азии». Алматы, «Сага», 2001 г.

5. М.Маматқулов, К.Орипов. "Ўзбекистон ғорлари". Ташкент, "Фан", 1978 йил.

6. Спутник туриста Издательства «Физкультура и спорт». Москва, 1963 г.

7. С.А.Мухаммадиев, В.И.Кучерявых. «Аманкутан – сокровище природы». Издательство «Суғдиёна». Самарканд, 1997 г.

8. Н.А.Гвоздецкий. «Подземная топография». Журнал «Природа».

9. Н.И Соколов «Охраняйте и изучайте пещеры». Журнал «Юный техник», №8 – 1960 г.

10. М.Маматқулов, И.Отажонов, М.Ҳошимов. «Табиат--архитектор». Тошкент «Фан», 1974 йил.

11. М. Ҳошимов, Ж. Ҳошимов. «Ҳисор бағрига саёҳат». Тошкент «Фан», 1979 йил.

12. Н.Аҳмедов, М. Ҳошимов, Т.Шоймуродов. "Китоб геологик қўриқхонаси". Самарқанд, 1997 йил.

13. В.И Кучерявых. «По Карлюкским пещерам». Самарканд, 1991 йил.

МУНДАРИЖА

Туризм турлари 3
Спелеотуризм 18
Ғор турлари 18
Ғор саёҳатлари 21
Ғорларни ўрганишда керакли 24
Асбоб-ускуналар 24
Ғорларда юришни ташкил этиш 27
Жануби- ғарбий Ўзбекистон 31
Ғорлари 31
Жанубий Ўзбекистон ғорлари 39
Тош туяли ғор 45
Кўҳитангтоғ мўъжизалари 51
Биз жанубга кетаяпмиз 51
Нодир гўзаллик сари 54
Тоғ қаъридаги қаср ва безаклар 55
Қандай пайдо бўлади? 55
Бир томчи сув изидан 56
Эксцентрик сталактитлар 61
Кўҳитангтоғ ер ости сайрига тайёргарлик 62
Кечки сел 63
Ғорлар қандай излаб топилади? 65
Ёқимли номаълумлик сари 67
Гўзал ер ости саройи 70
Қарлуқми ёки кағорлук? 70
Искандар Зулқарнайн бу ерни "зиёрат" 71
Қилган эди 71
Пайдо бўлиши 74
Биринчи қадамлар 75
Номаълум хазина 79
Кўҳитангтоғнинг тош юраги 81
Гипсли ўрмонзорда 85
Атлантлар залида 85
"Чойхона" 86
Охирги кун 87

Қоп - кўтонда 87
Ер остидаги юбилей 92
Сеҳрли ғордаги топилмалар 95
Кечки суҳбат 95
Йўлга 96
Хазина сари 97
Ўлим қудуғи 98
Топишмоқ 100
Оралиқ ғори йўлакларида 100
Девор олдинда 101
Номаълумлик 103
Қадимий дарё изидан 104
Эртак 105
Суратли ғор 106
Ажинакамар ғорида 108
Кўҳитангтоғ саргузаштлари 110
Кўркаламушлар 111
Ўрол 112
Лабиринтда 113
Ёриқли ғор 114
Ганг ғори 115
Бўш ғор 116
Кўршапалак ғори 117
Ернинг иссиқ ва совуғи 119
Ер усти мўъжизалари 121
Ер бағридаги ёриқлар 122
Ҳўжаи – фил отадаги фикрлар 123
Ерда 134
Ер қони 134
Оқ кўз булоқ грек олими таърифида 136
Неогеннинг оловли табиати 137
Кўҳитангтоғ ер мойи 139
Фойдаланган адабиётлар 141

Адабий-публицистик нашр

Муродхон ҲОШИМОВ

СПЕЛЕОТУРИЗМ

«Зарафшон» нашриёти ДК, Самарқанд – 2009, 144 бет.

Муҳаррирлар: Адолат ФАРМОНОВА,
Ҳаким ЖЎРАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Гулмира Юсупова
Саҳифаловчи: Зебинисо АҲМАДОВА

Босишга рухсат этилди 21.05. 2009 й. Бичими $60x84_{1/16}$. Шартли босма тобоғи 9,0. Нашриёт ҳисоб тобоғи 6,3. Адади 200 нусха.
Офсет қоғози. Буюртма № 210
Баҳоси келишилган нархда.

«Зарафшон» нашриёти ДК, 140100.
Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.
Оригинал макет «Зарафшон» нашриёти ДК да саҳифаланиб, тайёрланди.

"Н.Доба" ХТ матбаа бўлимида чоп этилди.
Самарқанд шаҳри, кўчаси, Фарҳод кўчаси. 4-уй.

ISBN 978-9943-329-66-9



Муродхон Ҳошимов
(Муродхон Яссавий)

Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро университет профессори. Йигирмага яқин илмий-оммабоп, монографик китоблар, юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Уч марта ЮНЕСКО гранти соҳиби. ЮНЕСКОнинг Халқаро Марказий Осиё илмий тадқиқотлари институти ёрдамида (Алмати 2001) "Религиозные и духовные памятники Центральной Азии", (Туркистон 2005) "Великий Шелковый путь и Центральная Азия", китобларини чоп этган, (Туркистон 2001) "Ходжа Ахмад Яссавий великий ученый Туркистана", Халқаро илмий конференциясининг ташкилотчиси.

ISBN 978-9943-329-66-9
9 789943 329669